



УБАЙДУЛЛА МИНГБОЕВ

**СУД-  
ФУҚАРОЛАР  
ҲИМОЯЧИСИ**



Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир.

Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи керак...

Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим.

Ислом КАРИМОВ



67.99(2)92  
M-82 V

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ

УБАЙДУЛЛА МИНГБОВ

СУД —  
ФУҚАРОЛАР  
ҲИМОЯЧИСИ

ТОШКЕНТ — 2001

	БИҲИШКА
	ТГПИ
338275	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАЙМАН

МУАЛЛИФ

---

---

**Мустақиллик шарофати билан Республикамизда одил судловни таъминлашга қаратилган кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислоҳотларини ўтказиш, судни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кафолатловчи органга айлантиришдек ниҳоятда муҳим ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш имконияти туғилди.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Қурбонович Мингбоевнинг кейинги уч йил ичидаги мақола ва маърузаларидан жамланган ушбу тўпламда одил судлов самарадорлигини ошириш, суд ислоҳотларини жадаллаштириш муаммолари, суд этикаси ва маданияти каби қатор долзарб масалалар ёритилган.**

# МАҚОЛАЛАР

---

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди мамлакатимизда суд ишларини қонунларимизга мос тарзда олиб бориб, одил судлов амалиётида адолат мезонини қарор топтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини анчагина такомиллаштириб берди десам хато бўлмайди.

Хусусан, суд амалиётининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида қўйи судларда машғулотлар мунтазам ўтказиб турилди. Суд амалиёти доимий умумлаштирилиб аниқланган хатоликлар, муаммолар бўйича Раёсат қарорлари қабул қилинди ва таҳлил тариқасида жойларга юборилди. Суд амалиётининг муҳим масалалари юзасидан Пленумда дастурий тушунтиришлар берилиб, Пленум қарорлари бир неча жилдли тўпلام тариқасида чоп этилди. Шунингдек, Жиноят ва Жиноят-процессуал, Фуқаролик ва Фуқаролик-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Олий Мажлисга берган таклифларимиз қўллаб-қувватланиб амалиётда татбиқ этилаётгани ҳам одил судловни таъминлашда ўз самарасини кўрсатмоқда. Аммо, ҳали улгурилмаган ишлар ва камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Республика Олий суди ўзининг йиллик иш режаларини тўлиқ бажариб келмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш анча яхшиланди. Судьялик лавозимига захирага олиш, улар билан ишлаш доимо диққат-

эътиборда бўлмоқда. Олий судга янги ишга қабул қилинган ходимларга иш услубларини ўргатиш, судья ва суд ходимларининг ижтимоий-маиший аҳволидан хабардор бўлиш, уларнинг ички тартиб-интизом, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишлари устидан раҳбарият томонидан етарли даражада назорат олиб борилмоқда.

Республика Олий суди 1930-50-йилларда ва “Пахта иши”, “Ўзбеклар иши” деб номланган ишлар юзасидан қатагон қилинганларнинг ишини қайта кўриб чиқиб, минглаб кишиларни оқлади ва қонун устуворлигини таъминлашда камарбаста бўлди.

Ўтиш даврида ўта оғир жиноятларни содир этган гуруҳларга доир, шунингдек, динни қурол қилиб, Ватанимиз конституциявий тузумини ағдаришни мақсад қилган гуруҳлар — диний экстремистлар ва террористлар — бу йўлда, ҳаттоки Президентимиз ва давлат идораларининг бошқа раҳбарларини жисмонан йўқ қилиб, ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашга қаратилган кўпурувчилик ҳаракатларини содир этганларга нисбатан бўлган жиноят ишлари судда кўриб чиқилди. Тинчлик-осойишталигимизга таҳдид солган, кўплаб бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлган мунофиқларга нисбатан адолатли жазолар тайинланди.

Шу билан бирга, қуйи судлар фаолиятида баъзан сансоларлик, эътиборсизлик ҳолатлари, айрим суд ходимларининг ўз устида ишлаб, тегишли тажриба эгаллашга ҳафсала қилмаслиги, ҳақиқий судья бўлиб етишишга астойдил киришмаслиги каби қусурлар ҳам борки, улар кўрилаётган ишларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада улар томонидан кўрилган айрим ишларнинг Олий суд томонидан бекор бўлганлик ҳоллари учраб турди. Очигини айтиш керак, Республика Олий суди ҳам ўз навбатида қуйи судларнинг ишларини вақтида назорат қилиб, улар дуч келган муаммоларни бартараф қилиш йўлларини объектив ва субъектив сабаб-

ларга кўра тўла кўрсатиб бериш имкониятига эга бўлмади. Аммо кейинги йилларда Олий суд Пленуми томонидан қабул қилинган қарорлар натижасида суд амалиётида учрайдиган нуқсонларнинг камайишига эришилди.

Президентимизнинг ташаббуслари билан амалга оширилган суд тизимининг ихтисослаштирилиши, яъни фуқаролик ишлари, жиноят ишлари бўйича алоҳида-алоҳида судларнинг ташкил этилганлиги суд ислоҳоти йўлида қўйилган жуда улкан қадам бўлди. Судларнинг ихтисослашуви ишларни кўришда сансоларликка чек қўйиши учун пухта замин яратди. Энди судьялар ҳақиқатан ихтисослашдилар ва «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган мақолнинг мазмун-моҳияти суд соҳасига ҳам даҳлдор бўлди.

«Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилинганлиги суд ҳокимиятини мустақкамлаш, одил судловни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш кафолатларини кенгайтди.

Суд департаментининг ташкил этилиши суд ислоҳотлари ичидаги энг улкан воқеалардан бири бўлди. Департаментнинг юридик шахс мақомига эга эканлиги қўйи судларимизга катта қулайликлар яратади.

Департамент судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ишларини бевосита жойлардаги бўлимлари ёки бўлинмалари орқали амалга оширади. Департамент судларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятига мутлақо аралашмайди. Шунингдек, энди Адлия вазирлигига тегишли жойлардаги бошқармаларнинг судлар фаолиятига ҳеч қандай алоқаси қолмади.

Департамент суд қарорларининг ижросини таъминлайди, суд ижрочилари, суд мажлиси котибларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини ҳал этади, суд амалиётини ва суд статистикасини тизимли таҳлил қилади, судларга зарур шароитлар яратиш, судьялар ва



суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этади.

Бундан буён судьялик лавозимларига захирани шакллантириш вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг малака ҳайъатлари томонидан амалга оширилади. Ушбу ҳайъатларда малака имтиҳонидан ўтказилган шахсларнинг ҳужжатлари судьялик лавозимларига захирага олиш учун Департаментнинг ҳудудий бўлим ёки бўлинмаларига юборилади.

Судловда апелляция босқичи жорий этилиши натижасида, суд қарорларини арзимас хатоликлар учун бекор қилиб, ишларни қайта судга ёки қўшимча терговга юборилиши ҳолатларига барҳам бериш имкониятлари яратилди.

Хуллас, қонун устуворлигини таъминлашда биз, судьялар тинмасдан изланишимиз, тажрибамизни бойитиб боришимиз ва бу улуғ вазифани шарафлаш йўлида ҳеч қачон чарчамаслигимиз зарурдир. Судья деган муқаддас номга доғ туширмаслик, ўз халқига, Конституция ва қонунларга садоқатли бўлиш ҳар бир судья учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Айрим фиску-фасодни яхши кўрадиганларнинг, давлатимизнинг тинчлигига раҳна солувчиларнинг, ўз халқига хизмат қилиб фойда келтириш ўрнига ўзининг ҳаракатига одилона баҳо бериш ўрнига аламзада бўлиб юрганларнинг баъзи чет давлатлардаги нодавлат ташкилотлари вакилларининг билиб-билмай, гўёки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари поймол қилинмоқда, судлар томонидан фуқароларга аёвсиз жазолар тайинланмоқда деган гапларини эшитиб ҳайрон қоласан, киши. Бизнинг давлатимизда улар айтган ноҳақликлар бўлаётгани йўқ, албатта. Аммо, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардаги айрим шахсларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларини давлат сиёсатига боғлаш ақдан бўлмаса керак. Бундай мансабдор шахслар орасида қонунни бузганликлари учун одил суд олдида

барча қатори жавоб бериб, тегишли жазоларини олдилар. Буни асло инкор этиш мумкин эмас. Жазолаш кучаймоқда дейишга ҳам асос йўқ ва буни шундай изоҳлаш мумкин. 1980-1981 йилларда жами судланганларнинг 57 фоизигача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланар эди. Бу кўрсаткич мустақилликнинг дастлабки йилларида судланганларнинг 31-34 фоизини ташкил этди. Барчага маълумки, ўтиш даврининг боши, яъни 1992-1995 йилларда жиноятчиликнинг оғир турлари бироз кўпайиб, халқимизнинг тинчлиги, осойишталигига жиддий хавф сола бошлаганлиги сабабли кескин чоралар кўриш йўли билан ушбу ёмон иллатнинг олдини олиш зарурати туғилди. Президентимиз жиноятчиликка қарши курашда ташаббускор бўлдилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида жиноятчиликка қарши курашиб, уни содир этганларни аниқлаб судга юборишда жонбозлик кўрсатдилар. Ўша даврларда судларга келиб тушган ишлар оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича бўлиб, уларнинг аксарияти уюшган жинойи гуруҳлар томонидан содир этилган, айниқса, босқинчилик, талончилик, автомашиналарни олиб қочиш, одам ўлдириш йўли билан мулкка эгалик қилиш каби ўта қабиҳ жиноятлар кўпайиб кетган эди. Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ушбу масалаларни мунтазам ўзининг Пленумида муҳокама қилиб, улар юзасидан тегишли тушунтиришларни бериб борди. Оғир ҳамда ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан қонун санкциясида кўрсатилган жазоларнинг устунлигини таъминлаш, яъни қонун кучидан тўла фойдаланиш ҳақида дастурий тушунтиришлар берилди. Шу тариқа, ҳаётий заруриятдан келиб чиққан ҳолда, 1995, 1997 йилларда умумий судланганларнинг 50-51 фоизига озодликдан маҳрум этиш жазолари қўлланиши юзага келди.

1998 йилдан бошлаб яна жиноятчилик билан боғлиқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш камайди ва 2000 йилга келиб бу

кўрсаткич умумий судланганларнинг 47 фоизини ташкил этди.

1994 йилдан кейин жазо масаласи 3 марта Олий суд Пленуми муҳокамасига қўйилди. Айниқса, 2000 йил 22 декабрда бўлиб ўтган Пленумда қабул қилинган «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорда ўта оғир жиноятларни содир этган шахслардан бошқаларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини алоҳида ҳолларда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлсагина қўллаш лозимлиги тушунтирилди.

Ўлим жазосини тайинлаш масаласига ҳам ўз муносабатимни билдирмоқчиман.

Маълумки, собиқ СССР даврида амалда бўлган, 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 33 та моддасида ўлим жазоси кўрсатилган эди. Унга кўра, ҳаттоки, ўн минг сўмдан кўп бўлган давлат мулки ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилинган ишлар бўйича ҳам ўлим жазоси тайинлаш мумкин бўларди. Давлатимиз мустақил бўлганидан кейин, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексининг дастлаб 13 та моддаси бўйича ўлим жазоси белгиланган бўлса, 1998 йилда кодекснинг яна бешта моддасидан ўлим жазоси олиб ташланди. Ҳозирги кунда фақат 8 та модда бўйича ўлим жазоси мавжуд бўлса ҳам, аммо амалиётда асосан бир ёки икки модда бўйичагина фавқулодда жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланади. Асосан, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда, яъни масалан, босқинчилик йўли билан мулкни эгалаш мақсадида ўта шафқатсизлик ва тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш ёки вояга етмаган қизларнинг номусига тегиб ўлдириш жиноятларининг содир этилганлиги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар билан тасдиқланган ҳоллардагина ўлим жазоси тайинланмоқда.

Барча қатори республикамиз судьялари ва суд ходимлари ҳам янги 2001 йилни ва янги асрни улкан режалар билан, суд ислохотлари жадал такомиллашаётган бир вақтда, кутиб олишди. 2001 йил Ватанимиз тарихида олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолишига ҳеч бир шакшубҳа йўқдир, чунки бу йил севимли Ўзбекистонимиз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаймиз.

Энди Олий суд ва, умуман, Республикамиз судларида амалга оширилган ишларга доир асосий маълумотларни келтирмоқчиман.

Ўтиш давридаги вақтинчалик қийинчиликлар айрим иродаси бўш шахсларнинг жиноят йўлига ўтиб кетишларига сабаб бўлди. Аммо, жиноятчиликка қарши кескин курашда, юқорида айтиб ўтганимиздек, Президентимиз ташаббускор бўлдилар. Тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ижтимоий муносабатларнинг ҳеч бир ҳолати бўйича ҳам ҳуқуқий бўшлиққа ўрин қолдирмаслик, қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноят содир этганларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги тамойилига амал қилиш натижасида кейинги йилларда жиноят содир этилиши анча камайганлиги кўринади. Судланганлик кўрсаткичлари эса сал бошқачароқ. Бунинг боиси шуки, жиноят содир этган шахсларнинг ишлари тергов органлари томонидан муайян муддат тергов қилиниб судга жўнатилади. Шунинг учун ҳам қайд этилган жиноятнинг ҳақиқий сони судланганлик рақами билан тўғри келавермайди, чунки олдинги йилда содир этилган жиноятларга доир ишлар кейинги йилда содир этилган жиноятлар бўйича ишлар билан судга келиб тушиши натижасида улар ўртасида жиддий фарқ вужудга келади.

Жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумлар сони газеталарда эълон қилинди.

Ҳар 100 минг аҳолига нисбатан Ўзбекистон Республикасида маҳкумлар сони 300 кишини ташкил этса, Қо-

зоғистонда бу кўрсаткич 560 кишини, Белорусда 505, Украинада 425, АҚШда 645 ва Россияда 740 кишини ташкил этар экан. Шу ўринда матбуотда эълон қилинган бир мисолни келтирмоқчиман. Энг ривожланган давлатлардан бири бўлган АҚШнинг қамоқхоналарида фақатгина аёлларнинг сони 87.000 та бўлса, бизда бу кўрсаткич бир минг атрофидадир. Шунга қарамасдан, 1999 йилда шахсан Президентимизнинг ташаббуслари билан Жиноят кодексининг 20 дан ортиқ моддаларига ўзгартиришлар киритилиб, уларнинг санкцияларидан озодликдан маҳрум қилиш жазолари чиқариб ташланди, айримлари бўйича жазо муддатлари қисқартирилди. Қатор моддалар санкцияларида етказилган зарарлар ихтиёрий равишда қопланган тақдирда озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинламаслик назарда тутилди. Қонунга киритилган бу ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан судларга тушунтириш бериш учун Олий суд бу масалалар хусусида Пленум қарорларини қабул қилди. Ўзгартиришлар киритилган қонунларнинг амалиётда тўғри татбиқ қилиниши натижасида бир йил ичида тўққиз юздан ортиқ шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинди, 4.300 га яқин шахсларга нисбатан чиқарилган ҳукмлар янги қонун талабларига мувофиқлаштирилди, бир миллиардга яқин миқдордаги етказилган зарарлар ундирилди.

Республика судларида кўриладиган иш ҳажми ҳақида ҳам айрим кўрсаткичларни ахборот тариқасида келтирмоқчиман. 1991 йилда жами кўрилган жиноят, фуқаролик ва маъмурий ишлар сони 220.812 тани ташкил этган эди. (53.152 та жиноят ишлари, 62.143 та маъмурий ишлар, 105.517 та фуқаролик ишлари).

1999 йилда жами кўрилган ишлар сони 382.752 тани ташкил этди (70.029 та жиноят ишлари, 201.798 та маъмурий ишлар ва 125.304 та фуқаролик ишлар).

2000 йилда эса, жами кўрилган ишлар сони 370.650

тани ташкил қилди (56.534 та жиноят ишлари, 202.385 та маъмурий ишлар ва 93.688 та фуқаролик ишлар). 1991 йилда иш ҳажми бир судьяга бир ойда 26 та суд ишини ташкил этган бўлса, 2000 йилда иш кўриш ҳажми бир судьяга бир ойда ўртача 62 тага тўғри келди.

Иш ҳажмининг бунчалик, айниқса, фуқаролик ишларининг кўпайиб кетишига объектив сабаблар бор, албатта.

Биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтишимиз, мулкчилик шаклининг ўзгарганлиги сабабли фуқароларнинг судга ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаби билан муурожаат этишлари кўпайди. Иккинчидан, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ўсди ва уларда бузилган ҳуқуқини суд орқали тиклашга ишонч пайдо бўлди. Бундан ташқари, ижтимоий муносабатларда бошқа бир қанча ҳуқуқий-демократик омилларнинг юзага келганлиги ҳам ўз самарасини кўрсатди деб ўйлайман.

Республикаимиз судларида иш ҳажмининг кўпайиши Олий судда кўриладиган ишлар сонининг ҳам бир неча баробарга ошишига олиб келди. Бинобарин, Олий судда 1991 йилда кассация тартибида 568 та иш кўрилган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 1245 тага етди, 2000 йилда эса, бу кўрсаткич 1026 тани ташкил этди. 1991 йилда кассация ва назорат тартибида жами бўлиб 1366 та иш кўрилган бўлса, 1999 йилда кассация ва назорат тартибида жами 1848 та иш кўрилди. 2000 йилда эса, бу кўрсаткич 2050 тани ташкил этди.

Бундан ташқари, республика Олий суди ҳар йили суд амалиётини умумлаштириш учун минглаб ишларни ўрганади ва амалиётда қонунларни тўғри татбиқ этишдаги тушунмовчиликларни бартараф этиш учун Олий суд Пленумининг тегишли қарорларини қабул қилади, шунингдек, қуйи босқич судлари фаолияти устидан суд назоратини амалга оширади. Шундай ишларни ҳам ҳисоблаганда бир йилда ўрта ҳисобда 11-12 мингта ишлар Олий суд назоратидан ўтади.

Республика Олий суди фуқароларнинг суд ишларига доир ариза-шикоятларига ҳам алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Олий суд биносида фуқароларни қабул қилиш учун қулай шарт-шароит яратилган. Ҳафтанинг дам олиш кунидан ташқари, ҳар куни мунтазам равишда эрталаб соат 9.00 дан 18.00 га қадар масъул ходимлар томонидан фуқароларни қабул қилиш ташкил этилган.

1991 йилда фуқаролардан жами 10.750 та ариза-шикоятлар тушган бўлса, бу кўрсаткич 1999 йилда 12215 тани, 2000 йилда эса 12751 тани ташкил этди. Ушбу муурожаатларни қонуний муддатларда, ҳар тарафлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

Республика Олий судининг Ахборотномаси 1989 йилдан бошлаб чоп этилган бўлсада, мустақиллик йилларида бу журналнинг батамом бошқача шакл ва мазмунда чиқишига, республика судлари учун долзарб ва муаммоли мавзуларда мазмунли мақола ва рисоалар чоп этилишига эришилди.

1994 йилда Республика Олий судининг 70 йиллик юбилейи ўтказилди ва унда хорижий давлатлар суд органларидан вакиллар қатнашди. Бундан ташқари, Олий суднинг 70 йиллик фаолияти ҳақида китоб чоп этилди, суд тарихига оид мўъжазроқ музей ҳам ташкил этилди, 2000 йилда эса ушбу музей кенгайтирилиб тарихий ҳужжатлар билан бойитилди. Олий суднинг 70 йиллигига бағишланиб “Олий суд: кеча ва бугун” номли китоб ҳам чоп этилди.

1998 йил август ойидан бошлаб Олий суднинг “Кучадолатда” номли газетаси чиқа бошлади ва ушбу газетага қизиқиш муттасил ортиб бормоқда. Мустақиллик даврида Олий суднинг Пленумида қабул қилинган қарорлар тўплами икки жилддан иборат китоб шаклида чоп этилди. Ҳозирги кунда унинг учинчи жилди ҳам нашрдан чиқиш арафасида. Шу билан бирга, ҳар бир

Пленумда қабул қилинадиган қарорлар алоҳида китобча шаклида чоп этилиб, хизматда фойдаланиш учун жойларга юборилади.

Республика Олий суди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991-1999 йиллар мобайнида инсонпарварлик, одиллик тамойилларига катта эътибор берган ҳолда чиқарилган ўнта “Амнистия тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда уларни амалда қўллаш тартибини белгилаб берувчи тегишли ҳужжатларни тўплам сифатида чоп этди ва у барча ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга тарқатилди. «Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонун ҳам алоҳида китоб шаклида чоп этилди.

Олий суд биноси таъмирланди. Бинони Олий суд мавқеига мослаш учун ишлар давом эттирилмоқда.

Хуллас, шуни қатъий қилиб айтмоқчиманки, халқимиз кўз ўнгида судни ҳақиқатан ҳам одил, инсонпарвар, қонун устуворлигини таъминлайдиган органга айланиши йўлида ҳар биримиз астойдил, бор куч, билим ва тажрибамизни ишга солиб меҳнат қилишимиз тақозо этилади.

*«Қонун номи билан» Ахборотномаси  
2001 йил 1-2-сон.*



## ЖАМИЯТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Мен Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишини чуқур қониқиш билан ўқиб чиқдим. Аввало шуни айтиш керакки, Конституциямиздан ҳар қанча фахрлансак, уни ҳар қанча ўргансак арзийди. Ундан ҳар қандай мушкул, чигал муаммонинг ечимини топиш мумкин.

Конституцияни ўрганишни қандай ташкил этиш лозим?

Аввало, бу ишни оиладан бошлаш керак. Оила бошлиғи ўз фарзандларини дастурхон олдига тўплаб Конституция ҳақида суҳбатлар ўтказиши, ҳар бир оила аъзосидан фикрларини баён этиб беришни сўраши керак. Оила бошлиғи эса ўз хатти ҳаракатлари билан Конституция қоидаларига амалда риоя қилиши билан намуна кўрсатиши зарур.

Корхона ва ташкилотларда Конституцияни ўрганишни гуруҳларга бўлган ҳолда ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Олий суд ходимлари ўртасида Конституцияни ўрганиш худди шундай, яъни гуруҳларга бўлиниб ўтказилмоқда. Бу тадбир гуруҳ аъзоларини машғулотларда фаол иштирок этишларини таъминламоқда. Мен энди Конституция ҳақида ўз фикрларимни баён қилмоқчиман.

Мустақиллик туфайли биз халқимиз руҳига мос Конституциямизга, давлат тилимиз, ўз урф-одатларимиз ва анъаналаримизга эга бўлдик. Ўтган қисқа ва ниҳоятда сермазмун давр мобайнида иқтисодиёт, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда оламшумул ўзгаришлар юз берди. Конституциямиз ҳақида гап кетганда ҳуқуқий-демократик давлатнинг бош тамойили ҳақида, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойили ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. Конституциямизнинг 11-моддасида биринчи марта давлат ҳокимияти бирига бўйсунмаган учта ҳокимиятга — қонун чиқарув-

чи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши кўрсатилганки, бу Асосий Қонунимизнинг катта ютуғи ҳисобланади. Тоталитар тузум даврида қабул қилинган конституцияларнинг бирортасида ҳам суднинг мустақиллиги ўз ифодасини топмаган, унинг ҳуқуқий кафолати берилмаган эди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, Конституциямизда суд ҳокимиятининг фаолияти қандай бўлиши ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, унда «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмалардан мустақил ҳолда иш юритади» дейилади. Бу эса, бир пайтлардаги сингари судга тазйиқлар бўлмаслигини одил судловнинг холис ва юқори савияда амалга оширилишини кафолатлайди.

Конституциямизда инсон ҳуқуқлари масалаларига кенг ўрин берилган ва улар жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу ўринда яна шуни айтиш керакки, бу конституциявий тамойил ҳам республикамизда кенг ривожланмоқда. Конституциямизнинг демократик-ҳуқуқий жамият қонунчилигига қўйиладиган барча талабларга тўла жавоб бериши, халқчиллиги жаҳоннинг жуда кўп қонуншунослари, сиёсий арбоблари томонидан эътироф этилди. Бу эса жаҳонга юз тутган мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажакини яна бир бор тасдиқ этади. Юртбошимизнинг эълон қилган Фармойишидан хулоса қилиб, Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фарзанди Конституциямизни пухта ўрганишлари, унда кўрсатилган ҳақиқатларга ҳар доим амал қилишни ҳам қарз, ҳам фарз деб билишлари шарт.

Зеро, мамлакатимиз Конституцияси жамиятда кенг ислохотларни амалга ошириб, давлат ва жамият тараққиётига эриша боришда миллатимизнинг дастуруламали вазифасини бажармоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, унинг мазмун моҳиятини тарғиб ва таъшиқ қилиш

мақсадида Президентимиз томонидан эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу Фармойиш ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини, маданиятини янада юксалтиришга асос бўлади.

Халқимизнинг ҳаётидаги яна бир тарихий воқеа бу юртбошимизнинг ёшлар ташкилоти ҳисобланган «Камолот» жамғармасига бўлган эътиборларидир. Хусусан Президентимиз ёш авлоднинг таълим-тарбиясига, хулқ атворида жиддий эътибор бериб, ёшлар масаласига бағишланган йиғилишда, ғоявий-ижтимоий масалаларда ёшларнинг бошини қовуштирадиган, уларнинг чинакам суянчи бўла оладиган янги ташкилот тузиш ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Ёрқин келажак, қудратли давлат қуриш айнан бугунги ёшларимизнинг салоҳиятига, унинг интилиш ва ақл идрокига боғлиқлигини таъкидлаган юртбошимиз «Камолот» жамғармасининг иш фаолиятига танқидий назар билан ёндошиб, ёш авлоднинг таълим-тарбиясидаги, дунёқараш ва мафқурасидаги шаклланиб қолган ғоявий бўшлиқларни бартараф этишни, ёшларимизни халқимизга, давлатимизга ва она юртимизга юксак муҳаббат туйғусида тарбиялашимиз лозимлиги асосий мақсад бўлиши кераклигини таъкидладилар.

Айнан шу масалалар ҳам Конституциямиздан ўрин олганлиги, шу сабабли уни пухта ўрганишимиз олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишиш йўлида бош омил бўлиши муқаррардир.

*«Куч - адолатда» газетаси,  
2001 йил 31 январ*

## XXI АСР — УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АСРИ

Маълумки, XX аср, айниқса унинг охириги ўн йили юртимиз, халқимиз тақдирида жуда катта аҳамият касб этди, чунки халқимиз 130 йиллик мустамлака кишанларини узиб ташлаб, озод ва эркин нафас олди. Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалди.

Халқимиз, дастлаб чор Россияси, сўнг тарихда қизил империя деб ном олган тоталитар тузум мустамлакаси бўлиб кўп азоб чекди. Бу мустабид тузумга қарши чиққан, курашган минглаб ўзбек фарзандлари тўпга тугилганлиги, қирғин-барот қилинганлиги, халқимизнинг энг етук, билимдон вакилларига эса, халқ душмани, ватан хоини деган тўқиб чиқарилган айблар қўйилиб, аёвсиз қатагон қилинганлиги бугун барчамизга маълум.

Ҳа, эрксевар халқни қирғин-барот қилиш, унинг асл фарзандларини қатагон қилиш мустабид тузумнинг етакчи иш усулига айлантирилган эди. Шу йўл билан у халқни ҳамиша даҳшатда, кулликда ушлаб туришга интиларди. 30, 50, 70 ва 80-йиллардаги қатагонлар худди шу ёвуз мақсадни амалга ошириш учун ўтказилди.

Ушбу қатагонлар халқимизнинг етук фарзандларини жисмонан йўқ қилишгагина қаратилган бўлмай, балки она тилимиз, динимиз, қадриятларимизга ҳам қарши қаратилган эди. Бу тузум ўзининг машъум ниятларини амалга оширишда суддан жазоловчи орган сифатида ҳам фойдаланиб келдилар.

Мана шундай қатагонларнинг бирини 80-йилларнинг авлоди ҳам ўзида синаб кўрди. Собиқ марказ томонидан юборилган «десантчи»лар «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган ишларни тўқиб чиқариб, тўрт мингдан зиёд ҳамюртимизни ҳибсга олдилар. Ёлғон кўргазмаларга асосланган ишларни судга чиқариб, суддан яна жазоловчи қурол сифатида фойдаланмоқчи бўлдилар. Лекин бу гал уларнинг

ёвуз ниятлари амалга олмади. Аввало республикамиз раҳбарлигига И.А.Каримов келиб, у киши томонидан суд ва судьяларнинг қўллаб-қувватланганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Пахта ишлари»га ҳуқуқий баҳо берди. Минглаб ҳамюртларимиз оилалари бағрига қайтди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши мамлакатимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. 1991 йилнинг 31 августида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига қуйидаги оламшумул сатрлар битилди: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллатидан, элатидан, ижтимоий келиб чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларга эгадирлар. Республика Конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар».

Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш бош мақсад қилиб қўйилди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳокимият учта ўзакдан — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ташкил топиши ўз ифодасини топди. Бу Конституция-мизнинг энг асосий ва муҳим муваффақиятларидан бири бўлди. Чунки ҳокимиятнинг учга бўлиниши ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий шартидир.

Мустақиллик шарофати билан биз «Пахта иши», «Ўзбеклар иши»га доир ишларнигина эмас, собиқ марказда кўриб ҳукм чиқарилган ишларни қайтадан Олий судда кўриб чиқиш имкониятига эга бўлдик. Бугунгача Олий суд бу ишларнинг аксариятини қайта кўриб чиқди ва уч мингга яқин кишини оқлади.

Қатағон жабрдийдаларини оқлаш хусусида шуни ай-

тин керакки, бу жараён умуман олганда 1955 йиллардан бошланган, бироқ, бу ўқтин-ўқтин кўзга ташланиб, изчил характер касб этмас эди. Олий суд аксилинқилобий жиноятлар содир этганликда айбланиб, ноҳақ судланганлардан 1955-1959 йиллар орасида жами 2850 кишини оқлаган бўлса, мустақилликка эришганимиздан сўнг 5200 дан шёд кишини оқлади.

Энди мен давлатимизда суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш борасида олиб борилган ишлар хусусида тўхталмоқчиман. Ҳуқуқий-демократик давлатда судларнинг роли ва аҳамияти катта бўлади. Бу эса кенг қамровли суд ислоҳотини ўтказишни тақозо қилди. Шунинг учун ҳам суд ислоҳотини собитқадамлик билан амалга ошириш, суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш масалалари Президентимизнинг диққат марказида турибди.

Олий Мажлиснинг қатор сессияларидаги маърузаларида ҳам Президентимиз бу долзарб масалага катта эътибор қаратиб, суд ва суд хизматчиларининг обрўсини кўтариш зарурлигини уқтирди. Суд фуқаролар кўз олдида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида гавдаланиши лозимлигини талаб қилдилар. Бу — жуда муҳим талабдир. Ҳақиқатдан ҳам кишиларимизнинг онгини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан бўлган муносабатларини ўзгартириш борасида ҳали анча ишлар қилишимиз лозим. Биз суд маданиятини кўтаришимиз, ҳар бир суд жараёни фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлишига эришишимиз шарт. Суд ва судьялар фуқароларда ўзига нисбатан ишонч туғдиришнинг уддасидан чиқиши, бу ишончни ҳар куни, ҳар доим амалий ишлар билан исботлашлари лозим. Судьяларнинг ўзлари зиёли, ахлоқ-одобда, юриш-туришда, оилада, турмушда бошқаларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишлари, судлов ишларини билимдонлик билан олиб боришлари, ишларни беғараз кўриб, одиллик билан қарор ёки ҳукм чиқарсаларгина халқ ишончига сазовор бўладилар.

Судьяларимиз бу юксак талабларга ҳамиша муносиб бўладилар деб ишонаман.

Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан суд ислохотларини жадаллаштиришда, хусусан, судларни ихтисослаштириш масаласида дадил қадам қўйилди. 2001 йил 1 январдан бошлаб фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида бўлган судлар ўз фаолиятини бошлайди. Бу эса ишларнинг сифатли кўрилишини таъминлайди, фуқароларнинг сансоларлигига барҳам беради, суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлайди. Суд ва судьяларнинг обрўсини оширишда салмоқли рол ўйнайди.

Мени қувонтирган яна бир нарса шуки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ тўртинчи сессиясида янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлиги ҳам суд ислохотлари жадал олиб борилаётганлигига ёрқин далилдир.

Янги асрнинг биринчи йили “Оналар ва болалар” йили деб эълон қилинди. Бунда менинг назаримда, рамзий маъно бор. Она ва болани ўйлаган халқ чин маънода ўзининг эртанги кунини, миллатини ва соғлом авлоди ҳақида қайғурган бўлади. Чунки она ва бола ҳаётнинг давомийлигидир, она келажакни тебратади, бола уни барпо этади.

Биз ҳар биримиз янги аср бўсағасида туриб, Мустақиллигимизнинг қадрига етган ҳолда чуқур улуғворлик туйғуси билан XXI асрга — улкан ўзгаришлар асрига қадам қўймоқдамиз.

*«Куч - адолатда» газетаси,  
2000 йил 30 декабр.*

## БЕҒАРАЗ ИСТАКЛАР

### Ўзбекистон Республикаси судлари судьялари ва суд ходимларига

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўзига Конституция ва қонунлар асосида юклатилган вазифаларни жиддий ва қўпол саналмайдиган баъзи бир камчиликлардан холи бўлмаган ҳолда бажармоқда. Мавжуд жузъий нуқсонларни бартараф этиш ва мутлақо камчиликсиз ишлашга эришиш мақсадида Олий суд раҳбарияти томонидан зарурий чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Республикамизда қонун ва адолат устуворлигини бир хилда тўлиқ таъминлаш учун бу чора-тадбирларнинг таъсир доираси барча қуйи судларни ҳам ўз қамровига олиши лозим деб ҳисоблайман. Зеро, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, вилоятлар судлари, туманлараро фуқаролик ишлари судлари, жиноят ишлари бўйича шаҳар ва туман судлари, ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг конституциявий ҳуқуқигина бўлиб қолмасдан, балки мажбурияти ҳамдир. Шу муносабат билан сизлар республикамининг барча судлари, судьялари ва суд ходимларини юксак касб ваколатингиз доирасида қонун устуворлигини таъминлашингиз билан бир қаторда қуйидаги инсоний фазилатлар соҳиби бўлишга даъват этишни ҳамда шуни талаб қилишни, эгаллаган лавозимим, ҳаётим ва амалий тажрибам нуқтаи назаридан ўз бурчим деб ҳисобладим.



## Ҳурматли судьялар ва суд ходимлари!

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини муқаддас билинг ва уларга доимо, ҳар бир ишда қатъий риоя этинг;

- Ўзингизда ватанпарварлик туйғусини тарбияланг;

- Ватанга ва халққа бўлган садоқатингиз ҳар бир ҳаракатингизда намоён бўлсин;

- Президентимизнинг «халқ очликка, қийинчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо, адолатсизликка чидай олмайди», деган сўзларини асло унутманг;

- фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилишни тўлиқ таъминлашни энг асосий бурчингиз деб билинг ҳамда бу ишда фидойилик кўрсатинг;

- хизматда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам қонунни тўғри, тўла ва адолатли қўллашга эришинг, фақат қонунни қурол қилиб, ўзгаларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилинг, шунингдек, зарурат туғилганда ўзингиз ҳам қонун ҳимоясида бўлиш лаёқатига эга бўлинг;

- фуқаролар, давлат ва жамият олдидаги масъулиятингизни юрак-юракдан ҳис этинг;

- судьялик қасамёдига ва этикаси қоидаларига содиқ қолинг, уларни бузишдан қўрқинг, бузганлардан ҳазар қилинг;

- ҳамма вақт ва ҳар ишда, энг аввало, хизмат фаолиятингиз билан боғлиқ муносабатларда сабр-тоқатли, метин' иродали бўлинг;

- ҳар қандай қонун бузилишига нисбатан муросасиз бўлинг, уларга қонун номидан яшиндай шиддатли, шамширдай кескин муносабатда бўлинг;

- ҳалол ва адолатли бўлинг, ўз ваколатларингиз ва вазифаларингизни қонун доирасида виждонан, холисона, беғараз бажаринг. Адолат фақат беғараз қарор топтирилгандагина адолат саналишини ўз шиорингиз деб билинг;

- суд ишларида бирор бир тарзда ошна-оғайнигарчи-

лик, жўрабозлик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, миллатчилик каби иллатларнинг бўлиши мутлақо мумкин эмаслигини унутманг;

- ҳалол ва пок юриш мажбуриятларини уддалаган бўлсаларингиз, оталарингизга минг раҳмат, агарда билиб-билмасдан қандайдир арзимас камчилик ўтган бўлса, энди албатта покланинглар;

- кимки нафс дардига гирифтор бўлган бўлса, унга бошқа душманнинг кераги ҳам йўқ. Бу бало уни ўз домига тортиб, ҳалок этиши муқаррар;

- муборак Ҳадиси шарифда: «Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши диндан чиқишдир» дейилган. Бунга шак келтиришдан жаҳаннам азобидан қўрққандек қўрқинглар;

- кўприк йиқилиб, икки-уч киши фалокатга учрамагунча уни тузатмаслик, айланиб, бир амаллаб ўтавериш лоқайдлик бўлиб, бу энг катта кулфатдир. Лоқайдлик қалбнинг мажруҳлигидир ва суд ишида бу асло мумкин эмаслигини унутманг;

- тоза фикрли, гўзал хулқли бўлиш шарт. Яхши хулқ инсонга зийнат берадиган либос бўлса, ҳаё унинг безагидир. «Ҳаё иймондандир... Беҳаёлик жафодандир», дейилган Ҳадиси шарифда;

- барча билан мулоқотда самимий бўлинглар, самимият сўзни кам талаб қилади, сохта самимият эса битмас-туганмас эзмаликлардан иборатдир;

- «Тангри наздида энг маъқул жиҳод - золим подшоҳга айтилган ҳақ сўз» дейилганидек, ота-онангиз, қариндош-уруғларингиз ва умуман ким томонидан бўлса-да, қилинган илтимос ва талабни, агар унинг қонунсиз ва адолатсиз эканлиги аён ёки шундай деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, бажармасдан маломатга қолишдан асло чўчимаңг. Уларга тўғри ва ҳақ гапни айтиңг;

- ҳар қандай қийин ва машаққатли ҳолатда ҳам ҳақ йўлни тутиш ва ҳақиқатни қарор топтириш шартлиги

тамойилидан оғишманг. Ундан четга чиқишни судьялик қасамёдига ҳамда касбига нисбатан хиёнат ва ваколатни бажармасликда ифодаланувчи жиноят деб билинг;

- судьяликдан юксак лавозим йўқ. Бу ном мўътабар тутилиши, улуғланиши ва эҳтиёт қилиниши керак. Судьяликка шак келтирманглар. Унинг жазоси оғир бўлади;

- кибру-ҳавога, манманликка, шахсиятпарастликка берилиш, ўзини ўзгалардан устун қўйиш судья ва суд ходимларига ёт хислатлар бўлиши шарт;

- хушомад вақтинча тиз чўкиб турган тажовуздир. Хушомадгўйдан қочинг, унинг хушомадида гараз мақсад ниқобланганлигини унутманг;

- ўзингиз билан бирга ишлайдиган судьялар ва суд ходимларига нисбатан ҳам талабчан бўлинг, чунки улар хусусида айтилган гаплар, билдирилган мулоҳазалар сизларга ҳам тааллуқли, салбий фикр-мулоҳазалар эса суд обрўсига путур етказди;

- суд ишида кимнингдир ишончини оқлаш учун эмас, балки ваколатни тўла амалга ошириш, қонунийлик ва адолатни таъминлаш учун ишламоқ кераклигини бурчингиз деб билинг;

- илми, маърифатли бўлинг, маънавий қашшоқликдан ортиқроқ жаҳолат йўқдир. Чунки инсоннинг зийнати унинг илмидадир. Кайковус таъкидлаганидек: «Қозига яхши ҳунар - илм ва мулойимликдир...»;

- касб маданиятига нафақат хизматда, балки ҳамма муносабатларда қатъий риоя этинг, ишда ҳам, кўча-кўйда ҳам, оилада ҳам судьялик салоҳиятини бир хилда сақланг;

- айниқса, суд мажлисларини ўтказишда юксак маданиятли, хушфёлли, зукко ва иқтидорли эканлигингизни намоён этинг. Зеро, суд мажлиси касбий маҳоратдан ташқари инсоний фазилатлар ҳам акс этувчи кўзгудир. Бу кўзгуга ҳаммиса халқнинг зийрак нигоҳи қадалган;

- маиший жиҳатдан пок, камтарин бўлинг, кийиниш,

гурар-жой, юриш-туриш маданиятини сақланг, ўзгалар  
ётиборини тортадиган ясан-тусандан йироқ юринг;

- судда ҳал этилаётган масалаларнигина эмас, балки,  
кундалик ҳаётда, туриш-турмушда учрайдиган ҳар қан-  
дай дунёвий жумбоқни ҳам аввал мантиқий мушоҳада-  
лар, теран мулоҳазалар асосида баҳолаб, индуктив-дедук-  
тив талқин қилиб, фақат шундан кейингина, ўшанда ҳам  
қонуний ва адолатли эканлигига минг қарра қатъий ишонч  
ҳосил қилгандан сўнггина хулоса чиқариш ҳамда тўхта-  
га келиш лозимлигини меъёр деб билинг;

- «ўзингга раво кўрганни ўзгага ҳам раво бил ва аксин-  
ча - раво кўрмаганингни раво билма...» ҳикматидан келиб  
чиқиб, бирор-бир суд иши юзасидан ажрим қилишдан,  
яъни ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқариш,  
хулоса ва жавоб тайёрлашдан аввал судланувчи, жабрла-  
нувчи, даъвогар, жавобгар ва умуман ҳақ-ҳуқуқлари ҳал  
қилинаётганларнинг ҳар бирининг ўрнида ўзингизни бир-  
ма-бир фараз қилиб кўринг. Умуминсоний қадриятларни  
эъзозланг, инсон ҳаёти ва тақдирига ўта масъулиятли  
бўлинг;

- муайян шахснинг ҳуқуқлари ўзга шахснинг ҳуқуқлари  
бошланган чегарада тугаши тамойилига доимо амал қил-  
ган ҳолда фақат ҳуқуқингиз ва ваколатингиз доирасида-  
гина ҳаракат қилинг, ўзингизга топширилган суд ишини  
бажаринг, ваколатингиз бўлмагани ҳолда касбдошларинг-  
из ишига аралашманг ва қизиқиб ҳам кўрманг;

- фаолиятингизга доир маълумотларни ошкор қилиш-  
дан сақланинг;

- ҳар қандай ножўя хатти-ҳаракатлар ёки шундай бўлиб  
кўриниши мумкин бўлган муносабатлардан ўзингизни  
тийинг;

- суд ишини ҳал қилишда бефаразлигингизга шубҳа  
қилиш учун жиддий асос бўлса, ишни кўришда иштирок  
этишдан воз кечинг;

- фуқароларни асоссиз овора қилиш, масъулиятсизлик,

сансалорлик, қонуний жавобгарликни келтириб чиқаришдан ташқари шаърий гуноҳ ҳам саналишини, унинг уволи оғир эканлигини унутманг;

- туғилган кун, хотирлаш, муваффақиятлар билан қутлаш каби тадбирларни фақат оила доирасидагина, тўй ва бошқа маъракаларни яқин қариндош-уруғлар даврасида камтарона, исрофгарчиликларсиз, дабдабасиз, ихчам ва одобли ўтказиш мажбуриятига эга эканлигингизни унутманг, мартаба ва ютуқларни «ювиш» деган иллатдан фориғ бўлинг;

- оиланинг қонуний ва ҳалол даромадлари эвазига яшашни ўрганинг, фарзандларни ҳаром луқма ҳисобига боқиш уларга заҳар бериш билан баробар эканлигига ва бу шаксиз кулфат келтиришига ҳечам шубҳаланманг.

- Оилавий даромадга қўшган ҳиссангиздан қатъи назар, ундан инсофли улуш олиб фойдаланинг, оиланинг бошқа аъзолари ҳақиқа хиёнат қилманг. Бу оилавий-молиявий муносабатлардаги «жиноят» демакдир;

- ҳаётингиз, касбингиз, лавозимингиз тарихини ифодаловчи шахсий хотиравий кутубхона яратинг ва уни доимо бойитиб боринг;

- эл-юртнинг ҳурмати, назаридан қолмасликка ҳаракат қилинг, зеро халқ назари қудратли ва унда иззатда бўлиш олий саодатдир.

### *Ҳурматли судьялар ва суд ходимлари!*

Ўзингизда юқорида зикр этилган фазилатлар мужассам эканлигига шубҳа қилсангиз, уларни эгаллашга дарҳол киришинг! Ана шу ажойиб фазилатлар соҳиби бўлишингизга умид қиламан!

*«Куч - адолатда» газетаси,  
1999 йил 30 январ*

## СУД КАДРЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА ТАРБИЯЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Миллатни-миллат, давлатни-давлат сифатида танилиши, гуллаб-яшнаши шу халқнинг, шу мамлакатнинг баркамол, етук ва маънавиятли кадрларининг қўплигига боғлиқ. Донишмандлар «эл-юрт хизматиغا соғлом, вазмин, билимли, насл-насаби тоза кишилар келса, юрт гуллаб яшнайди, халқ мамнун бўлади», дея бежиз таъкидлаганлар.

Мана истиқлолга эришганимиздан буён ўтган давр мобайнида халқимизнинг маънавияти қанчалик ошганлигини, ҳуқуқий онгни эгаллаётганлигини, мамлакатимизда барпо этилган ва этилаётган корхона-ю иншоотларни ёки бўлмаса, дунёда тутган ажойиб ўрнини ким билмайди дейсиз. Хуллас, айтиш жоизки асрларга татигулик ва қолаверса келажак авлодлар эслаб, фахрланиб юрадиган ишлар амалга оширилди. Истиқлолга эришганимиздан сўнг қўлга киритилган барча ютуқларимиз ҳурматли Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг бевосита раҳбарлиги, шу кишининг улкан ишларимизни рўёбга чиқаришдаги қонуний қатъиятликларининг натижасидир. Қисқа муддат ичида асрни ортида қолдирдик, десам хато бўлмайди. Чунки истиқлолга эришганимиздан кейингина Ўзбекистонни жаҳон таниди. Ўзбекистоннинг байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида фақатгина мустақилликка эришганимиздан сўнггина қад ростлади. Миллатлар қаторида ўзбекнинг шони, шавкати, шуқуҳи кўтарилди. Дунё ўзбек деган халқни таниди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда кадрлар, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш масаласига алоҳида эътибор берилаётганлигининг ижобий натижасидир. Чунки кадр ташаббускор, серғайрат, фидоий, ҳалол-пок бўлса ҳар қандай қийин, мураккаб ишнинг уддасидан чиқа олади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш бўйича мил-

лий дастур ишлаб чиқилди ва у босқичма-босқич собитқадамлик билан амалга оширилмоқда.

Ҳар бир кадрни лаёқатига яраша ўз ўрнига қўйиш, унинг ишларини назорат қилиб бориш, қолаверса, ютуқ ва камчиликларини ошкора айтиб, раҳбар ходимларни ҳушёрликка чақириб туриш Юртбошимизнинг асосий мақсадларидан биридир.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясида кадрлар масаласида йўл қўйилган хатолар ошкора айтилди. «Мени катта ташвишга соладиган ҳолат шуки, - деди Юртбошимиз, - бундай уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, қабилабозлик иллатларига нафақат биринчи раҳбар, -бундай касалликка, эскидан қолган бу оғир асоратга вилоятдаги кўпчилик раҳбар курсисида ўтирганлар ҳам берилиб кетган».

Юртбошимиз кадрлар тайёрлаш ва уларни ўз ўрнига қўйишда йўл қўйилаётган камчиликларни қатор вилоятлар сессияларида такрор-такрор уқтириб ўтдилар. Бу республикамиз кадрларининг ҳар бирига тааллуқли бўлган ва хулоса чиқара оладиган буюк ҳикматдир.

Тарихга ва ота-боболаримизнинг ўғитларига назар ташлайлик. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз фарзандларига қилган васиятида «Мамлакатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир» деганлар. Бу ўғит ҳаммага, шу жумладан суд ҳокимияти соҳасида ишлаётган кадрларга ҳам бирдек тегишли ва буни ҳар ким билиши ва амал қилиши лозим. Зеро, мамлакатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақлаш бевосита судьялик ваколатидан келиб чиқадиган олий бурчдир.

Бу ўринда шуни айтиш керакки, судьялик жуда юксак лавозим, бу ном ҳамшиша муътабар тугилиши, улуғланиши ва эҳтиёт қилиниши керак.

Туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши, Олий суд судьяларининг Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти тақдимномасига биноан Олий Мажлис томонидан сайланиши судья деган номнинг нуфузини кескин ошириш билан бирга уларни танлаш ишига жуда чуқур масъулият билан ёндошишни тақозо қилмоқда.

Чунки судья ўз ваколатини амалга оширишда шу муқаддас давлат номидан иш кўради ва инсон тақдирини ҳал этади. Шунинг учун ҳам у ўз ваколатини беғараз амалга ошириши, илмли, маърифатли, камтар бўлиши лозим. Кадр у хоҳ Олий суд судьяси бўлсин, хоҳ туман судининг судьяси бўлсин, қуйидаги талабларга қатъий риоя қилиши шарт. Бу талабларнинг биринчиси — инсонпарварлик, адолатлилик, поклик ва ҳалоллик, иккинчиси — ақл ва заковат, учинчиси — қаноат ва қатъиятлилик.

Хўш, суд кадрларимизнинг ҳаммаси шу юксак талабларга жавоб бера оладими?

Умуман олганда, бу саволга ижобий жавоб бериш мумкин. Судьяларимизнинг аксарияти суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, одил судловни юксак даражада амалга ошириш йўлида ўз ваколатлари доирасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бундай судьяларнинг янада ваколатлироқ мансабларга муносиб бўлиши учун кенг имкониятлар яратилган. Касб маҳорати, амалиёт тажрибасига эга бўлган туман, шаҳар судьяларини вилоят судларига, вилоят судларининг шундай кўрсаткичларга эга бўлган судьялари эса Олий судга ишга таклиф қилинмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Олий судида фаолият кўрсатган тажрибали кадрларнинг кўплари қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларида масъул лавозимларда ишламоқдалар. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг биринчи ўринбосари Абдусамад Абдуҳамидович Полвонзода Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири этиб тайинланди, Олий судда узоқ йиллар ҳалол-пок ишлаб ҳурмат қозонган Мухитдинова Фарруха Фахритдиновна бугун Олий Мажлис депутати, Олий Мажлис Раисининг ўринбоса-



ри, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Баҳодир Отабоевич Эшонов Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судида судья, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси, Олий суд Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Аминжон Жабборович Ишметов Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбарининг ўринбосари, Олий суд Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Ф.А.Раҳимов ҳозирги кунда Адлия вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси бўлган Машқура Боқиевна Сафаева бугунги кунда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раисидир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси бўлган Абдил Қосимович Тўхташев бугунги кунда Олий Мажлис депутати, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмита раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий судида масъул вазифада меҳнат қилган Илгизар Матёкубович Собиров ҳам Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлди. У Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари бўлган Султонбой Бердиқиличев Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раиси, Обиджон Турғунбоев Фарғона вилоят судининг раиси, Савронбек Турсунов Самарқанд вилоят судининг раиси, Қўчқор Тоғаев Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи, Эркин Қудратов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, Хўжамурод Тоғаев Сурхондарё вилоят фуқаролик ишлари бўйича судининг раиси, Ҳамид Ҳақимов Бухоро вилоят

фуқаролик ишлари бўйича судининг раиси, Аюбхон Муҳаммадиев Жиззах вилоят фуқаролик ишлари бўйича судининг раиси этиб сайландилар. Қаҳрамон Исаров Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатмоқда.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясида илгари Олий суднинг судьяси, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси бўлиб ишлаган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими, сўнгра Тошкент шаҳар судининг раиси бўлган, яқингача Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси ўринбосари бўлиб ишлаган Бахтиёр Мирзааҳмедович Тойжонов<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раисининг биринчи ўринбосари этиб, Навоий вилоят судининг раиси Бахтиёр Ўроқович Жамолов Олий суд Раисининг ўринбосари этиб сайландилар.

Бундан ташқари, бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида ўн етти нафар энг тажрибали судьялар Олий суд судьялари этиб сайландилар.

Бугунга келиб Олий суд судьяларидан Баҳриддин Норхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими вазифасида, Дилмурод Ибрагимов Суд департаменти Тошкент вилояти бўлимининг бошлиғи, Асрор Сагатов Тошкент шаҳар Миробод туман жиноят ишлари бўйича судининг раиси, Муҳиддин Холмонов Тошкент шаҳар Юнусобод туман жиноят ишлари бўйича судининг раиси, Бахтиёр Исмоилов Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман жиноят ишлари бўйича судининг раиси, Сайёр Эшонкулов Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг раиси вазифасида фаолият кўрсатишмоқда. Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси бўлиб ишлаган Ҳабибулла Жузба

---

<sup>1</sup> Б.М.Тойжонов— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا кўра Суд департаментининг директори— Адлия вазирининг ўринбосари этиб тайинланди. -Мух.

нов Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича суди раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

Биз жамиятимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган кадрларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Лекин кадрлар танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш ишида ютуқлар билан бир қаторда камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтган 1997-2000 йилларда бир қатор судьялар интизомий жавобгарликка тортилганлигидан, судьялик шаъни, обрўсига путур етказгани, салбий хатти-ҳаракатлари учун ўттиздан ортиқ судья ўз вазифасидан муддатидан олдин озод этилганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Улар бизни қаттиқ ташвишлантиради. Жумладан, Қашқадарё вилоят Касби туман судининг судьяси И.Қандахоров судья учун ёт бўлган кибру-ҳавога, манманликка, шахсиятпарастликка берилди, ўзини ўзгалардан устун қўйди. У хизматдан ташқари ҳолатда уни ўз автомашинасида туман марказига олиб бориб қўймаган фуқаро А.Новатовни Касби туман ИИБ ДАН ходимлари орқали унинг автомашинасини олиб қўйиб, ўзини эса бир кун вақтинча сақлаш хонасида қонунсиз ушлаб туриши натижасида жиноий ҳолат келиб чиқишига сабабчи бўлди. И.Қандахоров бу қилмиши билан судья деган мўътабар номга доғ туширди, судьялик қасамёдига хиёнат қилди. Шунинг учун у Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши билан судьялик лавозимидан озод этилди, бу билан тегишли жазосини олди.

Қандахоров воқеасини кўп судьялар ўйлаб кўришлари, муҳокама қилишлари ва ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олишлари лозим. Бу ва бунга ўхшаш салбий ҳодисалар бундан кейин асло такрорланмаслиги ва ҳар бир судья қасамёдига содиқ қолмоғи ҳам қарз, ҳам фарздир.

Суд кадрларини танлаш, тарбиялаш жараёни узлуксиз жараён бўлиб, бу ишга асло юзаки, совуққонлик билан қараб бўлмайди. Афсуски, жойлардаги бу соҳага мутасад-

ди бўлган айрим раҳбарлар кадрлар танлаш масаласига ҳамма вақт ҳам масъулият билан қарамаяптилар десам, хато бўлмайди. Мен буни рўй-рост айтишимдан мақсад жойларда кадрлар масаласига енгил-елпи қаралиши асло мумкин эмаслигини таъкидлашдир. Номзодлар рўйхатига адолатни беғараз амалга оширадиган, барча томони билан судьялик этикасига мос бўлган ҳуқуқшуносларгина киритилиши лозим, бошқача бўлиши мумкин эмас.

Суд кадрларининг иш фаолияти устидан назорат қилиб, уларнинг билим савияси, ишларининг сифати, юриш-туриши атрофлича ўрганилиб, шулар асосида тегишли хулосага келгандан сўнггина уларни судьялик лавозимига тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир. Судьяликка номзодлар рўйхатига киритилган кадр иш фаолияти давомида бирор бир хатоликка йўл қўйган тақдирда у номзодлар сафидан чиқарилиши лозим.

Президентимиз миллий мафкура — келажагимиз пой-девори мавзуида тўхталиб жамиятимизда фидойи, билимдон, ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга бўлган зиёли одамлар кўплигига ишонч билдирдилар. Бу барча зиёли кишиларимизга куч-қувват бағишлайди. Биз кенг жамоатчилик орасида ҳам ёинки мамлакатлар орасида бўладиган анжуманларда ҳам аввало етук кадрларимиз билан фахрланамиз. Мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа қатор соҳалар бўйича салоҳиятини кўтара оладиган зийрак ва доно ёш кадрларимиз етарли, улар билан фахрлансак арзийди. Суд ҳокимиятини ҳақиқий ҳокимият даражасига кўтаришда, кадрларни тарбиялаб жой-жойига қўйиш устида ҳар бир раҳбарнинг ўзи ҳар томонлама намуна бўлиб, масъулият билан ишлаши зарур деб ҳисоблайман.

Мустақил давлатимизнинг суд ҳокимияти тармоғида ҳар томонлама етук кадрлар ишлаши зарур.

*«Куч - адолатда» газетаси,  
2000 йил 1 июл*

# СУД ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУД ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мустақилликни қўлга киритган ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёти равнақ топиши, ижтимоий салоҳиятининг юксалиши ҳамда давлат ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар бир маромда кечиши учун муайян вақт зарурлиги шубҳасиз. Ҳар қандай янги давлат ўзининг қонунқоидаларини амалиётга татбиқ этиб, уларнинг нечоғлиқ ҳолисона эканлигини синаб кўради. Аниқланган етишмовчиликлар тўлдирилади, камчиликлар бартараф этилади. Мухтасар айтганда, қонун давр талабларига мослашиб, жамият ҳаётининг фаровон ва адолатли бўлишига хизмат қилади.

Бугун мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнлар, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан бир қаторда қонун устуворлигини таъминлаш борасида ҳам ислоҳотлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Хусусан, суд ҳокимиятини мустақкамлаш, одил судловни таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Юртбошимизнинг судларни ихтисослаштириш борасида билдирган фикрларини республикаimizдаги барча судьялар, ҳуқуқшунослар яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судларни ихтисослаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи ва давр тақозоси эканлигини эътиборга олиб, бу масалани Олий суд Пленумида муҳокама этди. Пленум Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига «Судлар тўғрисида»ги Қонунга судлар тизимини ихтисослаштиришга доир қўшим-

судлар киритиш тўғрисида таклиф киритишни лозим топди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис ҳузуридаги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тийёрлаш Комиссияси эса янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида» ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бирга судларни ихтисослаштириш бўйича билдирилган фикр-мулоҳазаларни муҳокама этди ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига тақдим этишни таклиф қилди.

Шу ўринда юртдошларимиз барча соҳа ва тармоқларда тежамкорликка, бошқарувнинг соддалашувига эришиш учун ихчамлаштириш, қисқартиришлар амалга оширилаётган ҳозирги паллада суд тармоғини кенгайтириш зарурмикан, деган саволни ўртага ташлашлари мумкин.

Суд амалиётини пухта ўрганиб чиқиш эса бу саволга асосли жавоб бериш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишни олдига мақсад қилиб қўяр экан, бугунги кунда бу эзгу ниятнинг амалга ошаётганлигини эътироф этишимиз мумкин. Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, фуқароларимизнинг Конституциямизда ва бошқа қонунларимизда белгиланган эркинликлари ва ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазасини талаб қилиб, судларга мурожаат этишлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Бугун бундай мурожаатларнинг сони 1990 йилдагига нисбатан 25 фоиз кўпайган. Бунга сабаб фуқароларимиз ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини кўпроқ тушуниб етиб, судга мурожаат қилишларидир.

Судларда иш салмоғининг кундан-кунга ортиб боришига мутаносиб равишда фуқаролик ишлари бўйича янгидан-янги даъво турларининг пайдо бўлаётганлиги, эндиликда тарафлар сифатида чет эл компаниялари ва фуқароларининг ҳам суд ишларида иштирок этаётганлиги ва бошқа қатор сабаблар судларнинг ихтисослашувини тақозо этади.

Судларда фуқаролик ишлари сони ортиб бораётганига қарамай, судьялар сонининг деярли ўзгармай қолаётганлиги иш сифатига салбий таъсир қилмоқда. Шу билан бирга судьяларнинг ҳам фуқаролик, ҳам жиноий, ҳам маъмурий ишларни бир вақтда кўриб ҳал этиши судьялардан жуда катта маҳорат, юксак малака ва билим талаб этади. Шунини ҳам тан олиб айтиш керакки, бугунги кунда қатор судларимиз ишни қонуний муддатларда кўриб тугатишга ҳаракат қилиб хатоликка йўл қўяётганликлари ёки бевоқиф судьялик касб маҳоратининг етишмаслиги сабаб бўлиб, асослангандирмаган ҳал қилув қарорлари, ҳукм ва ажримлар чиқараётганликлари кузатишмоқда.

Судлар ихтисослашиб, судьялар қанчалик ихчам ва ўзлари малакаланишган доирада иш кўриш билан шуғуллансалар, табиийки, улар шу соҳа қонун-қоидаларини мукамал ўрганиб, ихтисослашиб борадилар. Натижада суд амалиётида хатога йўл қўйиш ҳам камаёди.

Суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослашувини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармони эълон қилинди.

Мазкур Фармонга асосан Республикамиздаги умумий юрисдикция судлари ва Олий суднинг тузилиши ҳамда штат бирлиги тасдиқланиб, судларнинг ихтисослашуви амалга оширилди. 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб Республикамизда Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича алоҳида Олий судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида ҳамда фуқаролик ишлари

бўйича туманлараро ва жиноят ишлари бўйича туман судлари фаолият юрита бошлайди.

Мустақил бўлган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судларда суд раиси, раис ўринбосари ва судьялардан иборат жамоа фаолият юритади. Улар ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқадилар. Туман ва туманлараро судларда эса раис ва судьялардан иборат таркиб бўлиб, улар ихтисослиги бўйича тегишли тартибдаги ишларни кўрадилар. Ўз навбатида фуқаролик ишлари бўйича судларга Фуқаролик-процессуал кодексида кўзда тутилган барча ишлар, жиноят ишлари бўйича судларга эса Жиноят процессуал кодексида кўзда тутилган барча ишлар тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси Олий суди эса бу судлар устидан ва ҳарбий судларнинг фаолияти устидан умумий назоратни олиб боради.

Шунингдек, Фармонда судьяларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайинлаш қонунда ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга оширилади, дейилган. Бу билан Президентимиз Адлия тизими ва Олий судга ўта масъулиятли вазифани юклайдилар. Зеро, эндиги асосий вазифалардан бири бу кадрлар масаласини ҳал қилишдир. Бу, энг аввало, судьяларимизнинг малакасига, қобилиятига, билимига, суд ишларида қайси йўналишни чуқур билишига қараб уларни жой-жойига қўйиш бўлса, иккинчидан, ҳуқуқшунослар орасидан янги ходимларни кучли тайёргарликдан сўнг танлаб олиб, шарафли судьялик касбига тавсия этишдир.

Бу борада Адлия вазирлиги ва Олий суд Фармонда кўрсатилган бир ой муддатдан унумли фойдаланиб, судларни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш ҳақида таклифларни тайёрламоқда. Шу билан биргаликда Адлия вазирлиги ва Олий судда амалдаги қонунчиликка кириштиш учун ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш



ва қўшимчаларни тайёрлаш бўйича махсус комиссия фаолият юритмоқда. Фармонда судларни молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилган. Чунки, судларни молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш суд тизимида аҳамияти бошқа масалалардан кам бўлмаган долзарб масаладир.

Шу ўринда мен, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш Комиссиясининг олиб бораётган иш фаолиятига алоҳида урғу бермоқчиман. Бу Комиссия аъзолари ўнлаб таклифларни, фикр мулоҳазаларни ўрганиб, ўзининг хулосаларини ҳуқуқшунослар эътиборига ҳавола этмоқда. Натижада олимларимиз, амалиётчиларимиз томонидан таклиф этилган ҳар бир масала қизгин музокараларга сабаб бўлаяпти. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритиладиган ҳар бир таклифнинг мукаммаллашиб боришига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясига «Судлар тўғрисида» ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси тақдим этилган.

Умуман, давлатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар талайгина. Бу одил судловнинг янада мустаҳкамланиб, демократик тамойилларга амал қиладиган замонавий суд тизими сифатида шаклланиб боришида ўзига хос ўрин тутади.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан суд тизимини такомиллаштиришда ихтисослашув аҳамиятининг беқиёслиги эътироф этилиши ва бу борада муайян амалий ишларнинг бажарилиши судни янада одиллаштириш ва ҳуқуқий демократик жамиятни барпо этишда қўйилган яна бир хайрли қадамдир.

*«Куч - адолатда» газетаси,  
2000 йил 31 август*

## ИНСОНПАРВАРЛИК ОДИЛ СУДЛОВНИНГ МАҚСАДИДИР

Мустақил Ўзбекистон ўзининг танлаган йўлидан собит-қадамлик билан бориб, барча соҳаларда дунёга танилиб, илғор мамлакатлар сафидан ўрин олмоқда. Халқаро сиёсатдаги обрў-эътибори ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сифатида адолатли суд тизимини шакллантириш борасидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият эканлиги эътироф этилди. Судловнинг одиллигини таъминловчи ҳуқуқий майдон — умуминсоний қадриятлар ва умум эътироф этилган ҳуқуқ андозаларига асосланган, шаклан ва моҳиятан янги-янги қонулар яратилди. Уларнинг асосига қонунийлик, демократизм, одиллик, инсонпарварлик, жинсий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойиллари қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган суд ҳукми ана шу устувор тамойилларга асосланган бўлиши шарт. Ҳукм, энг аввало, жинсий қилмишга яраша жазо белгилангандагина адолатли ҳисобланади. Дарҳақиқат, бу суд фаолиятидаги энг муҳим, энг асосий, шу билан биргаликда ўта масъулиятли ва мураккаб масаладир. Зеро, суд томонидан тайинланган жазо ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли бўлиши шарт. Фақат шундагина ҳукм фуқаролар учун тушунарли бўлиб, тайинланган жазо эса шахснинг ахлоқий тузалишида ва янги жиноятларнинг олдини олишда қўзланган ижобий натижани беради.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларида Республикамизда жиноятчилик билан боғлиқ вазият анча мураккаб эди.

Ўта оғир жиноятларни содир этиш ортганлиги, уюшган жиноий гуруҳларнинг фаоллашганлиги кузатиларди. Ана шундай шароитда муҳтарам Президентимизнинг оқилона сиёсатлари туфайли жиноятчилик ўсишининг олди олинди. Давлатимиз сиёсатига ҳамоҳанг равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳам ўз вақтида уюшган жиноий гуруҳларга, ўта оғир ва бошқа хавфли жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қонун кучидан тўла фойдаланиш тамойилига асосланган суд амалиётининг шаклланишига раҳбарлик қилди. Пировард натижада нафақат вазиятнинг барқарорлашувига, балки содир этилган жиноятлар сонининг ҳам кескин камайишига эришилди. Эътироф этиш лозимки, республикаimizда содир этилаётган жиноятлар аҳоли сонига нисбатан олганда ҳамдўстлик мамлакатлари орасида энг кам миқдорни ташкил қилади.

Олий суд бундан буён ҳам республикадаги барқарор вазиятни издан чиқармоқчи бўлган шахслар, экстремистлар, ўта оғир жиноятларни содир этганлар, жамоат хавфсизлигига раҳна солувчи жиноий гуруҳлар ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига нисбатан қонун кучидан тўла фойдаланиш амалиётини назорат қилиб боради ва фақат шундай йўл тутаети. Шунинг билан биргаликда, судловнинг одиллиги вояга етмаганлар, аёллар, қариялар, ногиронлар, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятларни содир этган, билиб билмасдан жиноят кўчасига кириб қолган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда енгилликлар берилишини тақозо қилади. Лекин, жиноят қонунчилигидаги баъзи номутаносибликлар, жумладан Жиноят кодексининг айрим моддалари санкциясида жазо тури сифатида фақат озодликдан маҳрум қилишнинг кўрсатилганлиги, шунингдек, жазо муддатларининг қўйи чегараси асоссиз баланд бўлиб қолганлиги кўпгина ҳолларда судларнинг адолатли жазо тайинлашдаги эркинликларини чегаралаб қўяди ва оқибатда тайинланган жазо сунъий равишда, яъни гарчанд қонун доирасида бўлсада, лекин

моҳиятан адолатсиз бўлиб қоларди. Қонунчиликдаги ана шу жиддий муаммони ўз вақтида англаган, судни жазо-ловчи органдан оддий фуқароларнинг ҳуқуқлари ва ман-фаатларини ҳимоя қиладиган органга айлантириш ташаб-бускори бўлган муҳтарам Президентимиз жиноят қонун-чилигини либераллаштиришни ёқлаб чиқдилар.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан жиноят қонунчи-лигини либераллаштириш юзасидан дастлаб Олий суд Пле-нумининг 1999 йил 14 майдаги мажлисида муҳокама қили-ниб, Олий Мажлисга тақдим этилган таклифлар асосида қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ту-файли жиноят қонунчилиги янада мукамаллашди. Жум-ладан, Жиноят кодексининг жуда кўп моддалари санк-цияларидаги жазонинг қуйи чегаралари умумий тартибда белгиланди. Бу билан суднинг жазо чораларини белги-лашдаги имкониятлари кенгайди. Бундан ташқари, Жи-ноят кодексининг тегишли моддаларига етказилган мод-дий зарар уч баробари миқдорида қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланил-маслиги ҳақида қоидалар киритилди.

Шунингдек, Олий суд Пленуми қарорида иқтисодиёт соҳасидаги айрим жиноятларни содир қилганларга, ўзи-нинг асоссиз “таваккалчилиги”, “ишбилармонлиги”, бо-зор иқтисодиёти қонунларини тўғри идрок эта олмаган-лиги натижасида жиноят содир этганларга нисбатан ҳам, агарда уларнинг қилмишлари оғир оқибатларни келти-риб чиқармаган, етказилган моддий зарар ихтиёрий ра-вишда тўлиқ қопланган бўлса, енгилликлар бериш назар-да тутилди.

Бундан ташқари, Пленум қарорида судлар жазо та-йинлашда айбдорларга нисбатан дастлабки тергов жараё-нида ҳибсда сақлаш тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлла-нилганлиги ҳолатига боғланиб қолмасликлари, жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлаш босқичида Жино-ят-процессуал кодексининг 396-моддаси талабига кўра эҳ-

тиёт чорасининг тўғри танланганлигини текширишлари шартлиги, ҳибсда сақлаш асоссиз қўлланилган ҳар бир ҳолат юзасидан тегишли муносабат билдиришлари лозимлиги ҳақида дастурий кўрсатмалар берилди. Бу билан қўлланилган эҳтиёт чораси шикоят қилинмаган тақдирда ҳам унинг асослилиги суд томонидан текширилиб баҳоланиши учун ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги кўрсатиб берилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги “9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармонини аниқ ижро этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 14 майдаги “Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида”ги қарори дастурий кўрсатмаларига оғишмай амал қилиш, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунини амалиётга тўғри татбиқ этиш бўйича Олий суд томонидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Жумладан, Олий суд ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунини амалиётда тўғри қўллаш масалалари бўйича тегишли тармоқларга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Бош прокурори, Ички ишлар вазири номидан кўрсатма жўнатилади.

Ушбу кўрсатмада жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиш тамойилини белгиловчи Жиноят кодексининг 13-моддаси таъсирига тушадиган унинг 111-моддасининг 3-қисми, 131-моддасининг 1, 2-қисмлари, 132-моддаси, 167-моддасининг 1-қисми, 173-моддаси, 177-моддасининг 1,

2, 3-қисмлари, 180-моддаси, 181-моддаси, 184-моддаси, 187-моддасининг 2, 3-қисмлари, 189-моддасининг 2, 3-қисмлари, 198-моддаси, 205-моддасининг 2-қисми, 206-моддасининг 2-қисми, 228-моддасининг 1-қисми, 233-моддаси, 257-моддасининг 1, 2-қисмлари, 258-моддасининг 1, 2-қисмлари, 259-моддасининг 1, 2-қисмлари, 260-моддасининг 1, 2, 3-қисмлари, 262-моддасининг 1, 2, 3-қисмлари, 266-моддасининг 1, 2, 3-қисмлари бўйича барча жиноят ишларини янги қабул қилинган қонунга мувофиқлаштириш лозимлиги кўрсатилиб, уни амалга ошириш тартиблари тушунтириб берилди.

Ушбу моддалардаги ўзгаришларнинг барчаси жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни назарда тутган.

Шунингдек, етказилган моддий зарарни дастлабки тергов ёки суд жараёнида тўлаган шахсларга ҳамда янги қабул қилинган қонунда жазони енгиллаштирадиган ҳолатлар назарда тутилган шахсларга нисбатан тайинланган жазоларни инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари асосида қайтадан кўриб чиқиш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Мазкур кўрсатмалар асосида тегишли тармоқларнинг қуйи бўғинларида ҳам тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар қатъий амалга оширилмоқда.

1999 йилнинг 27 ноябр куни Олий судда ўтказилган Республика миқёсидаги судьялар анжуманида ҳам яна бир бор ушбу қонунларнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилиб, судьяларнинг барчасига Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги қарори талабларини амалга оширишда бирор бир тарздаги сусткашликка йўл қўйиш мумкин эмаслиги таъкидланган ҳолда қарор талабларига оғишмай амал қилиш тўғрисида кўрсатмалар берилди. Президентимиз ташаббуси билан суд амалиётида инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари қарор топаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида бугунги кунга қадар жиноий жавобгарликка тортилиб судланган

шахслар томонидан етказилган 660.796.472 сўмлик моддий зарар қопланишига эришилди ва ўз навбатида моддий зарарни тўлаган шахсларга енгилликлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги “9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармони ижро қилиш, Олий суд Пленумининг қайд этилган қарорини амалиётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунини Жиноят кодексининг 13-моддасига мувофиқлаштириш натижасида дастлабки тергов даврида ҳибсга олиниб, ишлари судга ўтказилган 4500 дан ортиқ шахслар ҳибсхоналаридан озод қилинди. Ҳозирги пайтда 7000 дан ортиқ шахсга нисбатан жиноят ишлари судланганларга тайинланган жазоларни енгиллаштириш, шунингдек, етарли асослар бўлганда, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш мақсадида вилоят судлари раислари ва Олий суд раҳбарияти томонидан қайта кўриб чиқилмоқда, юзлаб шахсларга нисбатан эса уларни жазони ўташ жойларидан озод қилиш тўғрисида протестлар киритилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар судининг 1999 йил 19 апрелдаги ҳукмига кўра ўз жавобгарлигидаги 104.379 сўмлик мулкни талон-тарож қилганликда айбли деб топилган, Тошкент шаҳар 3-сонли мева-сабзовот комбинатининг цех бошлиғи А.Ю.Неклюдов 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. У томонидан етказилган моддий зарарнинг ихтиёрий равишда тўлиқ қопланганлиги ҳамда иш бўйича жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатлар инобатга олиниб, Олий суд Раёсати уни озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташдан озод қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Жиноят содир этган шахсларни тергов ва суд жараёнида ҳибсда сақлаш ўрнига тегишли мулк гарови эвазига уларни очикда қолдириш эҳтиёт чораси ҳам амалиётда

кенг татбиқ этилмоқда ва у ўз самарасини бермоқда. Агарда, Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги қарорига қадар жами 168 та шахсга нисбатан гаров тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, Пленумнинг дастурий кўрсатмасидан сўнг гаров 622 шахсга нисбатан қўлланилганлиги эътиборга молик ҳолатдир. Бу эса тергов ва суд органларининг эҳтиёт чораларини қўллашга нисбатан муносабатлари тубдан ўзгарганлигини кўрсатади.

Олий суд томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар вақтинчалик жараён бўлмасдан, балки одил судловни таъминлаш борасидаги давлатимиз сиёсати устувор йўналишининг асосини ташкил этади. Зеро, одил судловнинг мақсади инсонпарварликдир!

*«Куч - адолатда» газетаси,  
1999 йил 17 декабр*

## ТАДБИРКОР МАНФААТИ — ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ

Ривожланган ҳар бир давлатнинг иқтисодиётига назар ташласак, унинг ўзагини мулкдорлар синфи, хусусан, ўрта ва кичик бизнес ташкил қилишини кўрамиз. Демак, у халқ турмушини фаровон қилиш, иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий шarti ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки пайтлардаёқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришга ва мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор берила бошланди ва қатор ишлар амалга оширилди. Тегишли қонунлар қабул қилинди. Лекин, гапнинг очигини айтиш керакки, кўрилган чоралар ҳали ўз самарасини бергани йўқ.

Бунинг туб сабаблари Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1-сессиясидаги ва Вазир-



лар Маҳкамасининг йил яқунларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида чуқур таҳлил қилиниб, кенг очиб берилди. Жумладан, маърузада таъкидланганидек, «...Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини қонунсизликдан ҳимоя қилиш фавқулодда муҳим вазифа бўлиб турибди».

Шу боис суд органларидан мулкдорлар синфи, энг аввало, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи мавқени эгаллаш талаб этилади. Айтиш мумкинки, ушбу масалада сезиларли даражада ишлар олиб борилмоқда. Судлар тадбиркорлик фаолиятига дахлдор низоларни ҳал этишга, жиноят ишларини кўришга алоҳида масъулият билан ёндошмоқдалар. Аммо, бу борадаги суд амалиётини республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар талаби даражасига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига, аввало, маъмурий рёкет, текширувчи ва назорат қилув органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни «устингдан жиноий иш кўзгатаман» деб кўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда. Аниқланган ҳар бир ғайриқонуний бундай хатти-ҳаракат фавқулодда ҳодиса сифатида баҳоланиши ва жиддий кўриб чиқилиши керак», деган ниҳоятда ҳаққоний фикрлари тадбиркорлик соҳасидаги одил судлов самарадорлигини белгилашда асосий мезон бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди яқинда қўшма Пленум ўтказиб, «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги масалаларни муҳокама этди ва тегишли қарор қабул қилди. Ушбу Пленумга тайёргарлик кўриш жараёнида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш борасида қатор кам-

чиликлар борлиги аниқланди. Бундан икки йил муқаддам Олий суд Пленумида «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида» қарор қабул қилиниб, судларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ҳуқуқни татбиқ этувчи органларнинг эътиборини иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни бузиш жамият учун жиддий хавф-туғдиришини, бозор муносабатларининг, қонуний тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилишини эътиборга олиш ҳаётий зарурат эканлиги таъкидланган эди. Бироқ, суд амалиётини ўрганиш мазкур Пленум қарориди берилган раҳбарий тушунтиришлар лозим даражада инобатга олинмаганлигини кўрсатди.

Қатор ҳолларда судлар қонунларга зид бўлган ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклайдиган идоравий-меъёрий ҳужжатларни, низом ва кўрсатмаларни қонунчиликдан устун қўйиб, мансабдор шахсларнинг тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашуви, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини, деҳқон-фермер хўжаликларини ва яқка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатга олишни қонунсиз рад этиш, тадбиркорларнинг ариза ва шикоятларини ўз муддатида кўрмаслик каби ҳолатларга қонуний муносабат билдирмаяптилар. Хусусан, судлар кишиларда тадбиркорликка нисбатан ташаббус ва иштиёқнинг сўнишига сабабчи бўлган айбдор мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласини муҳокама қилмаяптилар.

Муайян ишларни ўрганиш асида маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлган хатти-ҳаракатлар учун ҳам айрим судлар айблов ҳукми чиқараётганликларини кўрсатмоқда. Жумладан, умумий мол-мулк негизида амалга оширилган оилавий тадбиркорликни, яъни, масалан, бозордан хом ашё харид қилиш йўли билан миллий таомларни, ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаб сотган эр-хотиннинг хатти-ҳаракатларини бир гуруҳ шахслар томонидан олдин-

дан тил бириктириб, содир этилган савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш ёинки савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жиноятлари сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 188-моддаси 2-қисми «в» банди ва 189-моддаси 2-қисми «б» банди билан тавсифлангани мақсадга мувофиқми? Ваҳоланки, «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик ҳам якка тартибдаги тадбиркорлик турига киради. Қолаверса, рўйхатдан ўтказилмай амалга оширилган бундай фаолиятни тадбиркорлик билан шуғулланиш тартибини бузиш сифатида баҳолаб, айбдор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 176-моддаси билан маъмурий жазо қўлланилгандан кейингина жиноий жавобгарликка асос бўлиши мумкинлигини англаб етмаган судьяни, у қонун устуворлигини таъминламоқда деб бўладими? Албатта йўқ. Ёки эр-хотиннинг фаолиятини жиноий тил бириктириш сифатида баҳолаш ва ҳаттоки, эр-хотин иш муомаласида вояга етмаган фарзандлари меҳнатидан ҳам фойдаланган бўлса, уларни вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этганликда айблаш ҳам мутлақо нотўғридир.

Мана шулардан келиб чиқиб биргина Тошкент шаҳар судининг ўзида юздан ортиқ жиноят иши юзасидан чиқарилган айблов ҳукмлари назорат тартибида бекор қилиниб, ишлар ҳаракатдан тугатилди. Бу ишлар бўйича судланганларни мутлақо айбсиз ҳисоблаб бўлмаслиги мумкин, лекин улар қонунни бузганликлари учун жиноий эмас, дастлаб маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим эди. Жиноят кодексининг 41-моддасида кўрсатилишича, ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ ҳолда асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга

зарар етказиш жиноят деб топилмайди. Қонунга мувофиқ тадбиркорлик ҳам таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолиятдир. Шунинг учун жинойий жавобгарлик масаласини ҳал этишда тадбиркорнинг таваккалчилиги асосли ёки асоссиз қилинганлиги, ўзгалар ҳуқуқи ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилган ёки етказилмаган ҳолатлари аниқланиши лозим.

Бироқ суд амалиётида баъзан ўзганинг мулкани талон-тарож қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суистеъмол этишни нотўғри тавсифлаш, аслида фуқаровий тартибда ҳал этилиши лозим бўлган хўжалик низолари юзасидан ҳам асоссиз жавобгарликка тортиш ҳолатларига дуч келмоқдамиз. Мана қаранг: Самарқанд вилояти, Қўшработ туманидаги «Полвон» хусусий кичик корхонаси раҳбари Ярлақаб Худойбердиев вилоят «Бизнес-фонд» бошқармасидан олган мақсадли кредитни муддатига қайтармаганлиги учун Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми «а» ва «в» бандлари билан мол-мулки мусодара этилиб, беш йилга озодликдан маҳрум қилинган, эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залидан ҳибсга олинган. Кредит шартномасига кўра, «Бизнес-фонд» кредит маблағини кичик корхонага икки босқичда бериши лозим бўлган. Корхонанинг иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолишига иккинчи босқичдаги кредит маблағининг шартномада белгиланган муддатдан бир йил кечиктириб берилгани сабаб бўлганига, жиноят иши кўзғатилганидан тўрт кун ўтиб, яъни 1999 йил 6 апрелда Я.Худойбердиев кредитни устама фоизлари билан бирга 381.250 сўм қилиб тўлиқ қайтарганига, «Бизнес-фонд» томонидан ҳеч қандай талабнома ёки хўжалик судига даъво аризаси берилмаганига, Я.Худойбердиев кредитни бизнес-режага мувофиқ ишлатиб, бирон-бир тарздаги суистеъмолликка йўл қўймаганига қарамасдан, суд 1999 йил 29 июлда айблов ҳукми-ни чиқараверган. Самарқанд вилоят судининг раёсати ишни

2000 йил 2 мартда назорат тартибида кўриб, суднинг хатосини тузатгунга қадар Я.Худойбердиев озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган. Шундай ҳолатда Я.Худойбердиевни қамоққа олиш шартмиди?

Қонунсиз кредитлар бериш ва уларни ўз муддатида қайтармаганлик ҳақидаги ишлар бўйича ҳам муаммолар мавжуд. Бундай ишлар бўйича ҳам ягона суд амалиётини шакллантиришимиз лозим.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунда назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслигини кафолатловчи зарур механизмлар кўзда тутилган. Унда текширишларни ўтказиш асослари, даврийлиги, муддатлари қатъий белгилаб қўйилган. Қонуннинг 9-моддасини олиб қарайдиган бўлсак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун фақат кўзғатилган жиноят ишининг мажудлигигина асос бўлади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонунчилик бузилишини аниқлагудек бўлсалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва фақат муайян камчилиқни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ бўлган чоратадбирларнигина қўллашлари мумкин. Бу ўринда яна шуни айтиш керакки, назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлигидан тадбиркорлик субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашиб ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгашининг қарори билангина амалга оширилади.

Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг қонуний кафолатларига алоҳида тўхталиб ўтаётганимиз бежиз эмас, чунки бизда шундай жамоат ташкилотлари борки, улар

Ўз низомларида тадбиркорларни қонунсизликдан ҳимоя қилишни бош мақсад қилиб белгилаган. Модомики шундай экан, нега улар тадбиркорларга нисбатан содир этилган қонунсизликлар тўғрисида тегишли ваколатли идораларни вақтида огоҳ қилмаяптилар, бу, ахир, уларнинг асосий вазифаларидан бири-ку! Муҳтарам Президентимизнинг жонкуярликлари туфайли тадбиркорлар ҳимояси масаласининг давлат даражасига кўтарилганига қадар нега улар қўл қовуштириб ўтирдилар?! Ахир, бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий воситалар мавжуд-ку?! Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1, 3-моддаларига мувофиқ, давлат органлари, корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 4-бобида жамоат бирлашмалари, жамоалар ва улар вакилларининг жиноят ишини юритишда иштирок этишларини кафолотловчи қоидалар бор. Судлар эса бу борада қонун устуворлигини таъминлашнинг уддасидан чиқадилар деб комил ишонч билан айта оламан.

Энди мен тадбиркорларимизнинг эътиборларини етказилган зарарни ундириш масаласида Пленум қарорида берилган тушунтиришларга қаратмоқчиман. Қарорда тадбиркорлар ўзларининг фаолиятига қонунсиз аралашув оқибатида етказилган моддий зарарни, шу жумладан, бой берилган фойдани ҳамда маънавий зарарни ундириб олиш ҳуқуқи пайдо бўлиши ва уни талаб қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Айбдорнинг жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилгани уни зарарни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди, маънавий зарар моддий зарарга боғлиқ бўлмаган ҳолда ундирилади, маънавий зарарнинг миқдо-

ри ҳар бир муайян ҳолатда суд томонидан белгиланади, тўланадиган зарарнинг миқдорини белгилашда суд ақлга мувофиқлиги ва одиллик тамойилларига қатъий риоя этиши лозим.

Табиийки, ҳаётда сохта тадбиркорлар, тадбиркорлик ниқоби остида ўзгалар мулкани талон-тарож этишни мақсад қилиб қўйганлар, фирибгарлар, солиқ тўловлари ёки бошқа иқтисодий мажбуриятларини бажармаслик мақсадида ўзини банкротга учраган қилиб кўрсатувчилар, иқтисодий рақобатга тангиларча дош беролмагани учун фирмлик қилиб, тадбиркорни обрўсизлантirmoқчи бўладиганлар ва умуман, барча соҳаларда бўлгани каби, тадбиркорликда ҳам нопок ва қаллоб шахслар учраб туради. Шу боис қарорда нафақат тадбиркорларни қонунсизликдан ҳимоялаш, балки тадбиркорларнинг ўзлари томонидан қонун бузилиши ҳолатлари содир этилганда, уларнинг жавобгарлик масаласини қонуний ҳал этиш бўйича зарур тушунтиришлар бериш ҳам кўзда тутилди. Чунки адолат ҳар қандай ҳолда ҳам ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатига зиён етказмаслиги лозимлигини тақозо этади.

Эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан яна бири - бу гаров масаласи бўлиб, гаров самарали эҳтиёт чораси ҳисобланади. Бироқ Олий суд томонидан кўрсатмалар берилганига қарамасдан жойларда унинг аҳамиятига, қадрига етмаяптилар. Шунингдек, етказилган зарарнинг қопланганлиги жавобгарликни енгиллаштирувчи алоҳида ҳолат эканлиги тўла инобатга олинishi лозим.

Суд ишларида қайд этилган айрим жузъий камчиликлар - бу одил судловнинг аҳволи ёмон дегани эмас, албатта. Кейинги пайтларда судлар томонидан амалга оширилган ишларнинг қай даражада самарали бўлганлигини рақамлар мисолида кўрсатиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ижро

қилиш, Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги «Жиний жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида»ги қарорининг дастурий кўрсатмаларига оғишмай амал қилиш, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни амалиётга татбиқ этиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида 2000 йилнинг 1 апрел кунига қадар Олий суд ва қўйи судлар томонидан 8140 та шахс озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро қилиш муассасаларидан озод этилди. Фақатгина Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги қарорини амалиётга татбиқ қилиш учун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Қонунини Жиноят кодексининг 13-моддасига ва Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддасига асосан мувофиқлаштириш учун вилоят судлари ва Олий суд томонидан 4368 шахсга нисбатан жиноят ишлари ўрганилиб чиқилди. Натижада, 3085 шахсга нисбатан чиқарилган ҳукмлар янги Қонун талабларига мувофиқлаштирилди, шундан 2968 та шахсга нисбатан суд томонидан тайинланган жазолар камайтирилди, 547 шахс қамоқ жойларидан озод қилинди.

Бундан ташқари, жазони ижро этиш жойларидан олинган ҳужжатларга асосан, 1655 та шахсга нисбатан тайинланган жазолар Жиноят кодексининг 74-моддасига мувофиқ енгилроқ жазоларга алмаштирилди, 3013 шахс Жиноят кодексининг 73-моддасига биноан жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинди. Ҳозирги кунда Олий судга қўйи судлар томонидан кўрилган 2000дан ортиқ жиноят ишлари ўрганиб чиқиш учун чақиртирилган ва улар бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлиги назорат тартибида текширилмоқда.

Албатта, адолат йўлида эришилган ижобий натижалар, қилинаётган эзгу ва хайрли ишлар йўқ эмас. Аммо,



модомики, суд ишида лоақал биргина хатолик мавжуд экан, хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Зеро, судьялик қасамёди, касбимиз масъулияти ва шарафи бурчимиз муқаддаслиги ҳамда халқимизнинг бизга бўлган ишончи фақат одил йўл тутишимизни тақозо этади.

*«Халқ сўзи» газетаси,  
2000 йил 19 май*

## САЙЛОВЛАР — СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ

Истиқлолга эришганимиздан сўнг мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди. Давлат сиёсий тизимида янгича муносабат, янгича қарашлар шаклланди. Ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этишга киришилди. Халқимизнинг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тизими йўлга қўйилди. Дунё халқлари ўзбек миллати, Ўзбекистон давлати борлигини билдилар.

Биз бугун улкан сиёсий воқеалар арафасида турибмиз. Мен 1999 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, 2000 йил 9 январда эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловларни кўзда тутмоқдаман.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, республика-миздаги қарийб барча сиёсий партиялар, халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги кенгеси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашларининг депутатлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб Ислом Абдуғаниевич Каримовни кўрсатмоқдалар. Бу бежиз эмас. Чунки, И.А.Каримов халқимизни, давлатимизни истиқлол йўлига олиб чиқди, Келажагига ишонч бил-

дириб, уни дунёга танитди, ўзининг бор билими, куч-гайратини Ватан тараққиёти, юрт равнақи учун бахшида этаётган фидокор инсондир. Президентимиз она халқи билан бирга иш олиб бориб, мамлакатни дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишни ўзининг олий мақсади деб билади, унинг сермазмун гоёлари, ил-ғор сиёсий қарашларини жаҳон халқларининг етакчилари ва сиёсатчилари эътироф этмоқдалар.

Конституциямизнинг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» - деб кўрсатилган.

Шундай экан, эл ҳурматини қозонган кишиларни Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Олий Мажлис депутатлигига шу юрт, шу Ватан тупроғида улғайган, насл-насабидан қатъи назар ҳар қандай фуқаро сайланиш ҳуқуқига эга.

Сайловчилар Олий Мажлис депутатлигига муносиб кишиларни номзод қилиб кўрсатдилар. Сайловларга тайёргарлик фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги юксак даражага кўтарилганлигини кўрсатмоқда. Улар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан фойдаланганлари ҳолда Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ҳар бирини оилада ва меҳнат жамоасида ўзини тутиши, билими, тажрибаси, юриш-туришини обдон ўрганиб, унга тўла ишонч ҳосил қилганларидан сўнг номзодликка тавсия қилишлари мумкин, деган қоидага амал қилдилар. Ҳар бир номзод ҳалол, пок, виждони тоза, малакали, Олий Мажлисида халқимиз ва Ўзбекистонимиз манфаатларини ҳимоя қила оладиган инсон бўлмоғи лозимлигига катта эътибор билан қарадилар. Бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки Олий Мажлиснинг бўлғуси депутатлари жамиятимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқа оладиган қонунлар қабул қилинишида, давлат ва жамиятнинг тараққиётида муҳим рол ўйнашлари керак.

Бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш Олий Мажлис

депутатлигига номзодлар зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки ҳар бир сайлов округида сиёсий партиялар вакиллик органлари, ташаббускор гуруҳлар ва бошқалар томонидан тавсия қилиниб, рўйхатга олинган бир нечта номзодлар муқобиллик асосида депутатлик мандати учун курашади. У ёки бу номзоднинг сайловда ютиб чиқишида, табиийки, унинг дастури, уни рўёбга чиқариш омиллари, билимдонлиги, сиёсий савияси, маданияти муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам улар Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 15-сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганларидек, сайловларга тайёргарлик пайтида баъзи номаъқул ишларга берилиш, сохта ваъдабозлик, одамларнинг мойилликларини уйғотиш мақсадида ғайриқонуний ишларга қўл уриш, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, қабилачилик асосида ажралиб кетиш, асоссиз равишда бир-бирининг обрўини тўкиш, ҳақоратлаш, андишасизлик сингари нохуш йўлларга асло йўл қўймасликлари зарур, дейишлари бежиз эмас, албатта.

Сайловни ўтказишда ҳеч вақт қонун бузилишига йўл қўймаслигимиз лозим. Қонунга риоя қилишни ҳар бир одам, аввало, ўзидан бошлаши керак. Шундагина адолатсизлик илдиз отмайди. Акс ҳолда қонунларимизда жавобгарлик кўзда тутилган.

Мамлакатимиз ҳуқуқий-демократик жамият сари бораётган экан, аввало, қонун устуворлигига тўла эришиш лозим. Бу ҳуқуқий демократик жамиятнинг етакчи йўналиши ҳисобланади. Бунинг учун эса қонун чиқарувчи органнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Оллоҳга шукрлар бўлсинки, мустақилликка эришганимиздан сўнг сайланган Олий Мажлис депутатлари, Парламентимиз жуда катта ишларни амалга оширдилар. Ўтган саккиз йил давомида янги-янги иншоотлар барпо қилинди, завод ва фабрикалар қурилди, чет эл сармоялари дадил кириб келмоқда. Буларнинг барчаси заҳматли меҳ-

нинг маҳсулидир. Лекин биз булар билан чекланиб қолмаслигимиз, Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш учун тинимсиз меҳнат қилишимиз лозим. Бунинг учун эса бизда барча шарт-шароитлар мавжуд.

Бугунги кунда халқимизнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шунини ҳисобга олиб чуқур ишонч билан айтиш мумкинки, Олий Мажлис депутатлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар юқори савияда ўтади. Бунга асос бор. Чунончи бизнинг Конституциямиз ва қонунларимиз жаҳон андозаларига мос, ўзимизга хос. Қолаверса, халқимиз қонунларимиздан хабардор, унинг куч-қудратини ҳис этиб бормоқдалар. Шундай экан, мамлакатимизнинг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси сайловларга ўта масъулият билан ёндошмоғи лозимдир.

*«Куч - адолатда» газетаси,  
1999 йил 1 ноябр*

## ЮРТ РАВНАҚИ — ОЛИЙ САОДАТ

Яна бир неча кундан сўнг Ватанимиз мустақиллигининг 8 йиллигини нишонлаймиз.

Тарихга айланган саккиз йиллик ҳаётимизни, босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилиб кўрадиган бўлсак, амалга оширилган ишларнинг кўлами катта эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Бу улуғ байрам арафасида Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессияси бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда Президентимиз И.А.Каримов бошчилигида мустақил республикамиз босиб ўтган саккиз йиллик ҳаётимиз тарихига ва бу вақт орасида фаолият кўрсатган Олий Мажлис Парламенти ҳаётига назар солдик.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, халқнинг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, қонун устуворлигини таъминлаш асосида иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ана шулар натижасида бизнинг ўзимиз ҳам ўзгардик. Президентимиз Олий Мажлиснинг сессиясида таъкидлаганларидек, мазкур ўзгаришларнинг муҳим жиҳати шундаки, кишилар авваламбор бор кучига суяниб, ўз тақдири, келажагини ўзлари белгилайдиган бўлмоқдалар. Ҳаётимизни демократлаштириш жараёнларини онгли равишда қабул қилмоқдалар.

Халқимиз ўз ҳаёти, келажагининг ҳақиқий ижодкорига айланмоқда. Бу, энг катта ютуқдир. Зеро, юрт равнақи — олий саодат саналади.

Маълумки, Олий Мажлиснинг ушбу сессияси унинг шу чақириқдаги охириги сессияси эди. Шунинг учун Президентимиз халқимизнинг фаровонлиги йўлида беш йил фидокорона меҳнат қилган халқ ноибларига алоҳида миннатдорчилик билдирди. Барча соҳалардаги ислоҳотларга қонуний асос барпо этиб келган Парламентнинг иш фаолиятини, Олий Мажлиснинг қонун чиқарувчилик фаолияти билан биргаликда ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан ҳамкорликда жамиятимизда сиёсий мувозанатни, тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришдаги ҳаракатларини юқори баҳолади.

1999 йил охири, 2000 йилнинг бошида Олий Мажлис депутатлигига ва Президентлик лавозимига сайловлар ўтказилади.

Сессияда юртбошимиз Олий Мажлис депутатлигига ва Президентлик лавозимига ўтказиладиган сайловларга алоҳида тайёргарлик кўриб, уни демократик тамойилларга амал қилган ҳолда юксак интизом ва адолат билан ўтказишга чақирди. Конституциямизга, қабул қилинган қонунлардан иборат ҳуқуқий базага ва халқаро андозаларга суяниб бу сиёсий синовдан ёруғ юз, мамлакатимиз обрўсига

обрў қўшиш билан ўтиш учун зарур моддий, маънавий, интеллектуал салоҳиятларни сафарбар этишга чорлади.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий-демократик давлатда, фуқаролик жамиятида демократиянинг бош талаби бўлган эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш муҳим ўрин тутди. Зеро, ҳар қайси овоз берадиган инсон, у кимга овоз беришидан қатъи назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами - аввало, ўз хоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз бериши лозим.

Мустақиллигимизнинг саккиз йиллигини республикамиздаги барча судья ва суд ходимлари ҳам муносиб кутиб олаётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Кейинги йилларда суд ҳокимияти сезиларли даражада мустақамланди. Одил судловни амалга ошириш сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг нашри — «Куч-адолатда» газетаси уч ёшга тўлди.

Фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимларини, маданиятларини янада ошириш мақсадида ташкил этилган бу газета бугунги кунда ўз йўлини топиб, ўз ўқувчиларига эга бўлганлиги ва ҳақиқатдан ҳам куч адолатда эканлигини намоён қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни истиқлолимизнинг саккиз йиллик байрами билан самимий табриклаб, уларга тинчлик-омонлик, хонадонларига файзу барака тилаб, ўз халқига ва Ватанига содиқ бўлишдаги сазойи ҳаракатларига омад ёр бўлсин, дейман.

*«Куч - адолатда» газетаси,  
1999 йил 28 август*

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги бугунги ёш авлод - азиз фарзандларимизнинг маънавий қиёфасига, уларнинг жисмоний камолоти ва ахлоқий поклигининг даражасига ҳам боғлиқ. Зеро, тарбия — буюк иш. Тарбия билан инсон қисмати ҳал этилади. Шу боис ёшлар тарбияси республикамиз истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида белгиланди. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, ёш кадрларни тарбиялаш юзасидан миллий дастурнинг ишлаб чиқилиши, энг биринчи давлат мукофотларидан бири сифатида “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилиши фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Жорий йилнинг “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинганлиги ва белгиланган Дастур асосида кенг кўламли тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги ҳам давлатимизнинг ёшларга бўлган умидли муносабати нечоғлик жиддийлигидан далолат беради.

Ўз навбатида Республика Олий суди, давлат сиёсатига муштарак ҳолда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари бўйича суд амалиётини ўрганиб чиқиб, бу борада йўл қўйилган хатоликларни бартараф этиш ва одил судлов самарадорлигини оширишга кўмак берувчи ишларни амалга ошириб келаяпти.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича суд амалиёти асосан тўғри йўлга қўйилган. Судлар томонидан мазкур тоифадаги жиноят ишлари бўйича асосли ва адолатли суд қарорлари чиқарилмоқда. Шунинг билан биргалликда, суд ишларида баъзи бир хато ва камчиликлар ҳам учрайдики, уларга бефарқ қараб бўлмайди.

Тиббиётнинг асосий тамойилларидан бири касални да-

волаш эмас, балки унинг олдини олиш бўлгани каби жамият учун жирканч иллат — жузъий маънода маънавий касаллик саналмиш жиноятчиликнинг олдини олиш ҳуқуқий демократик давлатнинг биринчи галдаги вазифасидир. Шу сабабли давлатимиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарувчи идоралари бу борада талайгина ишларни амалга ошириб келмоқдаки, улар ўз самарасини бермоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, республика бўйича умумий содир этилган жиноятлар сони 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 0,49 фоизга, шундан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 12,15 фоизга камайган.

Республика бўйича 1998 йилда умумий судланганларнинг 3,8 фоизини, 1999 йилда эса 3,4 фоизини вояга етмаганлар ташкил этган. Таққослаганда ҳам, ҳар юз минг аҳоли сонига нисбатан жами судланганлар миқдори бошқа чет эл, шу жумладан Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг ками ҳисобланади. Лекин биз хотиржам бўлмасдан жиноятчиликнинг ёшаришига йўл қўймаслигимиз керак. Умуман, жиноятчиликнинг олдини олишга бор кучимизни сафарбар қилишимиз лозим.

Бу борада судлар томонидан вояга етмаганларга доир жиноят ишлари юзасидан жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги хусусий ажримлар нисбатан кам чиқарилаётганлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Чунки, вояга етмаганларга доир жиноят ишлари бўйича хусусий ажримлар чиқариш учун асослар мавжуд. Бинобарин, 1999 йилда судланган жами вояга етмагандан 673 таси ёки 33,2 фоизи ҳеч қаерда ўқимаган ва ишламаган шахслар, 437 таси ёки 21,6 фоизи оилада отасиз ёки онасиз тарбияланганлар, 116 таси ёки 5,7 фоизи жиноят



содир этгунга қадар ички ишлар идоралари ҳисобида турганлар бўлиб, 182 таси ёки 9,0 фоизи маст ҳолда жиноят содир этганлиги ҳам хусусий ажримларни ҳар бир вояга етмаганнинг иши юзасидан чиқариш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Масалан, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида истиқомат қилган, ҳеч қаерда ишламай мунтазам равишда ичкилик билан шуғулланиб келган, қарамоғида 6 нафар вояга етмаган фарзандлари бўлган С.Шомансурова фарзандларининг тарбияси ва таъминоти билан қизиқмаганлиги сабабли унинг уч нафар вояга етмаган фарзанди биринкетин жиноятлар содир этиб судланган.

Вояга етмаган Шомансуровлар биринчи бор судланганларида судлар уларга нисбатан шартли ҳукмлар чиқариб, синов муддатларини белгилаган ҳолда хулқларини назорат қилишни Янгиер шаҳар Ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекцияси ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи махсус комиссияга юклаган бўлсада мазкур органлар томонидан суд ҳукмларининг ижросини лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида ака-укалар қайтадан яна бир нечта қатор жиноятлар содир этганлар. Лекин ушбу органларнинг лоқайдлигига, тегишли масъул шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликларига судлар томонидан ҳеч қандай муносабат билдирилмаган, лоақал уларнинг интизомий жавобгарлиги масаласи муҳокама қилинмаган. Судлар шу каби ҳолатларга тегишли қонуний чоралар кўрмасликлари асло мумкин эмас.

Жиноят-процессуал кодексининг 551 ва 562- моддаларига мувофиқ, вояга етмаганларга доир жиноят ишларини кўришда уларнинг ота-оналари, ота-она ўрнини босувчи шахсларни, васий ва ҳомийсини, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхона, муассаса, ташкилот, вояга етмаганларнинг иши билан шуғулланувчи комиссия, зарур бўлса, бошқа ташкилотлар вакилларини ҳам суд маж-

лисига албатта чақириб, айнан вояга етмаганларнинг хулқи учун масъул ва жавобгар эканликларини уқтирсалар ҳамда ииқланган ҳолатлардан келиб чиқиб уларга нисбатан суд таъсир чораларини кенгроқ қўлласалар вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг камайиши шубҳасиз.

Шунинг билан биргаликда, хусусий ажримлар чиқаришда ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади. Қонун талабига кўра ошкор этилиши мумкин бўлмаган жиноят тафсилотлари юзасидан ҳам хусусий ажримлар чиқариб оммалаштирилганлигини қандай баҳоласа бўлади?! Номусга тегиш жиноятини содир этганликда айбдор деб топилган вояга етмаганларга доир жиноят ишлари, гарчанд қонун талабига риоя этилган ҳолда ёпиқ суд мажлисида кўрилиши назарда тутилган бўлсада, айрим судлар жабрланувчиларнинг ор-номуси, шаъни ва қадр-қимматини камситувчи маълумотларни ошқор қилувчи хусусий ажримлар чиқариб, уларни муҳокама этиш учун фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига юборганлар. Бунинг оқибатида жиноятдан жабр кўриб, оғир изтиробга қолган вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналарини янада азият чекишларига йўл қўйиш асло мумкин эмас.

Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш бўйича суд амалиёти кўпроқ инсонпарварлик ва օдйллйк тамойилларига асосланишни тақозо этмоқда.

Республика Олий судининг бу борадаги тадбирлари ўз самарасини бераётганлигини эътироф этмоқчиман. Жумладан, агар 1998 йилда жами судланган вояга етмаганлардан 56,4 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилган бўлса, Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги “Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида”ги қарорида кенг қўламли раҳбарий тушунтиришлар берилганидан кейин аҳвол анча ижобийлашгани, яъни 1999 йилда жами судланган вояга етмаганларнинг 42,5 фоизига, 2000 йилнинг биринчи ярим йилида

34,9 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган. Жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2000 йилнинг биринчи ярмида қасддан одам ўлдириш жинояти бўйича судланганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 бараварига, номусга тегиш жинояти бўйича 2 бараварига, босқинчилик жинояти бўйича 2,5 бараварига камайган.

Суд амалиётини ўрганиш натижалари вояга етмаган судланувчиларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан қайта тарбиялаб соғлом жамиятга қайтариш ҳам самарали эканлигини кўрсатади.

Жазо тайинлашда, аввало, жиноят қонуни санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони қўллаш масаласини муҳокама қилиб кўриш зарурдир. Аммо суд амалиётида вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда бу масала эътибордан четда қолаётганлиги маълум бўлмоқда. Судлар вояга етмаганларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасининг асосли эканлигини синчиклаб текширишлари ва ўзлари жазо тайинлашда, айниқса, озодликдан маҳрум қилишда етти марта ўлчаб бир марта кесишлари зарурдир.

Менинг бундай дейишимнинг сабаби бор.

Масалан, Яккасарой туман судининг ҳукми билан вояга етмаган Ф.Г.Асқарходжаев Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан 20 шиша сувни ўғирлаганликда айбдор деб топилиб шу кодекснинг 57-моддаси қўлланилиб 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Суд Ф.Г.Асқарходжаевга унинг шахсини ва қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жумладан вояга етмаганлигини, муқаддам судланмаганлигини, талон-тарож қилинган мулк миқдорининг жуда камлигини, зарарнинг мавжуд эмаслигини, айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ва ишнинг жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолат-

ларини инобатга олмасдан адолатсиз жазо тайинлаганлиги сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилди ва унинг қамоқда ўтирган муддати инобатга олиниб жазодан озод қилинди. Бундай, ишга бефарқ қараб, ўспиринни қамоқда сақлаган судьяга қандай баҳо бериш керак?!

Бошқа бир мисол, Мирзо Улуғбек туман судининг ҳукми билан 1984 йил 8 апрелда туғилган, вояга етмаган М.Р.Назарчаев ва 1984 йил 23 октябрда туғилган Ш.А.Умурзақовлар жами 6000 сўмлик 6 та товукни ўғирлаганликлари учун уларнинг ҳар бири 6 йилдан озодликдан маҳрум қилиниб, амнистия акти асосида жазодан озод қилинганлар.

Шундай экан, вояга етмаганлар тақдири ҳал этилаётганда бизнинг хато қилишга асло ҳаққимиз йўқ. Судьялик бурчи, қолаверса фарзандларимиз олдидаги масъулият биздан бу борада мутлақо нуқсонсиз иш юритишни тақозо этади.

Суд ҳукмлари, қарорлари ва раҳбарий кўрсатмалари вояга етмаганларга доир жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг қонунийлик, инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари билан янада уйғунлашишига ишонаман.

*«Туркистон» газетаси, 2001 йил*

## ЖАЗОЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФА ЭМАС

Ўтаётган ҳар бир кун бизни улуғ байрам — мустақил-лигимизнинг ўн йиллиги байрамига тобора яқинлаштир-моқда. Бу сана ўз юртининг камоли йўлида садоқат билан меҳнат қилаётган ҳар бир киши учун муътабар ва муқад-дасдир. Зеро, мустақиллик шарофати билан биз ўзлиги-мизни англадик, тарихимиз, қадриятимизга эга бўлдик, маънавиятимиз бойиди, иқтисодиётимиз босқичма-бос-қич ривожланиб, юксалмоқда.

Табиийки, бу ютуқлар ўз-ўзидан келгани йўқ. Уларнинг замирида кадрларни тарбиялаб, жой-жойига қўйиш, иш-лаб чиқаришга илғор технологияларни жорий этиш, иж-тимой-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини эркин-лаштириш билан боғлиқ бир-биридан долзарб бўлган му-аммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, ҳар бир инсон қалби ва онгига йўл топиш каби масалаларнинг ижобий ечими-ни топишдек оғир ва заҳматли меҳнат ётганлигини ва бу ишлар Президентимиз — И.А.Каримовнинг саъй-ҳаракат-лари билан амалга ошаётганлигини ҳар биримиз кўриб, юрак-юракдан англаб, ҳис этиб турибмиз.

Ўтган ўн йилнинг ҳар бири асрларга татиғулик бўлди, десам, менимча, муболаға бўлмайди. Мен бу фикримни Конституциямизда уч ҳокимиятнинг бири сифатида эъти-роф этилган суд ҳокимиятининг мустақамланиши жара-ёни ва жадал олиб борилаётган суд ислоҳотлари мисоли-да асослаб бермоқчиман.

Аввало, шуни айтмоқчиманки, суд ҳокимиятини мус-тақамлаш, суд ва судьяларимизнинг обрўйини кўтариш, судларни ихтисослаштириш масалалари ҳамини давлати-миз раҳбарининг диққат-эътиборида турибди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда-ги сессиясида «Судлар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш-лар ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан унинг

янги таҳрири тасдиқланди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар асосан суднинг мустақиллигини таъминлашга қаратилди ва бунга Президентимиз И.А.Каримов ташаббускор бўлдилар.

Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар билан бирга Судьяларнинг малака ҳайъатлари, Судьяларнинг малака даражалари тўғрисидаги, Суд ходимларининг мансаб даражалари, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомларга ҳам киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар илова тариқасида тасдиқланди. Барча судьялар, суд ходимлари, прокуратура, ички ишлар ва Адлия вазирлиги тизими ходимлари, адвокатлар, қўйингки, барча мансабдор шахслар ва фарзандларимиз ушбу қонунни батафсил ўқиб чиқишлари ва суд мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларидан хабардор бўлишларини истардим.

Барча судьяларимиз судьялик қасамёдига ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолатда ҳам шак келтирмасликка ваъда берганликларини унутмайдилар деган умиддаман.

Республика суд тизимида фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилиб 2001 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлади. Натижада фуқаролик ишларини самарали ва сифатли кўриш имкониятлари кенгайди. Бундан ташқари, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш, судларни ташкилий таъминлаш билан шуғулланадиган махсус ваколатли орган — суд Департаменти ташкил этилди.

Президентимиз ўз нутқ ва маърузаларида суд жазоловчи органдан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айланиши лозим деб ҳақли равишда талаб қилиб келмоқдалар.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессиясида ҳам Президентимиз жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни тўлиқ қопланиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди давлатимиз раҳбарининг, суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилаётган ислохотларнинг талабларидан келиб чиқиб, жиноят учун тайинланадиган жазоларни эркинлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Хусусан, охириги икки йил ичида Олий суд Пленуми ушбу масалага бир неча бор тўхталиб, жиноят учун тайинланадиган жазо чорасининг асосий вазифаси шахсни жазолаш эмас, балки унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашдан иборат эканлигини таъкидлади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 14 май қарорининг 6-бандида «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказган бошқа жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўришда судлар айбдор шахсларга ёки уларнинг вакилларига моддий зарарнинг ихтиёрий равишда қопланиши жазони енгиллаштирувчи алоҳида ҳолат ҳисобланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламасликка асос бўла олишини тушунтиришга мажбурдирлар», деб кўрсатилди.

Мазкур Пленум қарори эълон қилинганидан сўнг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир қилиб, ишлари терговда бўлган ёки судланган шахсларга ва уларнинг қариндош-уруғларига етказилган зарарни тўлиқ қопланиши жазони енгиллаштирувчи алоҳида ҳолат бўлишлиги ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

Натижада қуйи ва юқори судларга судланувчилар, маҳкумлар ва уларнинг қариндошлари номидан етказилган зарарни ихтиёрий равишда қопланганлиги тўғрисида аризалар келиб туша бошлади. Ўз навбатида судларда бундай ишлар кассация ва назорат тартибида кўрилиб, етказилган моддий зарарни қоплаган шахсларга енгиллик берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳам бундай аризаларни кўриб чиқиб қатор ишлар бўйича тайинланган жазоларни кескин камайтирди, баъзи судланувчи ва маҳкумларни эса қамоқдан озод қилди. Масалан, Тошкент вилоят судининг 1999 йил 6 апрелдаги ҳукми билан, 1956 йилда туғилган, муқаддам судланмаган, 5 нафар фарзанди бор Эгам Сулаймонов 1995-1996 йилларда Бўка туманидаги «Қора қўйлиқ» алоқа бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб, нафақахўрларнинг 988.970 сўм нафақасини ўзлаштирганликда айбдор деб топилган ва 16 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. У етказилган зарарни тўлаганлиги учун Пленум қарорига асосан тайинланган жазо 5 йилу 1 ойга келтирилди.

2.555.000 сўмни ўзлаштириб ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми «а» бандига асосан судланиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган жинсақиллик Нормат Шамсиддинов ҳам етказган моддий зарарни тўлиқ тўлаганлиги туфайли унга тайинланган жазо муддати 3 йилга келтирилди.

Қашқадарё вилояти, Косон тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Илҳом Раҳмонов бош ҳисобчи Акимов билан 1997-1998 йилларда давлатнинг 6.450.766 сўмини ўзлаштирганликда айбланиб, Қашқадарё вилоят судининг 1999 йил 1 июлдаги ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган эдилар. Улар етказилган зарарни тўлиқ қоплаганликлари учун жазони ўташдан озод қилинди.

Тошкентлик Тельман Алиев «Тахтапул» кичик корхонаси директори, Бахтиёр Мирзаев эса шу корхонада бош ҳисобчи бўлиб ишлаб, давлатнинг 1.000.000 сўмини ўзлаштирганликда айбланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «а,в» бандлари билан 11 йил 10 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Етказилган зарарни тўлиқ тўлаганлари учун уларга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланил-



ди ва ҳар иккаласининг жазоси 2 йилга келтирилиб, қамоқдан озод қилинди.

Тошкент шаҳар судининг 1999 йил 2 сентябрдаги ҳукми билан судланган Мади Муротов УЧ ПКФ директори бўлиб ишлаб, 1998 йилда давлатнинг 4.500.000 сўмини талон-торож қилганликда айбланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми «а» банди билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Зарарни қоплагани сабабли ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, у жазодан озод этилди.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 1999-2000 йилларда кассация ва назорат тартибида жами 164 шахсга нисбатан ишларни кўриб чиқилиши жараёнида судланганларнинг қариндошлари томонидан 139.192.386 сўм етказилган зарарни қоплаш учун тўланган. Республикамиз судлари миқёсида бу миқдор миллиардлаб суммани ташкил қилади. Жиноят орқасида давлатга етказилган зарарларнинг ана шу тариқа яна давлат бюджетига қайтарилишига эришилди.

*«Куч-адолатда» газетаси,  
2001 йил 5 июн.*

## СУД ДЕПАРТАМЕНТИ ИШ БОШЛАДИ

Президентимиз И.А.Каримов судларнинг мустақиллигини таъминлаш, уни ҳақиқий халқ ҳимоячиси даражасига кўтариш, қонун устуворлигини таъминлашда адолат мезонини ўрнатиш ва судьяларнинг дахлсизлигини ҳимоялаш каби бошқа бир қанча ижобий масалаларни ҳал этишда бевосита ташаббускор бўлмоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилнинг 10 мартда қабул қилган “Судлар фаолияти таъминотини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шундай ижобий ташаббусларнинг яна бири ҳисобланади.

Департаментнинг ташкил этилиши суд ислохотлари ичидаги энг долзарб ва улкан воқеа бўлиб, бу масалада катта ижобий қадам қўйилди. Департаментнинг юридик шахс мақомига эга эканлиги қуйи судларимизга катта қулайлик яратади.

Департамент судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашларни бевосита жойлардаги бўлимлари ёки бўлинмалари орқали амалга оширади. Департамент судларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятига мутлақо аралашмайди. Ушбу масалаларда ва, умуман, энди Адлия вазирлигининг жойлардаги бошқармалари ҳам судлар фаолиятига бирор бир тарзда аралашмайдилар.

Департамент судлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлайди, суд ижрочилари, суд мажлиси котибларини танлаш ва жой-жойига қўйишни ҳам бевосита олиб боради. Судлар томонидан қилинган ишларнинг статистик таҳлилини амалга оширади, судларга зарур шароитлар яратиш ишларини ташкил этади. Судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлайди.

Энди суд кадрларининг захирасини шакллантириш вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг малака ҳайъатлари томонидан олиб борилади. Ушбу тегишли малака ҳайъатлари тавсияномалари асосида департамент кадрларни танлаш ва судья лавозимларига тавсия этиш масалаларини ҳал этиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти

денти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига тақдим этади. Судьялик номзодлигига захирага олиш қайси йўллар билан шаклланиди? – деган саволга мен ўзимнинг қуйидаги фикрларимни ўртага ташламоқчиман. Аввало судьяликка номзод сифатида захирага олинишни истаган шахс ўз шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини тегишлилигига қараб, ўзи яшаб ёки ишлаб турган ҳудуддаги малака ҳайъатига юборади. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларда ва суд органларида ходим сифатида ишлаб юрганларнинг аризалари эса малака ҳайъатига у ишлаб турган жамоа раҳбари томонидан юборилса мақсадга мувофиқ булар эди.

Шундан кейин тегишли Низомга асосан малака ҳайъати аризаларни кўриб чиқиб, судьялик номзодлигига захирага олиш-олмаслик масаласини ҳал этади ва бу ҳақда тегишли қарор қабул қилади. Захирага олинганлар ҳақидаги ҳужжатлар Департаментга юборилади. Судьялик лавозими бўшаган жойларга номзодларни имтиҳондан ўтказиш учун департамент захирага олинган номзодлардан 2-3 тасини тегишли малака ҳайъатига имтиҳондан ўтказиш учун юборади. Малака ҳайъати имтиҳондан ўтказиб қабул қилган қарори билан Департаментга қайтаради. Департамент ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш Олий малака комиссиясига тақдим этади ва ҳоказо.

Департаментнинг судьяларга зарур шароитлар яратиши ҳам ушбу қарорда аниқ кўрсатилган. Бу ҳам келгусида судьяларимизга фақат одил судловни таъминлаш билан шуғулланиш ва аста-секин ташкилий ишлар билан ўралашиб юришдан холи бўлиш имконини беради, деган умиддамиз.

Хуллас, Департамент одил судловни амалга оширишда судларимизга барча қулайликларни яратадиган алоҳида масъул органдир. Бу тузилма ходимларига масъулиятли ишларида омадлар тилаймиз.

*«Куч-адолатда» газетаси,  
2001 йил 3 май.*

## «ДЕСАНТЧИ»ЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ ЁКИ БУХОРОДАГИ ВОҚЕАЛАР (1978-1987 йиллар)

Мен 1978 йилда республика Олий судининг судьялигидан Бухоро вилоят судининг раислигига сайланиб, 1987 йилнинг август ойларигача ишладим.

1983 йилнинг май ойида «СССР Прокуратурасидан тергов группаси келибди», деган гапни эшитдим. Мен ҳуқуқшунос сифатида «қандайдир мураккаб иш бўлса керак», деб ўйладим. Орадан бир-икки ҳафта ўтиши билан ҳар хил ваҳима гаплар пайдо бўлди. «У раҳбарни қамоққа олибди, бу раҳбарни қамабди, уларнинг болачақалари ҳам қамалибди» деган гапларни ҳар куни эшитадиган бўлдик. Кейинчалик шунга амин бўлдимки, улар мансабдор шахсларни «Сенлар ўғри ва порахўрсанлар» - деб, қонун талабларига хилоф равишда тергов қилиб, тўпланган ҳужжатларга «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деб ном қўйишибди. Мен уларнинг олиб бораётган тергов ҳаракатларини эшитиб жуда ачинганман. Тергов гуруҳи ўта дағал, саводсиз ва қўпол хатти-ҳаракатлар қилишар, кечалари мансабдор шахсларнинг уйларига бостириб кириб, уларнинг буюмларини рўйхатга олмасдан ҳам олиб кетишар, оила аъзоларини қамоқда ушлаб туришар эди. Ваҳоланки, бундай ҳаракатлар ҳаттоки, ўша пайтдаги тоталитар тузумнинг қонунларида ҳам ман қилинган эди. Аммо улар қонунларни оёқ ости қилдилар ва инсон ҳуқуқларига заррача эътибор қилмадилар. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг даҳшатли тергов олиб бориш усулларини кўрган кишилардан айримлари қийноқларга бардош бера олмасдан, ҳаттоки тергов хоналаридан ва кўп қаватли иморатлардан ўзларини таш-

лаб, ҳалок бўлдилар. Шундан кейин уларнинг ўша, «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» дейилган ишлари бирин-кетин судга кела бошлади. Ишларнинг барчасида ўша мажбурий олинган иқдорлик кўрсатмалари асосий далил қилиб олинган эди. Шу сабабли вилоят суди улар томонидан судга чиқарилган ишларнинг бир қанчасини терговга қайтарди. Шунда судларга тазйиқ ўтказиш учун орқаваротдан ҳар хил зўрликлар, ваҳимали дўқ-пўписалар қилиш бошланди. Лекин мен улар ўйлаганидек иш қилишдан узоқ эдим. Уларнинг мақсади ўша пайтдаги барча колхоз раислари, совхоз директорлари ва пахта заводларининг мансабдор шахсларини отишга ҳукм этиш эди. Шунинг учун судда кўпгина ишлар бўйича ўлим жазolari сўрай бошладилар. Бу масалада мен имконим борича қонун талабига, ҳақиқий содир этилган ҳолатга эътибор бериб, адолат бўсафасидан узоқлашмасликка ҳаракат қилдим. Шу боис бизнинг вилоят суди томонидан чиқарилган кўпгина ҳукмлар собиқ Марказдан юборилган «десантчи»ларнинг ваҳимали протестларига асосан Олий суд томонидан «енгил жазо берилган», деган мазмун билан бекор бўлар эди. Чунки Олий судга ўша пайтдаги Бутурлин ва Гайдановларга ўхшаганларнинг таъсири катта эканлиги сезилиб турарди. Кейинчалик бу «қузғунлар» кундан-кунга кўпайиб борди.

Бухорога Бухоро обкомнинг иккинчи котиби, вилоят Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, вилоят прокурори, унинг ўринбосари, вилоят суди жиноят ишлари бўйича раис ўринбосари ва ҳоказо лавозимларга, ўша марказдан юборилган шахслар келиб жойлашган эдилар. Уларнинг барчалари бирон бир қонунга риоя қилиб, иш тутишни хаёлларига ҳам келтирмас эдилар, ниятлари фақат қамаш, азоб ва қийноқлар билан тергов олиб бориш, ишларни суддан ўзлари хоҳлаганларидек ўтказиш эди, уларга озгина, арзимаган баҳона бўлса бўлди,

қолган ниятларини тергов пайтида амалга оширар эди. Мен вилоят прокурори Матюшов билан кўп марталаб обком биносида ҳам адолат йўлида тортишар эдим. Марказдан юборилган обкомнинг иккинчи котиби ҳам Матюшовга ўхшаган ҳовлиқма киши экан, Матюшов иккаласи бир куни кабинетимга тўсатдан кириб: «Нега судланувчиларга энгил жазо берасан» -деб менга дўқ-пўписа қилиб кетишди. Бу етмаганидек, яна бир куни кабинетимга обкомнинг бўлим мудирини В.Орлов, собиқ СССР Прокуратурасидан келган бир шахс ва вилоят прокурори Матюшов кириб келишди ва ҳалиги марказдан келган прокуратура вакили мендан «Нега сенинг бошчилигингдаги судьялар энгил жазо тайинламоқдалар», деб жуда баланддан келиб гапира бошлади. Мен унга «Қонун талабига кўра жазо маслаҳат уйида белгиланади» -деб тушунтирмоқчи бўлдим. Шунда у: «Какое может быть совещание» деб қўли билан столни урган эди, ҳаттоки столнинг оёғи тушиб кетди. Мен ердан столнинг оёғини олиб, ойна тоқчасига қўярканман, «Это вещественное доказательство», деганим асло ёдимдан чиқмайди. Мана шунақа тортишувлар бўлиб ўтганидан кейин бир куни обкомнинг биносида бўлим мудирини В.Орлов, у Марказдан юборилганларнинг нотўғри, ғайриқонуний ҳаракатларидан хабардор эди, мени огоҳлантирди: «Улар билан бунчалик тортишмагин, сенга провокация қилишлари мумкин» -деди. Шунда мен: «Бўлмаса, вилоят судини ёпинглар, ўша тергов гуруҳлари ўзлари тергов қилиб, ўзлари жазо бераверсинлар-да, мен уларнинг айтганларидек қила олмайман» деб бир неча бор айтганман. У менинг гапимни тўғри тушунар эди.

Мен фақат шулар билан чекланиб қолган эмасман. Республика Олий судига жиноятларни квалификация қилиш, айниқса, жазо масаласида ўзимнинг фикрларимни ёзма равишда республика Олий судига тақдим этдим. Шу билан бирга ҳеч бўлмаса хотин кишиларни

қамоқдан чиқаришга бирор-бир йўлланма беришни сўрадим, аммо Олий суддан ҳеч бир жавоб олмадим. Шундан ҳам тушундимки, ўша қонунбузар жиноятчиларнинг Олий судга таъсири жуда катта бўлган. Менинг имкониётим даражасида адолат сари интиланганимни бошқача тушунган Бутурлин ва Гайдановлар Олий суд Пленумларида бир неча бор: «Жиноятчиларни Мингбоев ҳимоя қилмоқда» -деб қайта қайта гапиришган.

1986 йилларда собиқ СССР Олий судининг биринчи ўринбосари Смоленцев икки марта Бухоро вилоят судига келди.

Биринчи марта жиноятларни квалификация қилиш масаласида, иккинчи марта жазо тайинлаш амалиёти ҳақида. Ҳақиқатни айтишим керакки, у киши суд соҳасида тажрибали бўлганлиги учунми, вилоят судининг жиноятларни квалификация қилиш амалиётини анча маъқуллади ва бу ҳақда республика Олий судида барча вилоят суди раисларини чақиртириб, йиғилиш ўтказди. Бутурлин ва Гайдановлар ҳам қатнашдилар. Ўша йиғилишда республика бўйича анча палапартишликлар бўлаётгани ҳақида гапириш билан бирга, Бухоро вилоят суди деб айтмаса-да, бизнинг амалиётимиздагидек кўрсатмалар берди. Мен шундан биз имкон борича қонунга таяниб, иш олиб бораётганлигимизни билдим. Иккинчи марта келишида, у жазо масаласида мен билан анча гаплашди ва мен ҳақиқий ҳолатларни ва терговни ўта ноқонуний олиб борилганлигини тушунтирдим. Бундай ҳолатларда қандай қилиб ўлим жазосини тайинлаш мумкин, деган фикримни ва озодликдан маҳрум этиш жазоларини барча кишиларга бир хилда тайинлаб бўлмаслигини, уларга нисбатан қонунда кўрсатилган жазодан ҳам кам жазолар тайинланиши лозимлигини далиллар ва мисоллар билан исботлаб бердим. У киши бу масалада ҳам менинг фикримни инкор қилиш учун асос йўқлигини тушунди, шекилли, мени ўзи билан бирга олиб

обкомнинг иккинчи котиби, ўша, Москвадан юборилган кишининг кабинетига олиб кирди, «Бухоро вилоят суди бу киши бошчилигида суд амалиётини анча-мунча тўғри олиб борапти, уларни унчалик айблаб бўлмайди»- деб айтди. Мен шу гаплардан билдимки, менинг тўғримда тегишли жойларда гап бўлган.

Смоленцев Тошкентга келиб, марказкомга ҳам кириб, аҳволни тушунтириб кетганшекилли, ўша пайтдаги республика Олий судининг раиси менга қўнғироқ қилиб, «Мана, сизнинг айтган фикрларингизни тасдиқлашиб, СССР Олий судидан агар асослар бўлса, қонунда қўрсатилган жазодан ҳам кам жазо тайинлаш мумкин, деган мазмунда хат келди» -деди. Мен ичимдан анча хурсанд бўлиб, у кишига: «Мен фақат қонун талабидан келиб чиқиб ва адолат учун тортишганман», дедим. Очигини айтиш керак, ўшандан кейин ҳам республика судларида жазо тайинлаш амалиёти адолат сари ўзгарганини унча сезмадим. Чунки 1983 йилда Бухорода бошланган қонунсиз терговлар 1984 йилда республиканинг барча вилоятларига тарқалган эди. Қаранг, ўша пайтда кишини таажжубга соладиган воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. 1985-1986 йилларда ҳар ойнинг ўн бешинчи кунда вилоятлар Ички ишлар бошқармаси бошлиқлари, вилоят прокурорлари, суд раислари марказкомга чақирилиб, кадрлар бўйича гўёки ҳисоб-китоб қилинар эди. «Қанча мансабдор шахслар ўзгартирилди, эскилари нега ишлаб турибди? Улар ишлагандан кўра жойлар бўш тургани маъқул. Москвадан кадр сўраганмиз, келишади» деган гапларни ўша пайтдаги юрт раҳбаридан эшитиб, ҳайрон қолар эдим. Наҳотки, ўзимизнинг кадрларимиз ишларни шунчалик бошқара олмай қолган бўлса?! Ахир Москвадан юборилган раҳбарларнинг қўполликларини, қонун талаби билан иш тутмаётганликларини, инсон ҳуқуқларини умуман оёқ ости қилишаётганликларини кўриб турибмиз-ку! Улар-



нинг асл мақсадлари тартиб-интизом ўрнатиш эмас, арзимаган баҳоналарни рўкач қилиб, зиёли кишиларимизни, олижаноб, ишбилармон, тадбиркор кадрларимизни ерга уриб, Ўзбекистонга ва унинг халқига ўз зулмини ўтказиш, халқимизни хоҳлаганча қўл остида итоатда сақлаб туриш эканлиги очиқ-ойдин сезилиб турган эди. Аммо шунга қарамасдан ўша пайтдаги айрим раҳбарларимиз ўзларидан кўрқиб, уларга хайрихоҳлик билдирдилар, уларга олий даражада шароитлар, меҳмондўстлик кўрсатдилар. Улар эса Республикамизда ҳеч кимга ҳисоб бермай қўйдилар.

Мустақилликка ўтиш арафасида халқимиз мана шундай азобларни ҳам бошидан кечирди. Қанчадан-қанча зиёли раҳбар, забардаст ўзбек ўғлонлари қамоқхоналарда қурбон бўлдилар, оила аъзоларининг ҳуқуқлари поймол этилди, бегуноҳ кишиларимиз қамоқларга ташландилар. Хуллас, ўсиб, эндигина ўзини кўрсатаётган кишиларимиз майиб-мажруҳ ва ногирон бўлиб қолдилар. Худонинг марҳаматини қарангки, тоталитар тузум барҳам топиб, мустақиллик алангалари бизнинг республикамизда ёна бошлади. Бу машъални Ислом Каримов ёқди. Бир нарсани аниқ айтиш керакки, ўша «Пахта иши», «Ўзбек иши» деган ишлар қайта кўрилиб, айрим шахслар оқлана бошлаганда гўёки буни прокуратура ёки судлар амалга ошираяпти деб айрим шахслар ўзларини кўрсата бошладилар. Бу масала асло ундай эмас, аслида ўша гуруҳлар томонидан тергов қилиниб, судланганларнинг ишларини қайта кўриб чиқиш ташаббусини ҳали мустақилликка эришмасимизданоқ Ислом Каримов олиб чиқдилар ва кўрқмасдан комиссия туздириб, ўша ишларни батафсил қайта кўриб чиқишни қаттиқ топшириб, назоратга олдилар. Шундан кейин, ҳақиқатдан ҳам Олий судда ишлар ўрганилиб, қайта кўрилди ва судланган 3612 та шахсдан 2800 га яқини оқланди. Яна бир бор таъкидламоқчиманки, агар Президентимизнинг та-

шаббуслари бўлмаганда, ўша пайтларда на Олий суд, на прокуратура бу ишларни қайта кўришга журъат қила олмас эдилар.

Бир даҳшатли воқеага қайтмоқчиман. 1930-50 йилларда қатағон қилиниб, ноҳақ судланганларнинг ишлари ордан 30-40 йил ўтгандан кейин, яъни улар армон билан вафот этгач, уларнинг ишлари қайта кўрилган эди. Фақатгина мустақиллик йилларида шулардан 10.000 га яқин кишилар оқландилар. Афсуски улар дунёдан кўз юмган эдилар.

«Ўзбек иши», «Пахта иши» бўйича судланганларнинг ишларини эса Президентимиз дарҳол, ҳали улар қамоқларда ўтириб, асоссиз тайинланаётган жазоларни ўтаётган бир пайтда кўриб чиқишни қаттиқ назоратга олдилар ва ноҳақ қамалганлар ўз оилаларига соғ-саломат қайтиб келдилар.

Минг бор шукурлар бўлсинки, мустақиллигимиз туфайли суд ҳокимияти асосий қонунимиз бўлмиш Конституцияда мустаҳкамланди. Энди республикамиз суд ҳокимияти кўрган ишларни яна марказда кўриб чиқадди, деган қўрқувдан батамом қутулдик. Қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат судини барқарорлаштириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд ва суд ҳокимиятини мустақиллигини такомиллаштиришда жадал суръатлар билан суд ислоҳоти давом этмоқда.

# МАЪРУЗАЛАР

---

---

## ЖИНОЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ Қўллаш бўйича суд амалиётида ЮЗАГА КЕЛГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА

1999 йил 14 майда бўлиб ўтган Олий суднинг  
навбатдан ташқари Пленумидаги маъруза

Ҳурматли Пленум аъзолари, муҳтарам меҳмонлар!

Биз бугун кун тартибида турган алоҳида муҳим аҳамият касб этувчи ва кечиктириб бўлмайдиган масаланинг кўрилиши муносабати билан Олий суднинг навбатдан ташқари Пленумини ўтказмоқдамиз.

Қонун устуворлигини таъминламасдан туриб Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаб, том маънодаги демократик жамиятни барпо этиб бўлмайди. Ўтиш даврининг дастлабки йилларида республикамызда жиноятчилик билан боғлиқ вазият анча мураккаб эди. Оғир жиноятларни содир этиш иқтисодиёт негизларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилиш кескин равишда кўпайганлиги, уюшган жиноий гуруҳларнинг фаоллашганлиги кузатилар эди.

Ана шундай шароитда Президентимизнинг оқилона сиёсатлари туфайли жиноятчилик ўсишининг олди олинди. Давлатимиз сиёсатига ҳамоҳанг равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳам ўз вақтида уюшган жиноий гуруҳларга, ўта оғир ва бошқа хавfli жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қонуннинг кучини тўла қўллаш бўйича одил судлов амалиётини шакллантиришга раҳбарлик қилди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ана шундай тadbирлар натижасида нафақат вазиятнинг барқарорлашуви-га, балки рўйхатга олинган жиноятларнинг, шу жумладан бир қатор оғир жиноятларнинг камайишига ҳам эришилди.

Олий суд бундан буён ҳам республикадаги барқарор вазиятни издан чиқармоқчи бўлган шахслар, экстремистлар, ўта оғир ва бошқа хавфли жиноятларни содир этганлар, жамоат хавфсизлигига раҳна солувчи жиноий гуруҳлар ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига нисбатан қонун кучидан тўла фойдаланиш амалиётини назорат қилиб боради ва фақат шундай йўл тутди. Бу ўринда бирор бир тарздаги сусткашликка, кўнгилчанликка ва лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда февраль ойида бўлиб ўтган машғум воқеалар, яъни Президентимизга ва халқимизга қарши қаратилган жиноятларнинг келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмаслигига ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими, шу жумладан судьялар ҳам амин бўлдилар. Шунга кўра улар ўз масъулиятларини янада чуқурроқ ҳис қилишлари шарт.

Ўз навбатида бизнинг барчамиз муайян шахснинг содир этган жиноий қилмишига қараб, жазо амалиётини қатъий равишда қонунга асосан олиб бориш зарурлигини доимо ёдда тутишимиз ва шунга амал қилишимиз керак бўлади.

**Муҳтарам ҳамкасблар!**

Ҳурматли Президентимиз Ислom Абдуғаниевич Каримовнинг судлар фуқароларнинг тасаввурида фақат жазоловчи орган эмас, балки уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоячиси бўлиши кераклиги хусусида айтган ажойиб конституциявий фикрларини таъминлаш вақти етиб келганлигига барчамиз алоҳида эътиборимизни қаратишимиз керак. Тан олиш лозимки, бу масъулиятли вазифани қонуний талаб даражасида тўла уддалай олаяпмиз дейишга ҳали вақт бор. Судлов амалиё-

ти шуни кўрсатмоқдаки, сўнги йилларда ўта оғир ва бошқа хавфли жиноятлар сонининг камайишига қарамасдан, озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳанузгача асосий жазо бўлиб қолмоқда.

Янада ташвишланарлиси шундаки, ҳар йили вояга етмаган қонунбузарларнинг ярмидан кўпроғи озодликдан маҳрум қилишга судланмоқда. Ваҳоланки, Президентимиз ёшлар ва аёлларга алоҳида эътибор қаратиб, уларни ижтимоий ҳимояси борасида умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда одилона сиёсат юритмоқдалар.

Гарчанд, оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмагани ҳолда содир этилган ўғрилиқ учун жавобгарликни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари кўрсатилган бўлсада, ўтган 1998 йилда шундай жиноятлар учун судланганларнинг кўп қисмига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган.

Биз амалиётда кам аҳамиятли жиноятлар содир этгани учун аёллар (шу жумладан, қарамоғида болалари бор бўлган), ўсмирлар ва бошқаларга нисбатан уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконияти бўлсада, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг тайинланганлиги ҳолатларига дуч келмоқдамиз. Бу эса адолатсизликни, фуқароларнинг ҳақли норозиликларини, жазони ўташ жойларидаги шахслар сонининг сунъий ортиб кетишини келтириб чиқаради, суд ҳокимиятининг обрўсига эса путур етказди. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш жойларида мазкур шахслар кўпинча хавфли жиноятчиларнинг таъсирига тушиб қолишади, улардан «ўғирлик мактаби»нинг таълимини олиб, оқибатда рецидивистларга айланмасликларига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Бундай ҳолат, энг аввало, ўзининг хизмат бурчини тўла тушуниб етмаган, инсонпарварлик ва адолат та-

мойилларини етарлича ҳис қилмайдиган айрим судьяларнинг масъулиятсизлиги ва қатъиятсизлиги деб баҳоланиши мумкин.

Биз асоссиз равишда енгил жазо тайинлаган судьяларни жазолаймиз-у, лекин арзимаган сигаретани ўғирлаган ўсмир ёки боғдан бир неча килограмм узум ўғирлаган аёл беш йил ва ҳатто ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинса, бу ҳолатларга ўз муносабатимизни билдирмаймиз. Бундай аҳвол тезликда тузатилиши ва бундай мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чораларни қўллаш, вазифасидан озод қилиш масаласини қўйиш лозим бўлади. Шуни эътиборга олиб, қуйи судлар Олий суд Пленумининг жазо тайинлаш амалиётига доир раҳбарий кўрсатмаларига қатъий амал қилишлари шартлигини таъкидлаш жоиз деб ҳисоблайман.

Суд амалиётини умумлаштириш натижаси шуни кўрсатадики, баъзи судьялар жиноий жазо турини танлашда айбдорларга нисбатан дастлабки тергов жараёнида қўлланилган эҳтиёт чорасининг қонуний ва асослигига умуман баҳо бермаяптилар. Судьялар дастлабки тергов органи томонидан у ёки бу шахсга қўлланилган ҳибсда сақлаш эҳтиёт чорасини унга нисбатан эълон қилинган айбни квалификацияловчи модда санкциясида муқобил жазо кўрсатилган бўлса ёки унинг шахсига бошқа бир гумонли шубҳалар туғилмаса, жиноят ишларини судда кўришга тайинлашда унинг эҳтиёт чорасини бошқа енгилроғи билан алмаштириш масаласини албатта муҳокама қилишлари шарт. Шунингдек, агарда шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконияти мавжуд бўлса, судья унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашга ва уни ҳибсдан озод этишга мажбурдир. Судьялар ҳам, прокурорлар ҳам ягона ишга — қонун устуворлигини таъминлашга даъват этилганлар ва бу ерда бирор бир тарздаги идоравий ёндашувга йўл қўйиш мумкин эмас, зеро, бу жуда хавфлидир. Амалиётда бу ҳолат-

ларга эътибор бермаслик натижасида айрим судьяларимиз дастлабки тергов органи томонидан эҳтиёт чораси сифатида ҳибсда сақлаш қўлланилган судланувчиларни албатта озодликдан маҳрум қилиш лозим деган фикрда иш кўрмоқдалар. Бундай хавfli тенденцияга барҳам беришимиз керак. Бу адолатсизликдан бошқа нарса эмас!

Жазо турини танлашда, судьяга, ўз нуқтаи назарини чуқур ва ҳар томонлама асослаб бериш мажбуриятини юкловчи қонун талаблари ҳам кўпинча бузилмоқда. Аксарият шу сабабга кўра асосий жазо тури сифатида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ каби жазолар деярли қўлланилмайди. Масалан, ўтган йилда умумий судланганлардан фақат 8,3 фоиз шахсга нисбатан жарима, 3,3 фоиз шахсга нисбатан қамоқ жазоси тайинланган.

Олий суд Пленумида иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича суд амалиётини муҳокама қилганимизга кўп бўлгани йўқ. Ушбу турдаги жиноятларнинг кўпчилиги бўйича айбдорларни озодликдан маҳрум этиш жойларига юбормасдан, уларга жарима жазосини кенгроқ қўллаб, улардан етказилган зарарни ундириш чорасини кўриш ҳақида асосли хулосага келинган эди. Сабаби бу турдаги жиноятлар жамият учун жуда катта ижтимоий хавф туғдирмайди. Худди шундай талаблар 1996 йил 19 июлдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Пленум қарориди ҳам кўйилган эди. Аммо кўриниб турибдики, Пленум қарорлари талаб даражасида бажарилаётгани йўқ.

Кўпчилик судьялар жиноят ишларини суд мажлисига тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 396-моддаси талабидан келиб чиқадиган ҳар бир жиноят иши бўйича айбланувчиларга нисбатан эҳтиёт чораларининг тўғри танланганлигини аниқлаш суднинг вазифаси эканлиги ҳақидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабини унутиб қўйганлар. Оқибатда бир қанча шахслар етарли асослар бўлмасдан туриб ҳибсда сақла-

ниб келинмоқда ва юқорида айтилганидек, уларга асоссиз равишда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмоқда.

Айбланувчи (судланувчи)ларга нисбатан эҳтиёт чораларини танлашда уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ўз мажбуриятларига риоя қилишларини таъминловчи самарали усуллардан бири бўлган ва халқаро ҳуқуқ андозаларига мос равишда қонунчилигимизга янгидан киритилган, Жиноят-процессуал кодексининг 249-моддасида кўзда тутилган гаров дастлабки тергов органлари ва судлар эътиборидан умуман четда қолмоқда десак хато бўлмайди. Бу масалада бугун қабул қилинадиган Пленум қарорида ҳам яна бир бор эслатилади ва Олий суд қуйи судларга нисбатан ўз ваколати доирасида мазкур масалани ҳам назоратга олади.

Шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг иш фаолиятидаги уларнинг қуйи судларга нисбатан олиб бораётган қонуний таъсир чораларини етарли деб бўлмайди, чунки улар одил судловнинг қонунийлигини, шунингдек, жиноий жазо чораларини асослилиги устидан назоратни таъминлаш ўрнига, қуйи судлар ҳукмларни «бир қолипга» солишни афзал кўрмоқдалар, ҳатто ўзлари ҳам жиддий хатоларга йўл қўймоқдалар, муайян шароитни ва суд амалиётни чуқур ўрганмайдилар. Шунинг учун ҳам айрим туманларда озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллаш 80 фоиздан ҳам ошганлиги кўринади. Вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг раҳбарлари бу масалага алоҳида эътибор қилишлари лозим.

Таъкидлайманки, суд мустақиллигини мутлоқ деб тушуниш нотўғри бўлади, чунки бу, энг аввало, қонунга қатъий амал қилиш дегани. Муҳтарам Президентимизнинг шу хусусда Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ 14-сессиясида судьялар тарафларнинг холисона фикрларини эшитиб, қонунга ва ўз виждонларига асосан ҳукм чиқардилар деган катта мазмун ва моҳиятта эга бўлган сўзлари-



ни унутмаслик керак. Мазкур масалада Республика Олий судининг тегишли ҳайъатлари қонуний ваколатларини қуйи судларга нисбатан сусайтирмасликлари лозим. Қуйи судларда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилишга республика Олий судининг ҳар бир судьяси масъул эканлигини асло унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли касбдошлар! Сизнинг муҳокамангизга тақдим этилган Пленум қарори лойиҳаси асосан одил судловни эркинлаштиришга қаратилган ва маърузада қайд этилган муаммолар бўйича зарурий изоҳларни ўз ичига олган. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши қонунийликнинг янада такомиллашишига, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлароқ ҳимоя қилинишига қаратилган. Судлар томонидан жиноий жазоларни қўллаш амалиётини ўрганиш, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор меъёрлари такомиллашмаганлигини кўрсатди. Айниқса, жиноий жазо чораларини белгиловчи меъёрлар жиддий ўзгартиришларга муҳтож.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига биноан, биз ишлаб чиқилган таклифларни муҳокама қилишимиз ва уни Олий Мажлисга киритишимиз лозим.

Аввалам бор, биз катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи бир қатор моддалар санкциясидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини чиқариш лозим деган ҳулосага келдик, яъни эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртacha оғир ёки оғир шикаст етказиш (ЖК 111-модда, 3-қисми), ҳужжатларни қалбакилаштириш (228-модда, 1-қисми), транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш (266-модда, 1-қисми) ва бошқа бир қатор моддалардан.

Амалий фаолиятимизда Жиноят кодексининг моддалари санкцияларининг қуйи ва юқори чегаралари ўртасида қисқа муддатнинг мавжудлиги билан боғлиқ жиддий

қийинчиликларни доимо учратмоқдамиз. Бу эса судлар томонидан жазони эркин танлашда, шунингдек, айбдорга адолатли жазо тайинлашда муаммолар келтириб чиқармоқда. Шунинг учун бир қатор моддалар санкциясида озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазолардан қуйи жазо чегарасини чиқариш таклиф этилмоқда (булар 205-модда 2-қисми — ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш; 266-модда 2-3-қисмлари — транспорт ҳаракати қоидаларини бузиш ва бошқа қатор моддалар).

Шунингдек, ЖКнинг айрим моддаларида санкцияларнинг юқори чегараси ўринсиз кўтариб қўйилган, булар ЖКнинг 257, 259, 260 ва бошқа моддалари.

Жиноят кодексининг бир қатор моддаларига биринчи маротаба қуйидаги мазмундаги янги қисм таклиф этилмоқда. «Келтирилган моддий зарар уч баробар миқдорда ундирилган тақдирда, озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилмайди» (173-модда — мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш; 180-модда — сохта банкротлик; 184-модда — солиқ ва бошқа тўловларни тўламасдан бўйин товлаш ва бошқа бир қатор моддалар).

Бу рўйхатни янада кенгайтириш мумкин, чунки бу масала жуда муҳим ва уни ҳал қилиш бир йўла давлатга ва фуқароларга етказилган зарарни тўлиқ қоплашга эришган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини асоссиз қўллашдан сақлаш имкониятини беради.

Бундан ташқари, биз Олий Мажлисга ҳаракатдаги қонунларни такомиллаштириш юзасидан яна кўплаб таклифлар юборганмиз.

Азиз биродарлар!

Юқоридагилардан ташқари, маърузадан келиб чиқадиган амалиётдаги муаммоларни эътиборга олиб, одил судловни тўла-тўқис амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлашда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан судьяларимизнинг асосий вазифалари шахс-

ни жиний жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлаш бўлиб қолмасдан, балки жиниятчиликнинг олдини олиш ва уни келтириб чиқарадиган сабабларни аниқлашга кўпроқ қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки шахсни жавобгарликка тортиш ва суд курсисига ўтказиш — сўнгги чора. Шу билан бирга, истардимки, республика Бош прокурори ва Ички ишлар вазири томонидан тегишлиликка қараб республика Олий суди Пленуми қарорининг бажарилишини таъминлаш ҳақида жойларга кўрсатмалар берилса, айти муддао бўлур эди.

Шу фикрлардан келиб чиқиб, вилоятлар, унга тенглаштирилган судларнинг фуқаролар томонидан қилинган муножаатларида келтирилган важларга бўладиган муносабатларни тубдан ўзгартириш, яъни сансалорликка барҳам бериш масаласида шу йилнинг биринчи ярим йиллик якуни билан республика туман судлари раислари иштирокида барча судлов масалалари бўйича ўта мазмунли ва кенг қамровли машғулот ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

## «ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ВА СУД-ХУҚУҚ ИСЛОҲОТИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА БЎЛИБ ЎТГАН СЕМИНАРДАГИ МАЪРУЗА

Ҳурматли семинар қатнашчилари!

Муҳтарам Президентимиз томонидан тамал тоши қўйилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ўз моҳиятига кўра судни “жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга” айлантиришга ва “аввало ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга” қаратилган.

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини шакллантириш жараёни бошланди. Қонунга биноан янги суд тузилмалари, жумладан ҳарбий судлар, Олий судда эса ҳарбий ҳайъат ташкил этилди, маъмурий ишларни кўрувчи судьялар лавозимлари жорий этилиши кўзда тутилди. Судьяларнинг жамоат ташкилоти бўлган Ўзбекистон Республикаси судьялари Ассоциацияси таъсис этилди, Олий Мажлис ҳузурида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш бўйича Комиссия, Президент ҳузурида судьяларни тайинлаш ва лавозимидан озод этиш билан боғлиқ масалаларни кўриш бўйича Комиссия тузилди.

Президентимизнинг Олий Мажлис 6-сессиясидаги нутқларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотини янада ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилди. Унинг асосига фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш ва кенгайтириш, суд тизимини демократлаштириш ва суднинг мавқеини ошириш ҳамда суд ислоҳотига оид бошқа масалалар қўйилди. Судловнинг одиллигини таъминловчи ҳуқуқий

майдон — умуминсоний қадриятлар ва умум эътироф этилган ҳуқуқ андозаларига асосланган, шаклан ва моҳиятан янги қонунчилик яратилди.

Олий суд ўзининг Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлари доирасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Мен бу борада амалга оширилган ишлар хусусида гапирмоқчи эмасман, балки одил судлов самарадорлигини янада ошириш учун ислоҳотларнинг кейинги босқичида қандай масалаларни ҳал этиш лозимлиги, ҳозирги вақтда долзарб ҳисобланган ва мавжуд имкониятлар доирасида ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар ҳақида ўзимнинг фикр ва мулоҳазаларимни билдиришмоқчиман.

Биринчидан, инсон ҳуқуқларининг асосий кафолатларидан бири бўлган судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш каби жиддий муаммонинг тўғри ҳал этилиши учун судьяларнинг ваколат муддатлари масаласи қайта кўриб чиқилиши лозим. Олий суд Олий Мажлис ҳузуридаги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш бўйича Комиссия билан ҳамкорликда ўттизга яқин хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиб, бу масала юзасидан ваколатли идораларга тегишли таклифларни тақдим этган. Мен уларга ҳам тўхталмоқчи эмасман.

Бизнингча, туман (шаҳар) судлари судьяларининг ваколат муддатлари ҳозиргидек 5 (беш) йил қолгани ҳолда вилоятлар ва унга тенглаштирилган судлар ва Олий суд судьяларининг ваколат муддатларини 10 (ўн) йил қилиб белгилаш ва агарда, Олий суд судьялари ўзларининг дастлабки 5 (беш) йиллик фаолиятлари даврида энг олий мартаба ва муқаддас бурч соҳибига хос бўлган юксак ахлоқий, маънавий ва касбий жиҳатларни намоён эта олсалар, уларни бу лавозимда умрбод қолдириш ҳар жиҳатдан мақбул бўлар эди.

Иккинчидан, ҳурматли Президентимиз жиноий ва фуқаролик ишларини ҳал этишнинг ўзига хос алоҳида жиҳатлари мавжудлигини, айнан бир судья томонидан ҳам жиноят

ишини, ҳам фуқаролик ишини кўриш ўта мушкул масала эканлигини, барча касблардаги каби судьялик ҳам ихтисослашувни тақозо этишини жуда тўғри ёқлаб чиқдилар.

Президентимиз илгари сураётган гоё бу судьяларнинг ихтисослашуви бўлиб, у ўта муҳим ва зарурдир, чунки республикамиздаги барча қуйи судларда ҳам ихтисослашув ташкил этилса, ишларни кўриш сифати тубдан ижобий томонга ўзгаришига ишончим комил. Таъкиллаш жоизки, Тошкент шаҳар, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоят судларида бундай ихтисослашув, яъни судьяларнинг лаёқатларига қараб жиноят ёки фуқаролик судлов ҳайъатларига тақсимланганлиги мавжуд деса бўлади. Бу судларда судьялар қайси ҳайъат таркибига кирсалар, фақат ўшанинг судловига тааллуқли ишларнигина кўрадилар. Қолган вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларда ҳам судлов ҳайъатлари расман ажратилган.

Олий суд Адлия вазирлиги билан биргаликда бу масалани ўрганиб чиқиб, республиканинг 100 га яқин туман ва шаҳар судлари бир таркибли эканлигини аниқлади. Агар шу судларда яна биттадан судьялик лавозими жорий қилинса, мазкур муаммо ҳал бўлади деган хулосага келиш мумкин. Айнан шугина ташкилий жиҳатдан энг осон ва оддий, молиявий жиҳатдан энг арзон ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан энг асосли ва тўғри йўлдир. Бундан бошқа усулларни қўллаш кўпдан-кўп ташкилий-ҳуқуқий қийинчиликларни келтириб чиқаришини, жуда катта миқдордаги молиявий сарф-харажатларни талаб этишини, энг асосийси, суд ҳар қандай ҳолда ҳам халққа яқин, оддий ва тушунарли бўлмоғи, кишилар тафаккурида уларни ҳимояловчи орган сифатида гавдаланмоғи кераклигини назарда тутаяпман.

Мен таклиф этаётгандек, бир таркибли туман (шаҳар) судларида яна биттадан судьялик лавозимини жорий этиш учун эса суд ва адлия идораларининг ўзида ички имкониётлар етарли деб ҳисоблайман. Мен бу ўринда вилоятлар ва унга тенглаштирилган судлардаги ўз ҳуқуқий ҳолати

бўйича жуда яқин ва вазифаси юзасидан бир-бирини так-  
рорловчи лавозимлар, масалан ҳам суд раислари ўринбо-  
сарлари бўлгани ҳолда ҳам ҳайъат раислари борлигини,  
адлия бошқармаларида ҳам шунга ўхшаш лавозимлар бор-  
лигини кўзда тутаяпман. Вилоятлар ва уларга тенглашти-  
рилган судлар 14 тани ташкил этади. Улардаги суд раис-  
лари ўринбосарлари ёки ҳайъат раислари лавозимлари қис-  
қартирилиши эвазига юзага келадиган ўттиздан ортиқ су-  
дьялик ўринларини бир таркибли туман (шаҳар) судла-  
рига берсак бўлади деган фикрдаман.

Учинчидан, бизнинг фикримизча, жиноят ишлари бўйи-  
ча судловлик масаласида ҳам ўзгаришлар қилиш талаб эти-  
лади. Энг аввало, ўзига қўйилган айбларга иқроор ва қилми-  
шидан пушаймон бўлган судланувчиларга нисбатан ҳамда  
жазо чораси сифатида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш  
кўзда тутилган жиноятлар бўйича судланаётганларга нис-  
батан жиноий ишларни судья томонидан якка тартибда  
кўриш амалиётини жорий қилиш, бунинг учун процессу-  
ал қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим  
бўлади. Шунингдек, вилоятлар ва унга тенглаштирилган  
судлар томонидан биринчи босқичда кўрилган жиноий  
ишларни (ўлим жазоси кўзда тутилган жиноятлар бўйича  
ишлар бундан мустасно) шу судларнинг Раёсатларида кас-  
сация тартибида кўриш амалиётини ташкил этсак деган  
фикрдаман. Шунда Олий судни ўзининг ҳуқуқий мақомига  
ва мавқеига унчалик тўғри келмайдиган баъзи ишлар би-  
лан шуғулланишдан холи қилиб, бунинг ўрнига Олий суд-  
га одил судлов самарадорлигини ошириш муаммоларини  
ҳал этиш, суд амалиётини умумлаштириш асосида ўрга-  
ниш, таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш, одил судловга  
дахлдор қонунларни тўғри татбиқ этиш юзасидан дасту-  
рий ҳужжатлар, жумладан Пленум қарорларини ишлаб  
чиқиш, қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан тўлароқ фой-  
даланиш имкониятлари яратилган бўлар эди.

Сизларга маълумки, қонунда ҳуқуқий томондан тартибга

солинадиган муносабатларнинг ҳамма жиҳатларини тўла - тўқис акс эттириб бериш мумкин эмас. Қонунларни аниқ ва бир хилда татбиқ этиш юзасидан Олий суд Пленуми тегишли тушунча ва кўрсатмаларни бериб боргандагина дастлабки тергов ва суд амалиёти тўғри шаклланади. Хуллас, республика Олий суди кассация тартибида ишлар кўриб, шу билан ўралашиб қолмасдан жуда катта муаммоларни ҳал этиши лозим деб биламан.

Ҳолбуки, бугунги кунда иш ҳажмининг катталиги, мисол учун 1999 йилда Олий судда биринчи босқичда, кассация ва назорат тартибида кўрилган жиноят, фуқаролик ишлари ҳамда ҳал этилган мурожаатлар сони жами 15799 тани, яъни Олий суд судьясининг бир ойлик иш ҳажми 32,9 та суд ишини ташкил этганлиги (бу умумлаштириш ва суд назорати тартибида ўрганилган бир неча ўн минг ишлардан ташқари), жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида фақатгина кассация тартибида 2729 шахсга нисбатан 1245 та жиноят ишининг кўрилганлиги сабабли Олий суд ўзининг конституциявий вазифаси бўлган республика судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш билан боғлиқ бўлган ваколатини бажаришда жуда кўп муаммоларга дуч келмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” ги Қонуни 10-моддасига биноан судларнинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши таъминлигига қатъий риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Фикримизча, ҳозирда бу масалада туб ўзгариш қилмасдан туриб ҳам уни амалга оширишнинг қонун талабига тўла мос келадиган механизмини тўғри шакллантиришнинг ўзи етарлидир. Бунинг учун адлия органларининг, хусусан вилоятлар адлия бошқармаларининг судьяларга нисбатан муносабатларида баъзи бир чекловлар ўрнатиш лозим. Масалан, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан



боғлиқ фаолиятларини текшириш, судьяларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш бўйича тақдимномалар киритиш, судьяликка номзодларни танлаш ва тавсия этиш ваколатларини жойлардаги адлия бошқармаларидан олиш лозим бўлади. Бу масалалар билан бевосита Адлия вазирлигининг ўзи шуғулланса мақсадга мувофиқдир. Аммо ҳозирги ҳолатда кадрлар масаласини Олий судга олиб бериш масаласига мен қаршиман, чунки Олий суд ўз ваколати ва мавқеига хос ишлар билан шуғулланиши, яъни мамлакатимизда адолат судини таъминлаш учун улкан ишларни амалга ошириши лозим. Келажакда барча судлар, яъни Конституциявий суд, умумий ва хўжалик судларининг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлайдиган, алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўлган, махсус, масалан дейлик “Суд департаменти”нинг бўлиши бу бошқа гап, буни ўйлаб кўриш керак.

Бешинчидан, суд ислоҳотларининг устувор йўналишларидан яна бири бу амалдаги жиноят ва маъмурий қонунчиликни кенг таҳлил қилган ҳолда уларга жиддий ўзгартиришлар киритишдир. Жумладан, жиддий оқибатлар келтириб чиқармаган, мураккаб тоифага кирмайдиган жиноятлар, масалан қасддан баданга енгил шикаст етказиш (ЖКнинг 109-моддаси), тухмат (ЖКнинг 139-моддаси), ҳақорат қилиш (ЖКнинг 140-моддаси) каби жиноятлар юзасидан ойлаб дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш ўрнига уларни бевосита суд тергови ўтказиш йўли билан ҳал этиш ҳақида қонунларга тегишли қоидалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Хурматли ишгирокчилар, менинг таъкидлаганларим, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари борасида Олий суд томонидан билдирилётган фикр-мулоҳазаларнинг бугунги кунда энг зарурлари ва ўз имкониятларимиз доирасида амалга оширилиши мумкин бўлганлари холос. Албатта, улар ўта муҳим ва жиддий бўлганлиги сабабли жуда эътибор билан ўрганишни тақозо этади.

# ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ СУДЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА СУД АМАЛИЁТИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси судьялариининг 1999  
йил 27 ноябрда бўлиб ўтган анжумандаги маъруза

Муҳтарам ҳамкасблар!

Одил судлов ишини янада яхшилаш мақсадида республикамиз судьяларининг аксарият қисми билан ўтказилаётган бугунги анжуманда дийдор кўришиб турганлигимиздан мен жуда ҳам мамнунман!

Мустақил Ўзбекистонимиз ўзининг танлаган йўлидан собитқадамлик билан бориб, барча соҳаларда дунёга танилиб, илғор мамлакатлар сафидан ўрин олишга муносиблигини кўрсатмоқда, халқаро сиёсатдаги обрў-эътибори ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Шундай экан, илғор давлатнинг халқаро нуфузига муносиб равишда унинг мустақил суд ҳокимияти қонун устуворлигини тўла таъминланишига, адолат мезонининг барча ҳолатларда қатъий ўрнатилишига эришиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Албатта, мустақил, кучли ва адолатли суд ҳокимиятини қарор топтириш борасидаги чора-тадбирлар Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнининг ўзагини ташкил этиши шубҳасиздир. Зероки, фақат адолат барқарор бўлган жойдагина эзгу ва хайрли ишларни рўйёбга чиқариш ва кучли давлат муқаррар бўлиши мумкин бўлади. Шу боис, буюк бобокалонимизнинг тарих силсиласида сайқал топган

«Куч-адолатдадир» деган таъбирларини хурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов тўлалигича рўёбга чиқармоқда.

Шулардан келиб чиқиб, бугун биз сизлар билан адолатнинг бош мезони бўлган қонун устуворлигини таъминлашда одил судлов вазифалари нималардан иборатлигини яна бир бор эслатиш билан бирга, суд амалиётида юзага келаётган айрим муаммолар ҳамда уларни қандай бартараф қилишимиз кераклиги хусусида ўзаро фикр алмашиш мақсадида йиғилдик.

Ҳар қандай жиноий қилмиш учун жавобгарликнинг муқаррарлиги одил судловнинг бош тамойилларидан бирidir. Ана шу нуқтаи назардан содир этилган жиноятлар сони билан судланганлар сони ўзаро муносиб бўлмоғи лозим. Республикамизда бу аҳвол қаноатланарли даражада бормоқда.

1999 йил 1 январига қадар республикамизнинг 215 та туман (шаҳар) судларидаги жами 484 та судьялардан 391 та судья фаолият кўрсатган ва улар томонидан 1998 йилда, фуқаролик ва маъмурий ишлар қўшиб ҳисобланганда анчагина миқдорда иш ва материаллар ҳал этилганлигини кўриш мумкин.

Бу даврда вилоят ва унга тенглаштирилган судларда 226 та судьядан 182 та судья ишлаб, улар томонидан кўп миқдорда жиноят ва фуқаролик ишлари кўрилиб ҳал қилинди.

Рақамларга эътибор бериладиган бўлса, 1999 йилнинг 9 ойи мобайнида ҳар бир судьяга тўғри келадиган иш ҳажмининг ортганлиги кузатилади.

Мен республика судлари томонидан мазмунан кўриб, ҳал қилинган ишлар ҳажми тўғрисида қисқача тўхталиб ўтдим, лекин одил судловнинг самарадорлик ўлчови сон эмас, сифат эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу билан бирга муддат деб шошқалоқлик билан иш кўриш қасамёдимизга тўғри келмайди. Республикамизнинг бар-

ча судлари томонидан 1999 йил умумий судланганларга нисбатан ҳукмларнинг кассация ва назорат тартибида бекор қилиниши сезиларли даражада камайган. Бекор қилинган ҳукмлар сонининг камайганлиги сизларнинг самарали ишлаганларингдан деб биламан, аммо бу рақамни янада камайтириш учун масъулиятни кучайтириш лозим бўлади.

Бу албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан республикада одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли, амалий-назарий тадбирларнинг изчил амалга оширилаётганлиги ҳам бу ижобий ўзгаришларнинг асосий омилларидан бири дейилса хато бўлмайди.

Ана шу ишлар хусусида қисқача тўхталмоқчиман.

Жумладан, 1998 йилда Олий суд томонидан республикадаги барча судларнинг фаолияти амалий ёрдам бериш орқали тўла ҳажмда текшириб чиқилди. Суд ишларидаги хато ва камчиликлар бевосита жойларнинг ўзида салбий оқибатларнинг олди олингани ҳолда тезликда бартараф қилинди. Текшириш натижалари тааллуқли судьяларнинг иштирокида Олий суд Раёсатида бирма-бир муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва қуйи судларга йўлланма сифатида юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Адлия вазирлиги, Судьялар Ассоциацияси, Америка юристлар Ассоциацияси билан ҳамкорликда республиканинг барча вилоятларида суд амалиётидаги кўпгина долзарб масалалар юзасидан семинар машғулотлар ўтказилди ва ўтказилмоқда. Мазкур семинарларга республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, айниқса прокуратура ва ички ишлар органлари ходимларининг ҳам ўз ташаббуслари билан фаол иштирок этаётганлиги эътиборга молик ҳолатдир.

Сўнгги йилларда Олий суд Пленумининг қатор қарорлари қабул қилиндики, улар республикада одил суд-

ловни таъминлашда нафақат судлар, балки барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятининг дастуриламали бўлиб хизмат қилмоқда.

«Суд ҳокимияти тўғрисида», «Суд ҳукми тўғрисида», «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида», «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида», «Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги, жиноят ва фуқаролик-процессуал қонунчилиги, меҳнат муносабатларига доир қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги ўнлаб муҳим қарорлар шулар жумласидандир. Айниқса, «Суд ҳокимияти тўғрисида»ги Пленум қарорининг аҳамияти беқиёсдир. Ушбу қарор ҳамдўстлик давлатлари Олий судлари раҳбарлари томонидан ҳам юксак баҳоланди. Лекин мазкур қарорни одил судлов амалиётида ҳуқуқий қурол қилиб фойдаланишга ҳали бизнинг ўзимиз етарли эътибор бермаяпмиз.

Олий судда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари ва раҳбарларининг даврий малака оширишлари ташкил этилган бўлиб, у мунтазам амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида тўртта вилоят судининг раиси, еттита вилоят суди раисининг ўринбосарлари, учта ҳайъат раислари ва саккизта вилоят суди судьялари Олий судда ўз малакаларини оширдилар. Олий суд томонидан қонунчиликдаги ҳар битта янгилик ва ўзгаришлар, айниқса, амнистия актларини тўғри татбиқ этиш юзасидан тушунтиришлар ҳамда савол-жавоблар тарикасида тузиладиган таҳлилий хатларни қуйи судларга қўлланма сифатида зудлик билан юбориш одат тусига кирган.

Бундан ташқари, қуйи судлар фаолиятидаги мавжуд хато ва камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмаларни ўзида мужассамлаштирган хатлар ҳам ҳар ярим йиллик ва йил якуни бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судларга юборилади.

Олий судга йўлланган ташвишли шикоятлар юзаси-

дан жойларда текширишлар ўтказилиб, бундай шикоятларга асос бўлган ҳолатлар атрофлича ўрганилмоқда ҳамда таҳлил қилинмоқда.

Бугунги иқтисодий имкониятлар шароитида Олий суд Пленум қарорининг икки жилддан иборат алоҳида тўпламлар шаклида нашр этилганлиги ҳам суд амалиёти учун ниҳоятда зарур ва қадрли иш бўлганлигини эътироф этмоқчиман. Олий суд ўзининг қонун ташаббускорлиги Конституциявий ҳуқуқидан имкон даражасида самарали фойдаланиб келмоқда. Қонунларни демократлаштириш, инсонпарварлик ва одиллик ғояларига асосланган кўпдан-кўп таклифлар янги қонунларни қабул қилишда, мавжудларини эса ўзгартиришда тўлиқ инobatга олинган. Биргина мисол, жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича дастлаб Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги мажлисида муҳокама қилиниб, Олий Мажлисга тақдим этилган таклифлар асосида қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар туфайли жиноят қонунчилиги янада демократлашди, одил судловни таъминлаш имкониятлари кенгайди. Олий суднинг суд-ҳуқуқ ислоҳоти хусусидаги, жумладан, судларнинг тўла мустақиллигини таъминлаш, судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш тўғрисидаги кўплаб муҳим таклифлари ҳозирда ваколатли идоралар томонидан ўрганилмоқда ва улар ижобий ҳал бўлади, деган умиддамиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш комиссиясининг олиб бораётган фаолияти ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотлари бўйича энг долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилганки, у ўз самарасини кўрсатмасдан қолмайди.

Таъкидлаб ўтганларим Олий суд томонидан республика судларининг одил судловни амалга оширишдаги

фаолиятини мувофиқлаштириш борасида қилинаётган кенг кўламли ишларнинг айримлари, холос.

Лекин, мен Олий суднинг серқирра фаолияти тўғрисида кўп тўхталмоқчи эмасман. Унинг асосий жиҳатлари сизларга бусиз ҳам аён деб ўйлайман.

Айтилганлардан хулоса шуки, республикамиз судьялари, Олий суднинг бевосита ташаббускорлигида, бугунги кундаги мавжуд имкониятлар даражасида, тегишли маъмурий ҳужжатлар, амалий ва назарий қўлланмалар билан қуролланганлар, гап уларнинг моҳиятини чуқур англаб етиб, тўғри татбиқ этишда қолган, холос. Лекин, шундай тавсияларнинг борлигига қарамасдан айрим судьялар томонидан бир қараганда жуда жўн ва оддий, бироқ ниҳоятда қўпол хатоларга йўл қўйилаётганлиги ҳеч бир кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Шундай судьяларимиз борки, шахсни уч-тўртта мода билан айбли деб топиб, уларнинг барчаси билан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59-моддасига асосан ўлим жазосини белгилайди. Бундай судьянинг қандай қилиб судья деб аташ мумкин!? Шунга ўхшаган, судьялик шаънига ҳеч бир тўғри келмайдиган ишлар борки, уларга мен тўхталмоқчи эмасман. Бу тўғрида маърузачилар айтиб беради. Судьяларнинг давлат раҳбари - Президент томонидан лавозимларига тайинланишлари ва унинг тақдимномасига биноан Олий Мажлисда сайланишлари судьялик мақомининг нуфузини янада орттирди. «Судлар тўғрисида»ги Қонунда судьялар қасамёдининг матни берилган. Унга кўра, илк бор судьялик лавозимига тайинланган (сайланган)лар Олий суд Пленуми мажлисида тантанали қасамёд қиладилар. Суд этикаси қоидалари ўз моҳияти ва теранлиги билан бу касб соҳибларининг шукуҳини ифодаловчи ахлоқ кодекси бўлиб қолди.

Лекин, чуқур изтироб билан тан олиш керакки, баъзи бир судьяларимиз ўзларининг судьялик салоҳиятла-

рини ўрнига қўя олмаяптилар. Суд ҳокимиятининг қонунларда кафолатланган ваколатларидан тўла фойдалана олмаяптилар ва, энг ачинарлиси, суд этикаси қондаларига муносиб ахлоқий жиҳатларни ўзларида намоён этолмаяптилар, судьялик қасамёдига содиқ қола олмаяптилар.

Чунончи, 1998-1999 йиллар мобайнида одил судловни амалга оширишда йўл қўйган жиддий хато ва камчиликлари ҳамда қонунларни бузганлиги учун судьяларга нисбатан 319 та интизомий иш қўзғатилганлиги, 18 та судьянинг ваколати муддатидан илгари тугатилганлиги, 7 нафар судьянинг эса жиноий жавобгарликка тортилганлиги ниҳоятда ташвишли ҳолдир. Бундай нуқсонлардан ҳаммамиз сабоқ чиқармоғимиз керак.

Бугунги анжуманда ана шулар ва шунга ўхшаган бошқа муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳақидаги фикрларни муҳокама қилиш билан бирга одил судлов самарадорлигини оширишда биз судьялар қандай бўлишимиз кераклиги хусусида гаплашамиз. Ҳар бир судьяда судьялик этикасини сақлаш ва қасамёдга содиқ қолиш масъулиятини кучайтириш борасида, республикамизда қонун устуворлигини тўла таъминлаш ҳамда одил судловни адолатли ва бегараз амалга оширишга эришиш йўлида бугунги анжуманимиз ўзининг ижобий таъсирини беради, деган умиддаман.



# СУДЛАРНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг  
2000 йил 7 июлда бўлиб ўтган навбатдан  
ташқари Пленумидаги маъруза

Ҳурматли Пленум аъзолари ва меҳмонлар!

Маълумки, мустақил Республикамиз ўзининг танлаган йўлидан — бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини яратиш йўлидан оғишмай босқичма-босқич бориб, барча соҳаларда дунёга танилиб, илғор мамлакатлар сафидан ўрин олмоқда. Мамлакатимизнинг халқаро сиёсатдаги обрў-эътибори ва нуфузи ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Ҳудудий тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббус ва таклифлари бир қанча халқаро анжуманларда қабул қилинган ҳужжатларнинг асоси бўлмоқда.

Бугунги кунда халқ фаровонлиги ва турмуш тарзини кўтаришга қаратилган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Шу жумладан инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати сиёсатида адолатли суд тизимини шакллантириш борасидаги ислохотлар ҳам изчил амалга оширилмоқда ва суд ислохотларида давр талабидан келиб чиқиб янги йўналишлар кўзда тутилмоқда.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги каби суд ислохотларини чуқурлаштириш, унинг мазмун ва моҳиятини бойитишда Президентимиз И.А.Каримовнинг таклифлари дастуруламал бўлмоқда.

Муҳтарам Президентимиз томонидан тамал тоши қўйилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ўз моҳиятига кўра судни “жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга” айлантиришга ва аввало ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Президентимизнинг Олий Мажлисни қатор сессияларидаги нутқларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотини янада ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилди. Унинг асосига фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш ва кенгайтириш, суд тизимини демократлаштириш ва суднинг мавқеини ошириш ҳамда суд ислоҳотига оид бошқа масалалар қўйилди. Судловнинг одиллигини таъминловчи ҳуқуқий майдон — умуминсоний қадриятлар ва умум эътироф этган ҳуқуқ андозаларига асосланган, шаклан ва моҳиятан янги қонунчилик яратилди.

Шунингдек, ҳурматли Президентимиз жинойий ва фуқаролик ишларини ҳал этишнинг ўзига хос алоҳида жиҳатлари мавжудлигини, айнан бир судья томонидан ҳам жиноят ишини, ҳам фуқаролик ишини кўриш ўта мушкул масала эканлигини, барча касблардаги каби судьялик ҳам ихтисослашувни тақозо этишини жуда тўғри ёқлаб чиқдилар.

Президентимиз илгари сураётган гоё бу судьяларнинг ихтисослашуви бўлиб, у ўта муҳим ва зарурдир, чунки республикамиздаги барча қуйи судларда ҳам ихтисослашув ташкил этилса, ишларни кўриш сифати тубдан ижобий томонга ўзгаришига ишончим комил. Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоят судларида бундай ихтисослашув, яъни судьяларнинг лаёқатларига қараб жиноят ёки фуқаролик судлов ҳайъатларига тақсимланганлиги мавжуд деса бўлади. Бу судларда судьялар қайси ҳайъат таркибига кирсалар фа-

қат ўшанинг судловига тааллуқли ишларнигина кўрадилар. Қолган вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларда ҳам судлов ҳайъатлари расман ажратилган.

Жамиятимиз ҳаётида демократик жараёнларни чуқурлашиб бориши, фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ва билвосита қатнашувининг янада фаоллашгани, жамиятда юз бераётган салбий ҳодисаларга фуқаролар томонидан бефарқ қаралмасдан ўз муносабатларини билдириб боришлари, шунингдек ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган “ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш қафолатланади” — деган нормадан кенг фойдаланаётганликлари натижасида одил судловда фуқаролик ишларининг салмоғи ва миқдори йил сайин кўпайиб бормоқда.

Кейинги ўн йилдаги статистик маълумотларнинг таҳлили бунга мисол бўла олади. Агарда 1990 йилда туман ва шаҳар судларида жами 67.942 та фуқаролик ишлари кўрилган бўлса, 1999 йилда бу кўрсаткич 90.571 тани ташкил қилади. Яъни кейинги 9 йилда фуқаролик ишлари 22.700 тага ёки 25% га кўпайган.

Айни вақтда қуйи судлар томонидан қабул қилинган қарорларининг устидан тарафларнинг юқори судларга шикоятлари ҳам кўпайиб борган. Фақатгина Ўзбекистон Республикаси Олий судига келиб тушган шикоятлар 1990 йилдаги 2414 га нисбатан 1999 йилда 3253 тани ташкил этган.

Бунга сабаб фуқароларимизнинг ўзларини ҳақ-ҳуқуқларини кўпроқ тушуниб етиб, ҳимоя излаб судга қилаётган муурожаатлари бўлса керак.

Фуқаролик ишларини сифатли ва қонунда белгиланган муддатларда кўрилишда Республика судларида маъ-

лум ишлар амалга оширилган бўлсада, бу борадаги ишлар қонун талабиға жавоб бермайди.

1990-1999 йилларда умумий кўрилган фуқаролик ишларига нисбатан кассация ва назорат тартибида бекор қилинган суд қарорлари фоиз ҳисобида 4-5 фоизни ташкил этсада, бекор қилинган суд қарорларининг умумий сони кўпайиб бормоқда. 1990 йилда жами бўлиб кассация ва назорат тартибида 2524 та суд қарори бекор қилинган бўлса, 1999 йилда 2903 та суд қарорлари юқори судлар томонидан бекор қилинган.

Энг ачинарлиси шундаки, шикоят қилинган ҳар икки, учта фуқаролик ишидан биттаси кассация ва назорат инстанцияси томонидан бекор қилинмоқда.

Агарда, 1999 йилда вилоят судлари фуқаролик судлов ҳайъати томонидан кўрилган фуқаролик ишларининг сифатини таҳлил қиладиган бўлсак, бу юқорида айтилган фикримизнинг яққол далили бўлади.

Масалан, 1999 йилда Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан тарафларнинг шикояти асосида кўрилган ишлар бўйича 56 фоиз суд қарорлари бекор қилинган. Худди шунингдек, Фарғона, Самарқанд, Навоий ва бошқа вилоят судлари фуқаролик судлов ҳайъатларида кўрилган фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларининг 30-40 фоизи бекор қилинган, бу рақамлар кассация тартибида кўрилган ишларга нисбатан олинган.

Барчамизга маълумки, ишларнинг асосий қисми туман(шаҳар) судларида кўрилиб, мазмунан ҳал этилади. Юқорида қайд этилганидек, маълум сабабларга кўра ва судьяларимизнинг айнан бир ҳуқуқ соҳасини мукамал эгалламагани туфайли қонун талабларига мос бўлмаган ҳал қилув қарорлари чиқарилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунга мисол тариқасида қуйидаги ҳолатни келтириш мумкин. Олий судга назорат тартибида чақарилиб, ўрганилган ишларнинг аксарият қисми бўйича чиқарилган

суд қарорлари юзасидан протестлар келтирилаётгани бунинг тасдиғидир.

Масалан, Сурхондарё вилоятидаги судлар томонидан кўрилган ишлардан 1999 йилда 7 таси Олий судда назорат тартибида текширилганда, шулардан 5 тасига, Бухоро вилояти судларидан келган 7 ишдан 6 таси, Сирдарё вилояти судларидан келган 8 та ишнинг 6 таси, Наманган вилояти судларидан келган 11 та ишдан 7 таси бўйича қабул қилинган суд қарорларига нисбатан протестлар келтирилган. Худди шундай ҳолатни бошқа қатор вилоятлар судларида ҳам кузатиш мумкин.

1999 йилда Республикамиздаги туман (шаҳар) судларидан жами бўлиб, чақириб ўрганилган 199 та ишнинг 77 таси бўйича чиқарилган қарорлар устидан назорат тартибида протестлар келтирилган.

Умумлаштирув натижаларига қараганда, ариза ва шикоятларнинг аксариятида туман (шаҳар) судларида ҳал қилинган фуқаролик ишларини кўришда процессуал ёки моддий қонун нормаларига риоя этилмагани қайд этилган. Кўп ҳолларда ариза ва шикоятларда келтирилган важлар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Сифатнинг шундай бўлишига айрим объектив ва субъектив сабаблар бўлиши билан бирга асосий сабаблардан бири ихтисослаштиришнинг таъминланмаганлигидир деб биламан.

Шуни таъкидлаш керакки, вилоят ва унга тенглаштирилган судларда фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати мавжуд бўлсада, бу ҳайъат судьяларининг бор-йўқлиги сезилмайди, чунки фуқаролик ишларини чуқур, мукамал эгаллаган судьяларимиз жойларда йўқ. Шу сабабли ҳам судьялар айрим масалалар бўйича вилоят судьяларидан етарли тушунтириш ололмай Олий судга мурожаат этмоқдалар, ана шуларнинг ўзи ҳам жойларда судьяларимизни ихтисослашмаганлигини кўрсатади.

Ҳуқуқ соҳалари бўйича етарли тажриба ва малакага

эга бўлмаган судьялар томонидан кўрилган ишлар юзасидан қабул қилинган суд қарорларида кўплаб хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шу сабабли ҳам кўплаб ишлар бир неча йиллар давомида кўрилмоқда ва ўзининг қонуний ечимини топмай, сансоларликка йўл қўйилмоқда.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг маърузаларидан келиб чиққан ҳолда ихтисослаштириш масаласи қатъий қонунлаштирилса, кўпгина муаммолар ва чигалликларни ечган бўламиз деб ўйлайман.

Ҳозирда фақат Тошкент шаҳридаги судларда узоқ вақт ўз қонуний ечимини топмаган 40 дан ошиқ фуқаролик ишлари бўлиб, улар бўйича бир неча бор турли қарорлар чиқарилган. Бу ишларни ўрганиш натижаси кўрсатадики, мураккаб турдаги низоларни ҳал қилишга ҳали етарли малакаси бўлмаган, шу билан бирга жиноят ва маъмурий ишларни кўриб келган судьялар томонидан бу низолар кўрилиб, ҳал қилиниши натижасида улар бўйича қабул қилинган суд қарорларининг бекор бўлишига олиб келмоқда. Хуллас, бу масалада ҳам, “чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин” деган ажойиб мақолга эътибор беришимиз керак экан.

Масалан, даъвогар О.Бетовни жавобгар Л.Санжаровага нисбатан васият бўйича мол-мулкни қайтариб олиш ҳақидаги даъвоси бўйича фуқаролик иши 1994 йил 10 майда Ҳамза туман судида қўзғатилган бўлиб, шу масалада ихтисослашмаган судья томонидан бир неча марта кўрилган, суд қарорлари бекор бўлавергач, 2000 йил январда Тошкент шаҳар судининг иш юритувига қабул қилинган.

Даъвогар Н.Норматовнинг жавобгар Ш.Исломова, И.Музаффаровларга нисбатан уйни бўлиш, уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш бўйича даъвоси юзасидан фуқаролик иши Сирғали туман судида 1995 йил 17 майдан бери бир неча бор кўрилиб, ҳануз ўз ечимини топмаган.

Самарқанд шаҳар судида 1995 йилдан бери кўрилиб келинган М.Жўраевани жавобгар БМТ “Спутник” ва Х.Қаюмовларга нисбатан дўконни бузиш ва ҳокимият қарорини бекор қилиш тўғрисидаги фуқаролик иши ҳам малакали ҳал қилинмаганлиги сабабли қайта-қайта кўрилиб, аризачиларнинг ҳақли эътирозларига учрамоқда.

Ишларни бундай малакасиз ҳал қилишга йўл қўйилишини барча қўйи судларда кузатиш мумкин.

Ушбу Пленумга тайёрланиш арафасида 20дан ортиқ ривожланган давлатларнинг суд тизимидаги ихтисослаштириш жараёнлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш шуни кўрсатдики, кўпгина давлатларда ихтисослаштириш нафақат жиноят, фуқаролик маъмурий ишларга тааллуқли бўлмасдан, балки фуқаролик ишларининг тоифаларига қараб ҳам ихтисослаштирилган. Масалан оилавий низо-лар бўйича судлар, меҳнат низолари бўйича судлар, ме-рос масаласида келиб чиқадиган низолар бўйича суд-ларга ихтисослаштирилганини кузатишимиз мумкин.

Судларнинг ихтисослашуви ҳар қайси давлатда ҳам суд қарорларининг сифатини кўтариб, ортиқча расмийлик ва сансоларликка барҳам берганлигига биз ҳам ишонч ҳосил қилдик.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар ҳақли равишда суд-ларда ихтисослаштириш масаласи пишиб етилганлиги-ни ва бу ўта зарур эканлигини тақозо қилмоқда.

Ўзларингизга маълумки, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбе-кистон Республикаси Қонунининг 12 ва 27-моддаларида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ва вилоят судларида ишлар фу-қаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва жиноят иш-лари бўйича судлов ҳайъатида кўрилиши белгиланган, яъни юқори судларда маълум маънода ихтисослаштириш қонун билан мустаҳкамланган.

Лекин аксарият фуқаролик ишлари туман ва шаҳар судларида кўрилатганлигига қарамасдан қўйи судларда

ихтисослаштирувнинг йўқлиги, юқорида кўрсатилганидек, суд қарорларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳурматли касбдошлар! Умуман олганда, судларда кўриладиган ишлар соҳаларга қараб ихтисослаштирилиб берилса, бу нафақат судларга мурожаат қилиш учун фуқароларимизга қулайлик туғилади, балки касб маҳоратига эга бўлган ҳақиқий ихтисослашган судларга эга бўламиз деб ўйлайман. Сизларга маълумки, маъмурий ишларни кўрувчи судьялар қонунда кўрсатилган, бу масалада ҳам муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис сессияларидан бирида ҳанузгача ташкил этилмаганлиги ҳақида гапирган эдилар. Аслини олганда бу масала ҳам ихтисослаштиришга қаратилган эди.

Шунинг учун бу масалани бугунги Пленумда атрофлича муҳокама қилиб вилоят судларининг раислари, уларнинг фуқаролик ишлари бўйича ўринбосарлари, Пленум ишида қатнашаётган бошқа ҳуқуқшуносларимиз ўзларининг фикрлари билан ўртоқлашиб, айнан ихтисослашиш масаласида Пленум қарорини қабул қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайман.



# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАШ СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва  
Олий ҳўжалик судининг 2000 йил 28 апрелда  
бўлиб ўтган кўшма Пленумидаги маъруза

Муҳтарам Пленум аъзолари ва қатнашчилари!

Президентимиз И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаларида таъкидлаганларидек: “Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликини ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади”.

Бунга иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига, айниқса тадбиркорликка, хусусий бизнестга, деҳқон-фермер ҳўжаликларига кўпроқ эркинлик бериш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, бу борада “...тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратиш” орқали эришилади.

Шу боис суд органларидан мулкдорлар синфи, энг аввало, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳал қилувчи мавқени эгаллаш талаб этилади.

Президентимиз 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ва-

зирлар Маҳкамаси мажлисида эътироф этганларидек: “...бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини қонунсизликдан ҳимоя қилиш фавқулодда муҳим вазифа бўлиб турибди”.

Ушбу масалада сезиларли ижобий ўзгаришлар қилинди. Судлар тадбиркорлик фаолиятига дахлдор низоларни ҳал этишга, жиноят ишларини кўришга алоҳида маъсулият билан ёндошмоқдалар.

Аммо, бу борадаги суд амалиёти республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар талабига тўлиқ жавоб беради деб бўлмайди.

Президентимизнинг “Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига, аввало, маъмурий рэкет, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни “устингдан жиноий иш қўзғатаман” деб қўрқитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда. Аниқланган ҳар бир ғайриқонуний бундай хатти-ҳаракат фавқулодда ҳодиса сифатида баҳоланиши ва жиддий кўриб чиқилиши керак” деган ниҳоятда ҳаққоний фикрлари тадбиркорлик соҳасидаги одил судлов самарадорлигини белгилашда асосий мезон бўлиши керак.

Олий суд Пленуми икки йил муқаддам қабул қилган “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги қароридан судларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ҳуқуқни татбиқ этувчи органларнинг эътиборини иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларни бузиш жамият учун жиддий хавф туғдиришини, бозор муносабатларининг қонуний тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилишини, фуқаролар ўртасида қонунларнинг нуфузига путур етказишини эътиборга олган ҳолда бу қонунларга оғишмай амал қилиш зарурлигига қаратган эди. Бироқ суд амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатади-

ки, мазкур Пленум қарорида берилган муҳим ва долзарб раҳбарий тушунтиришлар муайян ишларни ҳал этишда ҳануз лозим даражада инобатга олинмаяпти.

Судлар қонунларга зид бўлган ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклайдиган идоравий меъёрий ҳужжатлар, низом ва кўрсатмаларни қонунчиликдан устун кўриш, шунингдек, мансабдор шахсларнинг тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашуви, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини, деҳқон-фермер ҳўжалиklarини, якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатга олишни қонунсиз рад этиш, тадбиркорларнинг ариза ва шикоятларини ўз муддатида кўрмаслик ва улар бўйича қарор қабул қилмаслик ҳолатларига қонуний муносабат билдирмаяптилар, кишиларда тадбиркорликка нисбатан ташаббус ва иштиёқнинг сўнишига сабаб бўлган айбдор мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласини муҳокама қилмаяптилар. Ваҳоланки, муҳтарам Президентимиз такрор ва такрор уқтираётганларидек, кишилардаги ташаббусни, шижоатни сўндириш бу ўтакетган қабиҳликдир.

Муайян ишларни ўрганиш натижалари аслида маъмурий ҳуқуқбузарликдан бошқа нарса бўлмаган хатти-ҳаракатлар учун ҳам судлар томонидан айблов ҳукми чиқарилганлик ҳолатлари мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, умумий мол-мулк негизида амалга оширилган оилавий тадбиркорликни, яъни масалан бозордан хомашё харид қилиш йўли билан миллий таомларни, ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаб сотган эр-хотиннинг хатти-ҳаракатларини бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шуғулланиш, ёинки савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш жиноятлари сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 188-моддаси 2-қисми “в” банди ва 189-моддаси 2-қисми “б” банди билан тавсифланган-

лигини қандай тушуниш мумкин?! Ваҳоланки, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик ҳам якка тартибдаги тадбиркорлик турига киради. Рўйхатдан ўтказилмай амалга оширилган бундай фаолиятни тадбиркорлик билан шуғулланиш тартибини бузиш ҳуқуқбузарлиги сифатида баҳолаб, айбдор шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 176-моддаси билан маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган тақдирдагина жиноий жавобгарликка асос бўлиши мумкинлигини англаб етмаган судьядан, у қонун устуворлигини таъминламоқда деб бўладими? Лекин кўрсатиб ўтилган ҳолатда эр-хотиннинг биргаликдаги фаолиятини жиноий тил бириктириш сифатида баҳолаш, ва ҳаттоки, эр-хотин иш муомаласида вояга етмаган фарзандлари меҳнатидан ҳам фойдаланган бўлсалар, уларни вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этганликда ҳам айблаш мутлақо нотўғридир. Бугунги кунда биргина Тошкент шаҳар судининг ўзида юздан ортиқ жиноят иши юзасидан чиқарилган айблов ҳукмлари ана шундай асосларга кўра назорат тартибида бекор қилиниб, ишлар ҳаракатдан тугатилди деган хабар олинди. Албатта, балки мазкур шахсларни мутлақо айбсиз ҳисоблаб бўлмас. Лекин улар қонунни бузганликлари учун жиноий эмас, дастлаб маъмурий жавобгарликка тортилишлари керак эди.

Жиноят кодексининг 41-моддасида қайд этилганидек, ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди. Қонунга мувофиқ тадбиркорлик ҳам таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган та-

шаббускор фаолият бўлгани сабабли жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этишда тадбиркорнинг таваккалчилиги асосли ёки асоссиз қилинганлиги, ўзгалар ҳуқуқи ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилган ёки етказилмаганлиги ҳолатлари аниқланиши лозим бўлади.

Аммо, суд амалиётида баъзан ўзганинг мулкини талон-торож этишни, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмом қилишни нотўғри тавсифлаш, аслида фуқаровий тартибда ҳал этилиши лозим бўлган ҳўжалик низолари юзасидан ҳам асоссиз жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Мисол учун, Самарқанд вилояти, Қўшработ туманидаги “Полвон” хусусий кичик корхонаси раҳбари Ярлақаб Искандарович Худойбердиев вилоят “Бизнес-фонд” бошқармасидан олган мақсадли кредитни муддатида қайтармаганлиги учун Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан мол-мулки мусодара этилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган, эҳтиёт чораси ўзгартирилиб суд залидан ҳибсга олинган. Кредит шартномасига кўра “Бизнес-фонд” кредит маблағини кичик корхонага икки босқичда бериши лозим бўлган. Корхонанинг иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолишига иккинчи босқичдаги кредит маблағининг шартномада белгиланган муддатидан бир йил кечиктириб берилгани сабаб бўлганига, жиноят иши қўзғатилганидан тўрт кун ўтиб, яъни 1999 йил 6 апрелда Я.Худойбердиев кредитни устамалари билан бирга 381.250 сўм қилиб тўлиқ қайтарганига, “Бизнес-фонд” томонидан ҳеч қандай талабнома ёки ҳўжалик судига даъво аризаси берилмаганига, Я.Худойбердиев кредитни бизнес-режага мувофиқ ишлатиб, бирон-бир тарздаги суиистеъмомликка йўл қўймаганига қарамасдан, суд 1999 йил 29 июлда айблов ҳукми чиқарган. Самарқанд вилоят судининг Раёсати ишни 2000 йил 2 мартда назорат тартибида кўриб, суднинг амнис-

тия актларини қўллашда йўл қўйган хатосини тузатгунга қадар Я.Худойбердиев озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган. Ҳозирги кунда мазкур иш Олий судга чақиртирилиб, суд қарорларининг қонунийлиги ўрганилмоқда.

Қонунсиз кредитлар бериш ва уларни ўз муддатида қайтармаганлик ҳақидаги ишлар бўйича ҳам ягона суд амалиёти мавжуд эмас.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонун назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслигини кафолатловчи зарур механизмларни ўзида ифодалайди. Хусусан, мазкур Қонун текширишларни ўтказиш асосларини, даврийлигини, муддатларини қатъий белгилаб берган. Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун фақат кўзғатилган жиноят ишининг мавжудлигигина асос бўлади. Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонунчилик бузилишини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва фақат муайян камчиликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларнигина кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлигидан тадбиркорлик субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашиб ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг қарорига асосангина ўтказилади.

Мен тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бу қонуний кафолатларига алоҳида тўхталиб ўтаётганим бежиз эмас, албатта. Чунки, бугунги Пленумга ўз низом-

ларида тадбиркорларни қонунсизликдан ҳимоя қилишни бош мақсад қилиб белгилаган тадбиркорлар жамоат ташкилотларининг вакиллари таклиф этилган. Гапимнинг маъноси шуки, нега улар тадбиркорларга нисбатан содир этилган қонунсизликлар тўғрисида тегишли ваколатли идораларни вақтида огоҳ қилмаяптилар, ҳақсизликлар ҳақида бонг урмаяптилар?! Муҳтарам Президентимизнинг жонкуярликлари туфайли тадбиркорлар ҳимояси масаласини давлат даражасига кўтарилганига қадар нега улар қўл қовуштириб ўтирдилар?! Ахир, бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий воситалар мавжуд-ку! Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига ва “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 1,3-моддаларига мувофиқ давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 4-бобида ҳам жамоат бирлашмалари, жамоалар ва улар вакилларининг жиноят ишини юртишда иштирок этишларини кафолатловчи қоидалар мавжуд. Судлар бу борада қонун устуворлигини таъминлашга доимо тайёрлар деб комил ишонч билан айта оламан.

Шунингдек, мен тадбиркорларга етказдилар деган мақсадда уларнинг вакиллари эътиборини бугунги Пленум муҳокамасига киритилган қўшма қарор лойиҳасида тадбиркорларга етказилган зарарни ундириш масаласида берилган раҳбарий тушунтиришларга қаратмоқчиман. Жумладан, қарор лойиҳасида тадбиркорда унинг фаолиятига қонунсиз аралашув оқибатида етказилган моддий зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани ҳамда маънавий зарарни ундириб олиш ҳуқуқи пайдо бўли-

ши, айбдорнинг жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортилганлиги уни зарарни тўлаш мажбуриятидан озод этмаслиги, маънавий зарар қопланиши лозим бўлган моддий зарарга боғлиқ бўлмаган ҳолда ундирилиши, маънавий зарарнинг миқдори ҳар бир муайян ҳолатда суд томонидан белгиланиши, тўланадиган зарарнинг миқдорини белгилашда суд ақлга мувофиқлик ва одиллик тамойилларига қатъий риоя этиши лозимлиги кўрсатилган. Маънавий зарар хусусида бугун Олий суд Пленумининг алоҳида қарори лойиҳаси ҳам муҳокама қилинади.

Албатта, ҳаётда сохта тадбиркорлар, тадбиркорлик ниқоби остида ўзгалар мулкани талон-торож этишни мақсад қилиб қўйганлар, фирибгарлар, солиқ тўловлари ёки бошқа иқтисодий мажбуриятларини бажармаслик мақсадида ўзини банкротга учраган қилиб кўрсатувчилар, иқтисодий рақобатга тантилارча дош беролмагани учун фирромлик қилиб, тадбиркорни обрўсизлантирмоқчи бўладиганлар ва, умуман, барча соҳаларда бўлгани каби тадбиркорликда ҳам нопок ва қаллоб шахслар учраб туриши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис, бугун муҳокама этиладиган қўшма Пленум қарори лойиҳаси нафақат тадбиркорларни қонунсизликдан ҳимоялаш, балки тадбиркорларнинг ўзлари томонидан қонун бузилиши ҳолатлари содир этилганда уларнинг жавобгарлик масаласини ҳам қонуний ҳал этиш бўйича зарур тушунтиришлар бериш нуқтаи назари асосида тайёрланган. Чунки, адолат ҳар қандай ҳолда ҳам ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатига зиён етказилмаслигини талаб этади.

Эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалардан яна бири, бу Олий суд томонидан кўрсатмалар берилганига қарамасдан судлар ҳанузгача самарали эҳтиёт чораси ҳисобланувчи гаровнинг аҳамиятини қадрламаяптилар. Шунингдек, етказилган зарарнинг қопланганлиги жа-



вобгарликни енгиллаштирувчи алоҳида ҳолат эканлиги тўла инобатга олинмаяпти.

Суд ишларидаги хатоликларга алоҳида урғу берганлигим, бу одил судлов аҳволи ёмон деганим эмас. Кейинги пайтларда судлар томонидан амалга оширилган ишларнинг қай даражада самарали бўлганлигини рақамлар миносида кўрсатиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги “9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Фармони ижро қилиш, Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги “Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида”ги қарори дастурий кўрсатмаларига оғишмай амал қилиш, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунини амалиётга татбиқ этиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш жараёнида 2000 йилнинг 1 апрел кунига қадарли Олий суд ва қуйи судлар томонидан 8140 та шахс озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро қилиш муассасаларидан озод этилдилар. Фақатгина Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги қарорини амалиётга татбиқ қилиш учун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги Қонунини Жиноят кодексининг 13-моддасига ва Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддасига асосан мувофиқлаштириш учун вилоят судлари ва Олий суд томонидан 4368 та шахсга нисбатан жиноят ишлари ўрганиб чиқилди. Натижада 3085 та шахсга нисбатан чиқарилган ҳукмлар янги Қонун талабларига мувофиқлаштирилди, шундан 2698 та шахсга нисбатан суд томонидан тайинланган жазолар камайтирилди, 547 та шахс қамоқ жойларидан озод қилинди.

Бундан ташқари, жазони ижро этиш жойларидан олинган ҳужжатларга асосан 1655 та шахсга нисбатан

тайинланган жазолар Жиноят кодексининг 74-моддасига мувофиқ енгилроқ жазоларга алмаштирилди, 3013 та шахс Жиноят кодексининг 73-моддасига биноан жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиндилар.

Ҳозирги кунда Олий судга қуйи судлар томонидан кўрилган 2000 дан ортиқ жиноят ишлари ўрганиб чиқиш учун чақиртирилган ва улар бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлиги назорат тартибида текширилмоқда.

Инсонпарварлик тамойилига асосланган мазкур тадбирларнинг амалга оширилишида Республика прокуратураси раҳбарияти томонидан ҳам адолат йўлидаги мақсадларимизга қонуний ёндошиш бўлаётганлигини чуқур мамнуният билан эътироф этмоқчиман.

Албатта, адолат йўлида эришилган ижобий натижалар, қилинаётган эзгу ва хайрли ишлар бу ўзимизники. Аммо, модомики, суд ишида лоақал биргина хатолик мавжуд экан, хотиржамликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Зеро, судьялик қасамёди, касбимиз масъулияти ва шарафи, бурчимиз муқаддаслиги ҳамда халқимизнинг бизга бўлган ишончи фақат шундай йўл тутишимизни тақозо этади. Бугунги Пленум ишининг бош мақсади ҳам шундан иборат. Қабул қилинадиган қўшма қароримиз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш юзасидан одил судлов самарадорлигини янги сифат даражасига кўтаришга, пировард натижада Ватанимиз тараққиётига, унинг иқтисодий салоҳияти юксалишига, халқ фарвонлигига олиб келувчи омил бўлади деган умиддаман!

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

2000 йил 15 сентябрда бўлиб ўтган  
Олий суд Пленумидаги маъруза

Ҳурматли Пленум аъзолари ва меҳмонлар!

Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги бугунги ёш авлод — азиз фарзандларимизнинг маънавий қиёфасига, уларнинг жисмоний камолоти ва ахлоқий поклигининг даражасига ҳам бевосита, ҳам билвосита боғлиқдир. Шу боис ёшлар тарбияси масаласи республикамиз истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида белгиланди. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши, ёш кадрларни тарбиялаш юзасидан миллий дастурнинг ишлаб чиқилиши, энг биринчи давлат мукофотларидан бири сифатида “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилиши фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Муҳтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг республикамизда “Соғлом авлод” йили деб эълон қилинганлиги ва белгиланган Дастур асосида кенг кўламли тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги ҳам давлатимизнинг ёшларга бўлган умидли муносабати нечоғлик жиддийлигидан далолат беради.

Республика Олий суди, аввалдан бўлгани каби, давлат сиёсатига муштарак ҳолда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари бўйича суд амалиётини ўрганиб, бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва одил судлов самарадорлигини оширишга кўмак берувчи дастурий тушунтиришлар иш-

лаб чиқишни ўзининг бу йилги иш режасига киритган эди. Бугун Сизлар билан ана шу режа натижаси бўйича тегишли фикр-мулоҳазалар юритиш учун тўпланганмиз.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича суд амалиёти асосан тўғри йўлга қўйилган, судлар томонидан мазкур тоифадаги жиноят ишлари бўйича қонуний, асосли ва адолатли суд қарорлари чиқарилмоқда. Шунинг билан биргаликда, суд ишларида баъзи бир хато ва камчиликлар ҳам учрайдики, улар бизнинг хотиржамликка берилишимизга асло йўл қўймайди, балки аксинча, чуқур бош қотириб жиддий мулоҳаза қилишга ундайди.

Хўш, бу нималарда ифодаланади?

Тиббиётнинг асосий тамойилларидан бири бу касални даволаш эмас, балки касалликка қарши кураш, унинг олдини олиш бўлгани каби жамият учун жирканч иллат — жузъий маънодаги маънавий касаллик саналмиш жиноятчиликнинг олдини олиш ҳуқуқий демократик давлатнинг биринчи галдаги вазифаларидандир.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, республика бўйича умумий содир этилган жиноятлар сони 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 0,49 фоизга, шундан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 12,15 фоизга камайган.

Республика бўйича 1998 йилда умумий судланганларнинг 3,8 фоизини, 1999 йилда умумий судланганларнинг 3,4 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Таққослаганда ҳам, ҳар юз минг аҳоли сонига нисбатан жами судланганлар миқдори бошқа чет эл, шу жумладан, ҳамдўстлик давлатлари орасида энг ками ҳисобланади. Лекин, биз жиноятчиликнинг ёшаришига умуман йўл қўймаслигимиз керак.

Судлар томонидан вояга етмаганларга доир жиноят

ишлари юзасидан жиноятнинг сабабларини ва унинг содир' этилишига имкон берган шарт-шароитларни бар- тараф қилиш тўғрисидаги хусусий ажримларнинг жуда кам чиқарилаётганлиги, чиқарилганлари ҳам номига- гина бўлганлиги боис таъсирсиз эканлигини таъкидла- моқчиман. Масалан, 1999 йилда туман-шаҳар судлари томонидан ҳукм чиқариш йўли билан тугалланган жами жиноят ишларидан фақат 17,3 фоизи, 2000 йилнинг би- ринчи ярим йилида 14,9 фоизи бўйичагина хусусий аж- римлар чиқарилган.

Ваҳоланки, аксарият ва, айниқса, вояга етмаганлар- га доир жиноят ишлари бўйича хусусий ажримлар чи- қариш учун асослар ҳамма вақт ҳам мавжуд бўлади. Би- нобарин, 1999 йилда судланган жами вояга етмагандан 33,2 фоизи ҳеч қаерда ўқимаган ва ишламаган шахслар, 21,6 фоизи оилада отасиз ёки онасиз тарбияланганлар, 5,7 фоизи жиноят содир этгунга қадар ички ишлар идо- ралари ҳисобида турганлар бўлиб, 9,0 фоизи маст ҳолда жиноят содир этганлиги ҳам хусусий ажримларни ҳар бир вояга етмаганнинг иши юзасидан чиқариш зарура- ти мавжудлигини кўрсатади. Масалан, Сирдарё вилоят Янгиер шаҳрида истиқомат қилган, ҳеч қаерда ишла- май мунтазам равишда ичкилик билан шуғулланиб кел- ган, қарамоғида 6 нафар вояга етмаган фарзандлари бўлган С.Шомансурова фарзандлари тарбияси ва таъ- миноти билан қизиқмаганлиги сабабли унинг 4 нафар вояга етмаган фарзанди бирин- кетин жиноятлар содир этиб судланган.

Вояга етмаган Шомансуровлар биринчи бор судлан- ганларида судлар уларга нисбатан шартли ҳукмлар чи- қариб, синов муддатлари белгиллаган ҳолда хулқларини назорат қилишни Янгиер шаҳар Ички ишлар бўлими- нинг вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекциясига ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи мах- сус комиссияга юклаган бўлсада, мазкур органлар то-

монидан ҳукмларнинг ижроси лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида ака-укалар қайтадан яна бир нечта жиноятлар содир этганлар. Лекин, ушбу органларнинг лоқайдлигига, тегишли масъул шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликларига ҳеч қандай муносабат билдирилмаган, уларнинг лоақал интизомий жавобгарлиги масаласи муҳокама қилинмаган. Судлар бу каби ҳолатларга тегишли қонуний чоралар кўрмасликлари асло мумкин эмас.

Шунингдек, судлар Жиноят-процессуал кодексининг 551 ва 562-моддаларига мувофиқ, вояга етмаганларга доир жиноят ишларини кўришда уларнинг ота-оналари, ота-она ўрнини босувчи шахсларни, васий ва ҳомийсини, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхона, муассаса, ташкилот, вояга етмаганларнинг иши билан шуғулланувчи комиссия, зарур бўлса, бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам суд мажлисига албатта чақириб, айнан улар вояга етмаганларнинг хулқи учун масъул ва жавобгар эканликларини уқтирсалар ҳамда аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб уларга нисбатан суд таъсир чораларини кенгроқ қўлласалар бу ўзининг ижобий натижасини берган бўлар эди.

Суд хусусий ажримининг салоҳияти жуда баланд ва масъулиятли бўлиши керак.

Шунинг билан биргаликда, хусусий ажримлар чиқаришда ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади. Қонун талабига кўра ошкор этилиши мумкин бўлмаган жиноят тафсилотлари юзасидан ҳам хусусий ажримлар чиқарилиб оммалаштирилганлигини қандай баҳоласа бўлади?! Жумладан, Андижон вилояти Шаҳрихон туман ва Шаҳрихон шаҳар судларида кўрилиб, Жиноят кодексининг 119-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган вояга етмаганларга доир жиноят ишлари, гарчанд қонун талабига риоя этилган ҳолда ёпиқ суд мажлисида кўрилган бўлсада, судлар жабрланув-

чиларнинг ор-номуси, шаъни ва қадр-қимматини камситувчи маълумотларни ошкор қилувчи хусусий ажримлар чиқариб, уларни муҳокама этиш учун фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига юборганлар. Бунинг оқибатида жиноятдан жабр кўриб, оғир изтиробга қолган вояга етмаганларнинг ва уларнинг ота-оналарини янада азият чекишларига айрим судьяларимиз нега бефарқ қарайдилар?!

Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш бўйича суд амалиёти кўпроқ инсонпарварлик ва одиллик таъмойларига асосланишини тақозо этмоқда.

Республика Олий судининг бу борадаги тадбирлари ўз самарасини бераётганлигини эътироф этмоқчиман. Жумладан, агар 1998 йилда жами судланган вояга етмагандан 56,4 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилган бўлса, Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги “Жиноий жазо чораларини қўллаш бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар ҳақида”ги қароридан жиддий раҳбарий тушунтиришлар берилганидан кейин аҳвол анча ижобийлашгани, яъни 1999 йилда жами судланган вояга етмаганлардан 42,5 фоизига, 2000 йилнинг биринчи ярим йилида 34,9 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганлиги ҳамда 2000 йилнинг биринчи ярмида қасддан одам ўлдириш жинояти бўйича судланганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 бараварга, номусга тегиш жинояти бўйича 2 бараварга, босқинчилик жинояти бўйича 2,5 бараварга камайганлиги яхши кўрсаткичдир.

Судланган вояга етмаганлар умумий сонига таққослаганда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллаш кўрсаткичи кейинги йилларда нисбатан камайиш сари юз тутган бўлсада, аммо баъзи бир муайян жиноят ишлари бўйича жиноий қилмишларнинг нотўғри квалификация қилиниши оқибатида бундай жазо ту-

рининг асоссиз татбиқ этилишидан, шунингдек, адолатсизлиги рўй-рост кўриниб турган жазолар тайинланишидан ҳамон халос бўлинмаётганлиги ташвишли ҳолдир.

Суд амалиётини ўрганиш натижалари вояга етмаган судланувчиларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имкониятининг бор-йўқлигини, шунингдек, жиноят қонуни санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони қўллаш масаласини муҳокама қилмаслик ва ана шундай жазоларни тайинлаш учун етарли асослар мавжуд бўлсада уларни қўлламаслик ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди.

Масалан, Яккасарой туман судининг ҳукми билан вояга етмаган Ф.Г.Асқарходжаев Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан 20 шиша сувни ўғирлаганликда айбдор деб топилиб шу кодекснинг 57-моддаси қўлланилиб 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Суд Ф.Г.Асқарходжаевга унинг шахсини ва қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини, жумладан вояга етмаганлигини, муқаддам судланмаганлигини, талон-торож қилинган мулк миқдорининг жуда камлигини, зарарнинг мавжуд эмаслигини, айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини ва ишнинг жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларини инобатга олмасдан адолатсиз жазо тайинлаганлиги сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилди ва унинг қамоқда ўтирган муддати инобатга олиниб жазодан озод қилинди. Савол туғилади - бу ишда раислик қилган судьяга қандай баҳо бериш керак, нега айрим пайтда енгил жазо тайинлаган деб судьяни интизомий жазога тортамиз-у, мана бундай, ишга бефарқ қараб, ўспиринни қамоқда сақлаганлиги учун жазоламаймиз?! Энди бундайлар ҳам жазоланадилар.



Бошқа бир мисол, Мирзо Улугбек туман судининг ҳукми билан 1984 йил 8 апрелда туғилган, вояга етмаган М.Р.Назарчаев ва 1984 йил 23 октябрда туғилган Ш.А.Умурзоқовлар жами 6000 сўмлик 6 та товуқни ўғрилаганликлари учун уларнинг ҳар бири 6 йилдан озодликдан маҳрум қилиниб, амнистия акти асосида жазодан озод қилинганлар. Нима бу судьянинг жазони мақсадга мувофиқ белгилашга ақли етмайдими? Яхшиямки, Президентимиз томонидан чиқарилган амнистия акти бор экан, бўлмаса ҳар иккаласи ҳам 6 йилга озодликдан маҳрум этилиб кетардилар.

Суд товуқхонадан товуқ ўғрилаш Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноят таркибини ташкил этмаслигини, шунингдек М.Р.Назарчаев муқаддам содир этган ўғрилик жинояти учун амнистия акти асосида жазодан озод қилинганлигини, суд томонидан жазодан озод қилинган шахс эса Жиноят кодексининг 77-моддасига кўра судланмаган ҳисобланиб, бу ҳолат ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат туғдирмаслигини инобатга олмасдан унинг жиноий қилмишларини асоссиз равишда хавfli рецидив жинояти сифатида квалификация қилганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавfliлик даражаси ва айбдорнинг шахсига номувофиқ жазо тайинлаганлиги учун Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати М.Р.Назарчаев ва Ш.Умурзоқовларнинг жиноий қилмишларини Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “в” бандига қайта квалификация қилиб, мақсадга мувофиқ жазо тайинлади.

Судлар томонидан вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 85 ва 86-моддалари талабларини етарли равишда тушунмаслик ҳолатлари мавжуд. Чунончи, баъзи жиноят ишлари бўйича вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 85-моддасига асосланишнинг ўзи етарли бўли-

шига, яъни қонунда вояга етмаганларга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш бўйича алоҳида чекловлар мавжудлигига қарамасдан, судлар зарурат бўлмагани ҳолда Жиноят кодексининг 57-моддасини ҳам татбиқ этганлар. Шунингдек, ана шундай асосларга кўра куйи суд қарорларининг бекор қилинганлиги билан мутлақо келишиб бўлмайди. Масалан, Юнусобод туман судининг ҳукмига биноан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан айбдор деб топilib, Жиноят кодексининг 85-моддаси қўлланилган ҳолда 2 йилга озодликдан маҳрум этилган, 1983 йил 9 октябрда туғилган Р.Р.Лебедевга нисбатан чиқарилган ҳукм прокурорнинг протести асосида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан, суд ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 85-моддасидан ташқари 57-моддасини ҳам татбиқ этмаганлиги ҳақидаги ногўфри ваз билан асоссиз равишда бекор қилинган. Бу каби хатоликларни бартараф этиш мақсадида бугунги Пленум қарорининг лойиҳасига шу хусусдаги раҳбарий тушунтиришлар киритилган.

Гарчанд, Жиноят кодексининг 81-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмаслиги кўрсатилган бўлсада Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туман судининг ҳукми билан вояга етмаган К.Бабаджанов Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан мол-мулки мусодара этилган ҳолда 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Худди шундай, Тўрткўл туман судининг ҳукми билан вояга етмаган Т.Худойбергановга мол-мулкани мусодара қилиш тариқасидаги қўшимча жазо тайинлаган. Бу нимаси, қонунда йўқ жазони тайинлаган судьяга нима дейиш мумкин?!

Вояга етмаганларга доир жиноят ишларини суд муҳокамасига тайинлаш жараёнида ишнинг барча ҳолатлари, айниқса, айбланувчиларга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш сифатидаги эҳтиёт чорасининг асосли эканлиги синчиклаб текширилиши, айтилиши вақтда Жиноят-процессуал кодексининг 242-243-моддаларига мувофиқ бундай эҳтиёт чораси жиноят содир этганликда айбланаётганнинг шахси, қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражаси шуни тақозо этган ҳоллардагина қўлланилиши инobatга олиниши, қамоққа олиш асоссиз деб топилган тақдирда суд дарҳол эҳтиёт чорасини ўзгартириши лозим бўлади.

Вояга етмаганларга нисбатан қамоққа олиш сифатидаги эҳтиёт чораси қўлланилишидан олдин улар, албатта, ҳимоячи иштирокида прокурор томонидан сўроқ қилинишлари шарт. Бунга риоя этмасликни, уларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини бузилишида ифодаланувчи процессуал қонун талабларини жиддий бузиш, деб баҳолаб бу Жиноят-процессуал кодексининг 419, 487-моддаларига кўра жиноят ишини қўшимча терговга қайтаришга ёки ҳукми бекор қилишга асос бўлиши керак. Бугун Пленумда муҳокама қилинадиган қарор лойиҳасига ана шу ҳақда тегишли қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Судлар вояга етмаганларга доир жиноят ишлари бўйича ишотланиши лозим бўлган ҳолатлар қаторига Жиноят-процессуал кодексининг 548-моддасига кўра судланувчининг шахсини ва ёшини аниқлашлик ҳам киришини айрим ҳолларда эътибордан четда қолдирмоқдалар. Дастлабки тергов органлари томонидан айбланувчининг шахсига доир барча маълумотлар тўпланган-тўпланмаганлиги синчиклаб текширилиши шарт. Бунинг учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги, уларнинг айнан шу шахсга тегишлилиги, уларда айбланувчининг насаби, исми, шарифи ва туғилган вақти тўғри

қайд этилганлиги каби ҳолатларни аниқлаш чоралари кўрилиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб Сизларга бир масалани эслатмоқчиман. Нега жиноят ишларида айбланувчининг сурати бўлмайди? Айбланувчининг сурати жиноят ишида бўлиши шарт деб ҳисоблайман. Акс ҳолда, жиноятни ҳақиқатда содир этган шахс ўрнига бошқа бировнинг судланиши, айбдорга адолатли жазо тайинланмай қолишдек хатоликлар келиб чиқиши мумкин. Масалан, талончилик жиноятини содир этган, 1979 йилда туғилган Маматқул Ҳакимович Юнусов дастлабки тергов органларини чалғитиб уларга ўзининг шахсини гувоҳлантирувчи ҳужжат сифатида укаси, 1984 йилда туғилган Баҳодир Ҳакимович Юнусовнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини тақдим қилганлиги, бу ҳолатни Яккасарой туман суди ҳам текширмаганлиги оқибатида, аслида вояга етган бўлсада, у жазони ўташи учун вояга етмаганлар учун белгиланган умумий тартибли тарбия колониясига юборилган. Бундан ташқари унинг жиноятдаги шериги Улуғбек Жуманов асоссиз равишда вояга етмаганни жиноятга жалб этганликда ҳам айбдор деб топилган.

Судлар вояга етмаганларга доир жиноят ишларини кўришда дастлабки тергов жараёнида уларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари таъминланганлиги масаласига жиддий эътибор беришлари шарт. Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасига мувофиқ, дастлабки тергов жараёни ва судда вояга етмаганларга доир жиноят ишлари бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Мазкур қоида Жиноят-процессуал кодексининг 52-моддаси талабига кўра вояга етмаган ҳимоячидан воз кечганда ҳам татбиқ этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, суд амалиётида ушбу масалада ҳам баъзи бир чалкашликлар мавжуд. Жумладан, шахс жиноятлардан бирини 18 ёшга тўлмасдан ол-

дин, иккинчисини эса вояга етганидан кейин содир этган ҳолларда ёки жиноят содир этганликда айбланган вояга етмаган шахс суд муҳокамаси бошлангунга қадар 18 ёшга тўлган бўлса, ишларни ҳимоячи иштирокисиз кўриш каби жиноят-процессуал қонунининг талабларига зид бўлган ҳолатлар учрайди.

Судлар Жиноят кодексининг 87-моддаси асосида вояга етмаган шахсни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жазодан озод қилиш каби қонунда белгиланган имкониятлардан кўпроқ фойдаланишлари керак. Ваҳоланки, таҳлил қилиб чиқилган ишлардан бирортасида ҳам вояга етмаганга нисбатан, суд томонидан қонуннинг бу талаби муҳокама қилинган эмас.

Кўрсатиб ўтилганлар суд амалиётидаги муаммолардан айримлари холос. Лекин, мен истардимки, бундай хато ва камчиликлар мутлақо бўлмаса. Чунки, вояга етмаганлар тақдири ҳал этилаётганда бизнинг хато қилишга асло ҳаққимиз йўқ. Судьялик бурчи, қолаверса фарзандларимиз олдидаги масъулият биздан бу борада мутлақо нуқсонсиз иш юритишни тақозо этади. Бугун қабул қилинадиган Пленум қарори вояга етмаганларга доир жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг қонунийлик, инсонпарварлик ва одиллик тамойиллари билан янада уйғунлашишига хизмат қилади деган умиддаман.

# ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗО ЧОРАСИНИ ТАЙИНЛАШ БОРАСИДА СУД АМАЛИЁТИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

2000 йил 22 декабрда бўлиб ўтган  
Олий суд Пленумидаги маъруза

Ассалому алайкум, ҳурматли касбдошлар!

Аввало Сиз, азизларни кириб келаётган 2001 йил, Янги аср, янги минг йиллик билан табриклайман, сизларга сиҳат-саломатлик, ишларингизга муваффақиятлар тилайман. Ўтган минг йилликни, айниқса, охириги юз йилнинг тарихини, унинг кўп воқеаларини биласизлар, кейинги 40-30 йиллар ичида бўлиб ўтган воқеаларнинг эса бевосита гувоҳисизлар. Айниқса, азизлар, Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганини ҳаммамиз учун улкан тарихий воқеа бўлди. Бунинг салобатини, аҳамияти ва моҳиятини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ана шу мустақиллик туфайли суд ҳокимияти давлатимизнинг алоҳида мустақил ҳокимиятига айланди ва бу масалада суд ислохотлари босқичма-босқич олиб борилмоқда. Шу қисқа давр ичида қайси соҳани олманг жуда катта ижобий силжишлар рўй берди. Бу оламшумул ишларнинг бошида доно раҳбаримиз Ислон Каримов турибдилар, бирор соҳа йўқки, у кишининг назарлари тушмаган бўлса, хуллас, олиб бораётган йўлларимиз аниқ ва тўғри. Шунинг учун XXI аср бошланишидан бошлаб тузилган ижобий режаларимиз амалга ошишига ҳеч кимда шак-шубҳа йўқдир.

Давлатимизда қабул қилинадиган қонунларимиз инсонпарварлик йўлида такомиллашмоқда, биз, суд ҳокимиятининг ҳар бир аъзоси, фақат адолат йўлида, адолатни эса беғараз олиб боришда масъулиятимизни ошириб, қонун

устуворлигини таъминлашда ўртак кўрсатишимиз зарур деб биламан ва янги аср, янги йилдан бошлаб тинчлик йили бўлсин демоқчиман. Ана шулардан келиб чиқиб, кун тартибига киритилган асосий масалага ўтмоқчиман.

Сизларга маълумки, республика Олий суди жиноий жазо тайинлаш амалиётига ўта масъулият билан қараб келмоқда. 1994, 1996 ва 1999 йилларда республика Олий суди Пленуми жиноий жазога доир қатор қарорларни қабул қилди ва уларда тегишли раҳбарий тушунтиришлар берган эди.

Ушбу қарорларда кўрсатилган дастурий кўрсатмалар судлар томонидан асосан тўғри амалга оширилаётганлигини қайд қиламан. Аммо суд амалиётида жазо тайинлашнинг мақсади ва моҳияти нимага қаратилганлигини очиб бермаяпмиз, айнан озодликдан маҳрум этиш жазоси қандай шахсларга нисбатан тайинланиши лозимлигига судларимиз ҳамон эътибор бермасдан Жиноят кодексининг умумий қоидаларида кўрсатилган принципиал масалаларни ҳал қилишда ўта сусткашлик қилмоқдалар. Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, айрим судларимиз ҳамон жазо белгилаш масаласида пала-партишликка йўл қўйиб, инсонийлик ва одиллик принципларига тўла амал қилмасдан қўпчилик судланувчиларга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлашга мойилликлари сезилмоқда, қонунда кўрсатилган бошқа жазо тизимлари эса, муҳокама қилинмасдан унутиб қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам республика Олий суди ушбу ўта муҳим ва мураккаб масалага яна бир қайтишни мақсадга мувофиқ деб топиб сизларни муҳокаманингизга киритди. Ана шу масалаларга сиз, азизларнинг эътиборингизни жалб этмоқчиман. Жазолашдан мақсад тегишли моддаларда кўзда тутилган енгил чораларни қўллашнинг имкони бўлмагандагина оғирроқ жазо чораларини қўлланилиши мумкинлиги қонунимиздан алоҳида жой олган. Жазо одилона бўлиши, жиноятнинг оғир-енгилига, шахснинг ижтимоий хавфлилики даражасига мувофиқ бўлиши шарт.

Бизнинг асл мақсадимиз озодликдан маҳрум этиш жа-

зоси ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан ёки Жиноят кодексининг 56-моддасида санаб ўтилган, яъни жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда тайинланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва бундай шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини татбиқ этишда эса, суд пайтида фавқулодда ҳолатлар мавжуд эканлиги ҳукмда асослантирилган тақдирда қўллаш мумкин демоқчиман.

Судлар кам аҳамиятли қилмишлар билан оғир ва ўта оғир қилмишларга масъулият билан ёндашиб иш кўришларини зарур деб ҳисоблайман.

Жазо тизимига бир эътибор берайлик. Асосий жазолар: Жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум этиш ва бошқалар.

Энди сизларни эътиборларингизни сонлар ва фоизларга жалб этмоқчиман.

Асосий жазолар тизими саккизтадан иборат, шундан биттаси озодликдан маҳрум этиш жазоси. Энди қаранг, ўтган йилларда судланганларнинг 51 фоизидан кўпроғи озодликдан маҳрум этилган эди, бу кўрсаткич 1999 йилда умумий судланганларнинг 48 фоизини ташкил этди, бу йил тўққиз ойликда 46 фоизини ташкил этмоқда, бундай ижобий томонга кетишимиз яхши, албатта, аммо бошқа қолган жазоларнинг фоизига эътибор берсак, суд амалиётидаги озодликдан маҳрум этиш жазоси жуда юқори эканлигини кўра-миз. Мана, масалан, ахлоқ тузатиш ишларини олайлик. Илгарилари умумий судланганларни 24 фоизига қўлланилган бўлса, 1999 йилга келиб, судлаганларнинг 14,6 фоизига қўлланилган, жарима жазоси 1999 йилга келиб 6 фоизга тушиб кетган, шартли жазо 4 фоизча шахсларга тайинланмоқда, ахлоқ тузатиш ишлари ва жарима жазоси ҳар томонлама афзалликларга эга эканлигини барчамиз яхши тушунмоғимиз зарур.

Шундай аҳволни жойларда таҳлил қилмаяпмиз, шекилли. Вилоят ва унга тенглаштирилган суд раислари бу масалани



мунтазам умумлаштириб боришлари, Раёсатда муҳокама қилиб тегишли қонуний кўрсатмалар беришлари шартдир. Қонунимизда бир ойдан олти ойгача қамоқ жазоси кўрсатилган, мана бу масаладаги аҳволга қаранг.

Кодексимиз кучга кирган йилларда умумий судланганлардан уч фоиздан кўпроғига қамоқ жазоси тайинланган бўлса, 1999 йилга келиб шу кўрсаткич ҳам 2 фоизга тушиб кетган, бу йилги 9 ойликда эса 1,9 фоизни кўрсатмоқда ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, бу ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши лозим, 0,9 фоиздан, 0,3 фоизга тушибмиз. Шунинг учун жазо тизимида кўрсатилган бошқа асосий жазоларни тайинлашга ҳам озгина масъулиятни оширайлик демоқчиман.

Вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлаш амалиётига ҳам сизларнинг эътиборларингизни жалб этмоқчиман. Судланган умумий вояга етмаганларнинг 42,5 фоизи (1999 йилда) озодликдан маҳрум этилганлар, албатта, бу кўрсаткичлар 60 фоиздан ортиқроқ эди. Шунинг ҳам айтишим керакки 2000 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 32 фоизни ташкил этган, лекин бизнинг назаримизда ҳозир ҳам озодликдан маҳрум этиш жазоси вояга етмаганларга нисбатан анча баланд, шу жумладан аёллар, кексалар ва ногиронларга ҳам тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш жазоларининг барчасини мақсадга мувофиқ тайинланган деб бўлмайди. Мен бундай дейишимга тўла асос борлигини назарда тутмоқдаман ва охириги 2 йил 9 ой мобайнида фақатгина Олий суднинг ўзида кассация ва назорат тартибида кўрилган ишларнинг квалификацияси ўзгартирилмасдан минглаб шахсга нисбатан жазо муддатлари камайтирилган. Фақатгина 2000 йил 9 ойда яна бир қатор шахсга нисбатан жазолар камайтирилган. 1999 йил ва 2000 йилнинг 9 ойида жазо мақсадга мувофиқ тайинланмагани учун бир қанча шахс озод этилган. Шу жумладан 200 га яқин аёллар ва вояга етмаганлар озодликдан маҳрум этиш жазосидан озод қилинганлар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, қуйи

судларда жазо тайинлаш амалиётига ўта эътиборсизлик қилинмоқда десам хато бўлмайди.

Озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлаш муддати 6 ойдан бошланади, 6 ой, 8 ой ёки бир йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазолари нега камдан-кам тайинланади? Энди ўша тоталитар давридаги қисқа муддатга жазо тайинлаш қораланиб келинганлигидан биз кечганмиз. Шунинг учун қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳар томонлама ўзини ижобий натижасини беради деб ҳисоблайман ва қисқа муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлашга албатта (асослантирилган ҳолда) ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман, айниқса вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга судлар Жиноят кодексининг 55 ва 57-моддалари, яъни жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар ва енгилроқ жазо тайинлаш масаласини ҳар бир аниқ судланувчига нисбатан муҳокама қилинишини ўзининг асосий вазифаларидан энг масъулиятлиси деб қарашлари керак. Қонун бизга яратиб берган жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш ҳақидаги имтиёздан судланувчиларга нисбатан қўллашда масъулият билан қараяпмизми?! ЖКнинг 65-66-моддалари, яъни қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги, айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниши, ёки бўлмаса, шартли ҳукм қилиниши мумкин-ку.

Энди яна бир муҳим масалага эътиборларингизни жалб этмоқчиман. Бу — ёшлар, яъни вояга етмаган фарзандларимиз масаласи. Жиноят кодексида вояга етмаганлар ҳақида алоҳида боб берилди. Шу бобда уларга нисбатан жазо белгилаш муддатлари вояга етганларга нисбатан жуда катта фарқ билан икки бараварига деса бўлади кам қилиб кўрсатилди. Кўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмаслиги, жарима энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача, ахлоқ тузатиш иши жазоси бир ойдан бир йилгача, қамоқ жазоси бир ойдан уч ойгача белгилан-

ди. Қани, айтинглар, қонуннинг ана шу имтиёзи суд амалиётида судланувчиларга нисбатан етарли даражада қўлланадими дейиш мумкинми? Йўқ, деёлмаймиз.

Ҳурматли касбдошлар!

Мен сизларга Жиноят кодексининг умумий қисмида судларимиз учун асосий қоида қилиб кўрсатилган ва махсус қисмдаги жавобгарлик назарда тутилган моддаларида белгиланган доирада ана шу умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинланишини кўзда тутиш билан бирга шу қоидалар билан амалиёт ўртасидаги тафовутга Олий суднинг муносабатини билдирдим ҳамда шу қоидаларни эслатиб ўтдим. Энди ана шу айтганларимнинг исботи сифатида амалиётда бўлаётган ва ўта пала-партиш тайинланаётган жазолар мисолида аниқ ишлар бўйича бир нечта мисоллар келтирмоқчиман.

Жиззах вилоят судининг ҳукми билан Мирзаев Ваҳоб ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми, 184-моддаси билан айбли деб топилиб 9 йилга озодликдан маҳрум этилган. Бу шахс кичик хусусий корхонада бошлиқ бўлиб ишлаган ва 104.000 сўмга яқин солиқни тўламаганлиги аниқланган (2 йил давомида) банкдан олган кредитдан 648.000 сўмни тўламасдан ўзлаштиришда айбланган.

У айбини тўла тан олган ва тафтиш пайтидаёқ ушбу пулларни тўлаган. Республика Олий суди жазо умуман мақсадга мувофиқ тайинланмаган деган тўғри хулосага келиб жазони шартлига алмаштириб синов муддати белгилаган.

Фарғона вилоят судининг ҳукмига кўра Тожиева Саодат ва Дилмуродова Гулчеҳра айрим эркак кишиларни гапига кириб, бир килограмм «героин»ни ўтказиб бериш эвазига пул ваъда қилганлари учун шундай ҳаракатни қилмоқчи бўлганларида улар орган ходимлари томонидан ушланган, 2-3 тадан фарзандлари борлигини кўрсатиб пушаймон бўлганларига қарамасдан 15-16 йилдан озодликдан маҳрум этилганлар. Олий суд ишни кассация тартибида кўрганида уларга тайинланган жазони 7 йилга келтирган.

Мен бу мисолларни келтиришимдан мақсад жазо тайинлаш амалиётига эътиборни яна бир бор жалб этишдир.

Мана яна шундай мисоллар: Жумашева Поп туман халқ таълими бўлими мудираси, Тўйчиев бош ҳисобчи ва Содиков хазиначи бўлиб ишлаб, икки йил мобайнида кассадан пул олишиб, барча келган текширувчи меҳмонларга харажат қилиб, кўп миқдордаги маблағни талон-торож қилганликда айбланишган ва Наманган вилоят суди томонидан Жумашевага 10 йил, бош ҳисобчига 9 йил, хазиначига 5 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Ушбу зарар тўла қайтарилган, Жумашева 2-гуруҳ ногирони. Иш Олий судда кассация тартибида кўрилиб бош ҳисобчи билан хазиначига 3 йилдан озодликдан маҳрум этиш жазосига келтириб, Жумашевага тайинланган жазо шартлига алмаштирилган.

2 нафар вояга етмаган Басам ва Тегай бировнинг гаражи кулфини бузиб 41.000 сўмлик нарсаларини, яна бир квартирадан 44.000 сўмлик нарсаларни олиб кетганликда Юнусобод туман суди томонидан айбланганлар ва бири 5 йил, иккинчиси 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганлар, уларнинг содир этган жиноий ҳаракатларидан ўта пушаймонликларини, зарар тўланганлигини ҳисобга олиб Олий суд назорат тартибида шаҳар суди Раёсатига протест келтирди ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини қамоқ билан боғлиқ бўлмаган шартли жазога алмаштириш сўралди.

Протест қаноатлантирилди.

Жалилова Азиза 1963 йилда туғилган, 3 нафар боланинг онаси, ўзаро жанжал натижасида иккинчи бир кишининг ҳаётига суиқасд қилганликда айбланиб Андижон вилоят судининг ҳукми билан 15 йилга озодликдан маҳрум этилган. Жабрланувчига енгил шикаст етказилган, шундай ҳолатда бирор марта судланмаган аёл кишига шундай оғир жазо тайинлаш мақсадга мувофиқми?! Олий судда ушбу иш кассация тартибида кўрилиб 7 йил озодликдан маҳрум этиш жазосига келтирилган. Ҳозир Олий суд ишни қайта ўрга-

ниб қолдирилган жазо ҳам мақсадга мувофиқлиги яна қайта кўриб чиқилмоқда.

Бухоро вилоят судининг ҳукми билан Раҳмонқулова, Жўрақулов билан бирга 2 кг 300 гр “опий”ни сотиб олиб сотиш мақсадида кетаётганларида улар ушланганлар, жиноят охирига етмаганликда айбланиб, Раҳмонқулова 10 йилга озодликдан маҳрум этилган. Унинг 4 нафар болалари бор, судланмаган, пушаймонлик билдириб енгиллик беришни сўраган. Олий суд ишни кассация тартибида кўриб жазони 6 йилга келтирган. Аммо шу жазони қолдириш ҳам мақсадга мувофиқмикан?! У амнистияга тушмаса. Биз шу аёл кишини 6 йил ўтириши билан нимага эришамиз. Шу ҳолатга унга нисбатан бир йил, бир ярим йилга озодликдан маҳрум қилинганда, менимча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир шунга ўхшаш мисол: Ниязмутдинова 40 ёшдан ошган аёл киши, 2 нафар болалари бор, 4,5 гр “марихуана”ни сотганлиги ва уйидан яна 49 гр чиққанликда айбланиб, ўша, Бухоро вилоят судининг ҳукми билан ўн йилга озодликдан маҳрум этилган. У қилган ишидан жуда пушаймон, оиласида фавқулодда ҳолат юз берган, яъни унинг турмуш ўртоғи вафот этган. Шунинг учун ҳам шу ишга қўл уриб, 15 минг сўм манфаатдор бўлган. Суд унга мол-мулкларини мусодара қилиш билан 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлабди. Олий суд бу жазони 5 йилга келтирди. Бу жазо шу шахсга нисбатан мақсадга мувофиқ тайинланган деб бўладими? Олий суд уни қамоқда ўтиргани билан чегараланганда ҳам, менимча, тўғри бўлар эди.

Ҳурматли касбдошлар! Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, «етти ўлчаб бир кес» деган мақолга амал қилсак ёмон бўлмайди. Президентимизнинг бир неча бор суд халқимиз назарида жазоловчи орган сифатида гавдаланмасдан халқимизни ҳимоя этувчи, адолатли суд сифатида танилиши лозим деганларини асло ёддан чиқармасдан бунга чуқурроқ киришишимиз зарур.

## СУДЬЯЛИК — ОЛИЙ МАРТАБА, МУҚАДДАС МАЪНАВИЙ УНВОН

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг  
2001 йил 12 мартда судьялик лавозимига тайин-  
ланганларнинг қасамёд қабул қилиш маросимига  
бағишланган навбатдан ташқари бўлиб ўтган  
Пленумидаги маъруза

Азиз ҳамкасблар, мен Сизларни бугунги тантана билан, яъни, Сизнинг ҳаётингизда бир умр муҳрланиб қоладиган кун билан табриклайман. Мамлакатда ҳуқуқшунослар кўп. Бироқ судья деган шарафли номга ҳар ким ҳам сазовор бўлавермайди. Сизлар Президентимизнинг Фармонлари билан тайинланиб Судья деган шарафли номга эга бўлдиларингиз. Бугун шарафли, айти пайтда ўта масъулиятли бўлган судьялик вазифасига киришиш учун фатво берувчи босқичдан ўтдингиз. Республикамиз байроғи олдида, энг юқори судлов босқичи ҳисобланган Республика Олий суди Пленумида, муҳими — ўз виждонларингиз олдида ҳалоллик, поклик, одиллик ва беғараз бўлиш учун қасамёд қилдингиз.

Ушбу қасамёдга бутун хизмат фаолиятларингиз давомида содиқ қоласизлар деган умиддаман.

Мен ўзимнинг «Беғараз истаклар» деб номланган мақоламда «Судья қандай бўлиши керак», -деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилганман. Жумладан унда шундай сатрлар бор:

«- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун-

ларни муқаддас билинг ва уларга доимо, ҳар бир ишда қатъий риоя этинг;

- Ўзингизда ватанпарварлик туйғусини тарбияланг;

- Ватанга ва халққа бўлган садоқатингиз ҳар бир ҳаракатингизда намоён бўлсин;

- Президентимизнинг «Халқ очликка, қийинчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди», - деган сўзларини асло унутманг;

- фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилишни тўлиқ таъминлашни энг асосий бурчингиз деб билинг ҳамда бу ишда фидойилик кўрсатинг;

- судьялик қасамёдига ва этикаси қоидаларига содиқ қолинг, уларни бузишдан қўрқинг, бузганлардан эса ҳазар қилинг;

- ҳамма вақт ва ҳар ишда, энг аввало, хизмат фаолиятингиз билан боғлиқ муносабатларда сабр-тоқатли, метин иродали бўлинг;

- ҳар қандай қонун бузилишига нисбатан муросасиз бўлинг, уларга қонун номидан яшиндай шиддатли, шамширдай кескир муносабат билдиринг;

- ҳалол ва адолатли бўлинг, ўз ваколатларингиз ва вазифаларингизни қонун доирасида виждонан, холисона, беғараз бажаринг, адолат фақат беғараз қарор топтирилгандагина адолат саналишини ўз шиорингиз деб билинг;

- суд ишларида бирор-бир тарзда ошна-оғайнигарчилик, жўрабозлик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, миллатчилик каби иллатларнинг бўлиши мутлақо мумкин эмаслигини унутманг;

- судьяликдан юксак лавозим йўқ, бу ном мўътабар тутилиши, улуғланиши ва эҳтиёт қилиниши керак. Судьяликка шак келтирманглар, унинг жазоси оғир бўлади;

- кибру ҳавога, манманликка, шахсиятпарастликка берилиш, ўзини ўзгалардан устун қўйиш судья ва суд ходимига мутлақо ёт хислатлар бўлиши шарт;

- хушомад вақтинча тиз чўкиб турган тажовуздир. Хушомадгўйдан қочинг, унинг хушомадида ғараз мақсад ниқобланганлигини унутманг;

- ўзингиз билан бирга ишлайдиган судьялар ва суд ходимларига нисбатан ҳам талабчан бўлинг, чунки улар хусусида айтилган гаплар, билдирилган мулоҳазалар сизларга ҳам тааллуқли, салбий фикр-мулоҳазалар эса суд обрўсига путур етказди;

- илмли, маърифатли бўлинг, маънавий қашшоқликдан ортиқроқ жаҳолат йўқдир, чунки инсоннинг зийнати унинг илмидадир. Кайковус таъкидлаганидек: «Қозига яхши ҳунар - илм ва мулойимликдир...»

Судьялик лавозимини фақат мансаб деб эмас, балки, олий мартаба, муқаддас маънавий унвон сифатида асраб-авайлашларингизни, кенг фикр ва чуқур мулоҳаза билан иш тутишларингизни сўраб, сермашаққат хизмат фаолиятларингизга оқ йўл тилайман.

Адолат ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.



# МУНДАРИЖА

## МАҚОЛАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	
ОЛИЙ СУДИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА .....	5
ЖАМИЯТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ .....	16
XXI АСР — УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР АСРИ .....	19
БЕҒАРАЗ ИСТАКЛАР .....	23
СУД КАДРЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА ТАРБИЯЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА .....	29
СУД ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТ .....	36
ИНСОНПАРВАРЛИК ОДИЛ СУДЛОВНИНГ МАҚСАДИДИР ..	41
ТАДБИРКОР МАНФААТИ — ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ .....	47
САЙЛОВЛАР — СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИМИЗ КЎЗГУСИ .....	56
ЮРТ РАВНАҚИ — ОЛИЙ САОДАТ .....	59
ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ .....	62
ЖАЗОЛАШ — АСОСИЙ ВАЗИФА ЭМАС .....	68
СУД ДЕПАРТАМЕНТИ ИШ БОШЛАДИ .....	73
«ДЕСАНТЧИ»ЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ ЁКИ БУХОРОДАГИ ВОҚЕАЛАР .....	75

## МАЪРУЗАЛАР

ЖИНОИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИДА ЮЗАГА КЕЛГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА 1999 йил 14 майда бўлиб ўтган Олий суднинг навбатдан ташқари Пленумидаги маъруза .....	82
«ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ВА СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА БЎЛИБ ЎТГАН СЕМИНАРДАГИ МАЪРУЗА .....	91

ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ СУДЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА СУД АМАЛИЁТИДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикаси судьяларининг 1999 йил 27 ноябрда бўлиб ўтган анжуманидаги маъруза.....	97
СУДЛАРНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 7 июл Пленумидаги маъруза .....	104
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚўЛЛАШ СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳужалик судининг қўшма Пленумидаги маъруза .....	112
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА 2000 йил 15 сентябрда бўлиб ўтган Олий суд Пленумидаги маъруза .....	122
ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗО ЧОРАСИНИ ТАЙИНЛАШ БОРАСИДА СУД АМАЛИЁТИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА 2000 йил 22 декабрда бўлиб ўтган Олий суд Пленумидаги маъруза .....	133
СУДЬЯЛИК — ОЛИЙ МАРТАБА, МУҚАДДАС МАЪНАВИЙ УНВОН Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 йил 12 мартда судьялик лавозимига тайинланганларнинг қасамёд қабул қилиш маросимига бағишланган навбатдан ташқари бўлиб ўтган Пленумидаги маъруза .....	141

**УБАЙДУЛЛА МИНГБОЕВ**  
**СУД — ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯЧИСИ**

Тўловчилар ва муҳаррирлар  
**Шохрух АКБАРОВ,**  
**Акрам ЖУМАЕВ**

Мусаввир:  
**М.Одилов**  
Оригинал макетни  
**И.Исомиддинов тайёрлаган**

Мусаҳҳиҳлар:  
**Ж.Абдуллаев**  
**Р.Жўрабоев**

Босишга 17.04.2001 йилда рухсат этилди.  
Босмахонага 26.06.2001 йилда берилди. Қўғоз бичими  
60x84 1/16, босма тобоғи 9,25. Адади - 5000 нусха,  
буюртма №185.

Тошкент, Абдулла Қодирий кўчаси 1 уй.

ДИТАФ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, Олмазор кўчаси 171-уй.

